

Таъсисчи:

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

Ушбу сон муҳаррирлари:

С. А. Раззоқов, И. В. Солохина

Дизайнер ва саҳифаловчи

Д. Р. Джалилов

Ахборотнома Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йил 18 июнда қайд этилган. Оммавий ахборот воситаси давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома № 0568.

Ахборотнома фан доктори илмий даражасига талабгорларнинг диссертация ишлари илмий натижалари юзасидан илмий мақола-лар эълон қилиниши мумкин бўлган республика журналлари рўйхатига киритилган (ОАК Раёсатининг 2013 йил 30 декабрдаги 201/3-сон қарори).

Таҳририят манзили:

100197, Тошкент шаҳри, Интизор кўчаси, 68.

Тел.: 265-23-56, 265-23-52.

<http://akadmvd.uz/category/vestnik-akademii>

e-mail: info@akadmvd.uz

Оригинал-макет Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг таҳририят-ноширлик бўлимида тайёрланди.

Мақолалар ҳар қандай усулда тўлиқ ёки қисман кўчириб босилганида «Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Таҳририят хатлар муаллифлари билан ёзишмайди. Қўлёзмаларга тақриз берилмайди ва улар қайтарилмайди.

Бичими 60x84 1/8. Нашр табағи 11,0. Офсет усулида босилди. Адади 300 нусха. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ноширлик марказида чоп этилди. Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68. Баҳоси келишилган нархда. Босишга рухсат этилди 26.03.2018.

Буюртма №

ISSN 2181-4872

© Ўзбекистон Республикаси
ИИВ Академияси, 2018.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ИИВ АКАДЕМИЯСИНИНГ

АХБОРОТНОМАСИ

2010 йилдан чиқа бошлаган

Йилда тўрт марта чиқади

2018 йил, 1-сон

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ

Ўзбекистон Республикасида фуқаролик жамиятини ривожлантириш истиқболлари

Перспективы развития гражданского общества в Республике Узбекистан

Закирова А.Г.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси — демократик ислохотларнинг ҳуқуқий асоси.....3

Мирақулов М.М.

Конституция — халқимиз сиёсий-ҳуқуқий тафаккурининг маҳсули.....7

Хусанова М.Р.

Қонун ижодкорлиги жараёнини такомиллаштиришнинг янги босқичида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг роли.....16

Худайбердиева А.Н.

Роль политических партий в повышении эффективности функционирования гражданского общества.....19

Қонунчилик, қонун устуворлиги ва қонунчилик тарғиботи

Законодательство, верховенство закона и пропаганда законодательства

Матмуратов Б.Ж.

Жиноят субъекти ва жиноятларни квалификация қилиш масалалари.....25

Худайбердиев А.Қ.

Қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш — қонун ижодкорлиги жараёнини ижтимоий таъминлашнинг муҳим усули.....34

Суд-ҳуқуқ ислохотлари ва қонунчиликни такомиллаштириш

Судебно-правовые реформы и совершенствование законодательства

Қулматов Ш. А.

Жиноят-процессуал мажбуриятларнинг процессуал мажбурлов билан ўзаро боғлиқлиги ва фарқли жиҳатлари.....37

Маннонов А.М.

Тергов бўлинмалари ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш.....42

Учредитель:
Академия МВД Республики Узбекистан

Редакторы номера:
С. А. Раззаков, И. В. Солохина

Дизайн и верстка
Д. Р. Джалилов

Вестник зарегистрирован Узбекским агентством по печати и информации 18 июня 2009 г. Свидетельство о регистрации средства массовой информации № 0568.

Вестник включен в перечень республиканских журналов, рекомендованных для публикации научных статей, подготовленных по результатам диссертационных работ на соискание ученой степени доктора наук (Решение Президиума ВАК №201/3 от 30 декабря 2013 г.).

Адрес редакции:
100197, г. Ташкент, ул. Интизор, 68.
Тел.: 265-23-56, 265-23-52.
<http://akadmvd.uz/category/vestnik-akademii>
e-mail: info@akadmvd.uz

Оригинал-макет подготовлен в редакционно-издательском отделе Академии МВД Республики Узбекистан.

При перепечатке или воспроизведении любым способом полностью или частично ссылка на вестник «Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси» обязательна.

Редакция не вступает в переписку с авторами писем, рукописи не рецензируются и не возвращаются.

Формат 60x84 1/8. Уч.-изд.л. 11,0. Печать офсетная. Тираж 300 экз. Отпечатано в Издательском центре Академии МВД Республики Узбекистан, г. Ташкент, ул. Интизор, 68.
Цена договорная.
Подписано в печать 26.03.2018.

Заказ № ISSN 2181-4872

© Академия МВД Республики Узбекистан, 2018.

Фуқаролик ҳуқуқи муаммолари

Проблемы гражданского права

Камалов О.А., Ражабов Б.А.
Маҳсулот етказиб бериш шартномасининг объекти сифатида товарларнинг хусусиятлари.....46

Файбуллаев А. И.
Мажбуриятлар тизимида омонат сақлашнинг туган ўрни.....51

Жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш

Охрана общественного порядка и борьба с преступностью
Неъматов Ж.А.
Классификация и характеристика транснациональных преступных организаций.....55

Мирзаев Ж.У.
Особенности оперативно-розыскной характеристики преступлений, связанных с незаконным оборотом наркотических средств.....59

Шарипов С.С.
Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмалари фаолиятини такомиллаштиришнинг айрим жиҳатлари.....65

Муратов Х.М., Ахмедов О.Т., Аманов А.А.
Электр энергетика объектларида терроризм билан боғлиқ фавқулудда вазиятлар содир бўлишининг олдини олишда ички ишлар органлари ва «Ўзбекэнерго» АЖнинг вазифалари.....69

Таълим ва тарбия масалалари

Вопросы обучения и воспитания

Аташайхов А. А.
Жанговар-жисмоний тайёргарлик машғулотларида педагогик таҳлилини амалга ошириш хусусиятлари (ИИВ Академияси мисолида).....74

Халқаро алоқалар ва хорижий тажриба

Международная связь и зарубежный опыт

Мухамедов Ў. Х.
Илғор хорижий тажрибани ўрганиш асосида кадрлар тайёрлаш тизимини модернизация қилиш.....81

Қодиров У. А.
Коррупцияга қарши кураш бўйича хорижий тажриба.....86

Хотира ва қадрлаш

Память и почеть

Хамедов И.
Научное наследие, жизненный путь академика А.Агзамходжаева – достояние новейшей истории Узбекистана.....89

Ёш олимлар минбари

Трибуна молодых ученых

Абдуқодиров Т. С.
Терговга қадар текширув институтининг хусусиятлари ва уни янада такомиллаштириш истиқболлари.....93

А.Г. Закирова,

*ИИВ Академияси ҳуқуқбузарликлар профилактикаси
кафедраси профессори, юридик фанлар доктори*

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИ — ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Аннотация. Мақолада мамлакатимизда миллий қонунчилик тизимини, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, фуқаролик жамияти институтларининг фаолиятини такомиллаштириш, давлатимизнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий салоҳиятини юксалтириш соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг Конституция нормалари билан узвийлиги таҳлил қилинган ва асослаб берилган.

Таянч тушунчалар: Конституция, миллий қадриятлар, оила, маҳалла, ҳуқуқий механизм, Конституциянинг барқарорлиги.

Конституция Республики Узбекистан — правовая основа демократических реформ

Аннотация. В статье проанализированы и обоснованы взаимосвязь реформ, проводимых в сфере совершенствования деятельности национальной законодательной системы нашей страны, в том числе органов государственной власти и управления, институтов гражданского общества, повышения социально-экономического, политического и военного потенциала нашего государства, с конституционными нормами.

Ключевые слова: Конституция, национальные ценности, семья, махалля, правовой механизм, незыблемость Конституции.

Constitution of the Republic of Uzbekistan is the legal basis of democratic reforms

Annotation. The article deals with the national legal system of our country and the connection of constitutional norms of the reforms conducted in the field of governmental and managerial organs, improvement of the activity of institutions of civil society, social and economic and political and military capacity are scientifically grounded and analyzed.

Key words: Constitution, national values, family, community, legal mechanism, stability of the Constitution.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларидаги эришилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ҳуқуқий асослари Конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилган қоида ва принципларга таяниб амалга оширилаётгани Бош қомусимизнинг нуфузи юксаклигидан далолат беради. Инсон ва унинг шаъни, кадр-қиммати улуғланган Асосий қонунимизда юртимизда яшаётган барча фуқароларнинг тенг ҳуқуқли экани, давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилиши, мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаролар олдида масъуллиги, оиланинг муқаддаслиги, фуқаро-

ларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ҳуқуқлари кафолатлангани Конституциянинг халқчиллиги ва ҳаётийлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг йигирма беш йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармойишида халқимиз сиёсий тафаккурининг ноёб намунаси бўлган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси Ватанимиз мустақиллиги, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаёти, фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликлари

ҳамда манфаатларининг мустаҳкам кафолати сифатида юртимизда бозор муносабатлари ва хусусий мулк устуворлигига асосланган ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, Ўзбекистоннинг халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллаши учун мустаҳкам пойдевор бўлиб келаётгани алоҳида қайд этилган¹.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда бугунги замон талаблари асосида такомиллашиб бораётган миллий қонунчилик тизими, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, фуқаролик жамияти институтларининг фаолияти, умуман олганда, давлатимизнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий салоҳияти, аҳолининг онгу тафаккури тобора юксалиб бораёпти. Юртимизда кечаётган кенг қўламли ислоҳотлар самарасини ҳар бир инсон ҳис этмоқда.

2017 йилнинг «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» деб номлангани ҳам азиз ва мукаррам қилиб яратилган инсон қадрини, унинг манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида амалга оширилаётган ишларнинг узвий давоми бўлди, десак муболаға бўлмайди. Бу республикаимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 24 йиллиги муносабати билан 2016 йил 7 декабрь куни тантанали тадбирда айтган: «Бугун ҳаётимизнинг ўзи Конституциямизда ифодасини топган энг асосий мақсад — инсон манфаатларини ҳар томонлама таъминлаш масаласини долзарб вазифа қилиб қўймоқда. Инсон манфаатларини таъминлаш учун эса аввало одамлар билан, халқ билан мулоқот қилиш, уларнинг дарду ташвишлари, орзу-ниятлари, ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини яхши билиш керак»² деган сўзларида яна бир бор ўз исботини топди.

Маълумки, мамлакатимиз Конституциясида оиланинг муқаддаслиги, ота-оналик шарафли унвон экани, фарзандлик туйғулари ва бурчи ҳам ахлоқий, ҳам юридик жиҳатдан юксак қадрият экани акс эттирилган бўлиб, унинг ижтимоий мақоми аниқ белгилаб қўйилгани, шу асосда Оила, Фуқаролик,

Уй-жой кодекслари ва бошқа зарур қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, бу борада тегишли ҳуқуқий пойдевор яратилгани ҳам Ўзбекистонда жамиятнинг муҳим бўғини, айниқса ёш авлод камолотига бевосита дахлдор бўлган ижтимоий институт сифатида қаралаётган оилага юксак эътибор берилаётганидан далолатдир. Юртбошимизнинг оилаларни мустаҳкамлаш, ёшларни тарбиялаш, уларни ижтимоий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш ҳамда кадрлар тайёрлаш сиёсати соҳасида қабул қилган қарорлари, халқаро минбарлардаги чиқишлари ҳамда амалий таклифлари Бош қомусимизнинг Муқаддимасида белгиланган **ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулият** ҳиссининг ёрқин ифодасидир.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, маънавий қадриятларимизнинг яққол ифодаси сифатида давлатчилигимиз тарихида биринчи марта «маҳалла» тушунчаси Конституциямизга киритилиб, унинг жамият бошқарувидаги ўрни ва мақоми қатъий белгилаб қўйилди. Қонунчилигимизда маҳалланинг ҳуқуқ ва ваколатлари такомиллашиб бораётгани ҳозирги кунда ўзини ўзи бошқариш идораси, ҳақиқий демократия мактаби сифатида кенг қўламли фаолият олиб боришига, мустақиллик йилларида маҳалла ҳаёти билан боғлиқ қўллаб-қадриятлар, удум ва анъаналаримиз тикланиб, замон талаблари асосида бойиб боришига ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Бу эса «Кучли давлатдан — кучли жамият сари» деган принципнинг амалий ифодаси бўлиб, маънавий ҳаётимизни янада мустаҳкамлаш, ёш авлодимизнинг онгу тафаккурини замонавий асосда шакллантириш борасида улкан аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 3 январдаги «Айрим давлат органлари фаолияти такомиллаштирилиши, шунингдек фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуннинг 19-мод-

даси билан Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига киритилган қўшимчаларда ҳам миллий қадриятларимиздан келиб чиққан ҳолда, никоҳдан ажралишларнинг олдини олиш, шу жумладан бу борада маҳалланинг ролини кучайтириш назарда тутилган.

Ҳуқуқни қўллаш амалиётида судлар ва фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари қўрилаётган никоҳдан ажратиш билан боғлиқ ишлар тўғрисидаги маълумотларни яраштириш комиссияларига ҳар доим ҳам юбормаслиги оқибатида комиссиялар ажралаётган оилалар ҳақида беҳабар қолиши ва уларни яраштириш чораларини кўриш имкони бой берилаётгани маълум бўлди.

Қонун асосида Оила кодексига суд ва фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларининг ўз иш юритувидаги никоҳдан ажратиш билан боғлиқ ишлар тўғрисида уларни яраштириш учун муайян чоралар кўриш бўйича яраштириш комиссияларини хабардор этиш механизми киритилиши кўплаб муаммоли, ҳаётий тажрибага эга бўлмаган оилаларнинг сақлаб қолинишига ҳисса қўшади.

Шу ўринда оила-никоҳ масалалари инсоннинг шаъни, узвий ҳуқуқлари билан боғлиқ қадрият эканлигини инобатга олган ҳолда таъкидлаш жоизки, тарафларни яраштириш учун муайян чоралар кўриш бўйича Яраштириш комиссияларининг фаолияти ҳар бир оиланинг жамиятнинг асосий бўғини сифатида давлат ва жамият муҳофазасида бўлишининг амалий аҳамиятини янада оширади, тарафларнинг оила-ҳаёт, фарзандлар келажаги ҳақида яна бир карра мушоҳада қилишига имкон яратади. Шу билан бирга, фуқароларнинг шахсий дахлсизлиги ҳуқуқларининг кафолати Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 октябрдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 274-сон қарори билан тасдиқланган Фуқаролар йиғинининг яраштириш комиссияси тўғрисидаги намунавий низомга мувофиқ ҳимояланган бўлиб, яраштириш комиссия-

сига аён бўлган сирларнинг ўзгаларга ошкор қилиниши қатъиян тақиқланган ҳамда Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлишлари белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2017 йил 11 октябрь куни бўлиб ўтган йиғилишида оила институтини такомиллаштиришга қаратилган яна бир муҳим қадам қўйилди. Хусусан, **«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Оила ва аёллар масалалари бўйича комиссиясини тузиш тўғрисида»** қарор қабул қилинди. Оилани мустақамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёлларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий фаолигини ошириш, соҳага оид қонунчиликни такомиллаштириш, ушбу йўналишдаги давлат дастурларини ҳаётга изчил татбиқ этиш, оила ва хотин-қизлар масалаларига оид халқаро шартномаларнинг бажарилишини таъминлашга кўмаклашишни мақсад қилган парламент комиссияси соҳадаги иш самардорлигини оширишга, ислохотларнинг изчиллигини таъминлашга хизмат қилади.

2017 йил 10-11 октябрда бўлиб ўтган Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги саммитида ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ўз чиқишларида бугунги глобаллашув жараёни шароитида долзарб масалалар қаторида оилаларни мустақамлаш, бунда айниқса, ўсиб келаётган авлодларни умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялаш муҳимлигига алоҳида тўхталиб ўтди. Ушбу соҳадаги ишлар юзасидан тажриба алмашиш мақсадида 2018 йил Ўзбекистонда «Оилаларни мустақамлаш ва баркамол авлодни тарбиялашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг роли» мавзуида халқаро конференция ўтказишни таклиф этди. Эътиборли томони шундаки, саммит якунида МДХга аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг «Оила институти ва анъанавий оилавий қадриятларни қўллаб-қувватлаш бўйича баёноти» ҳам қабул қилинди.

Дарҳақиқат, мамлакатимиздаги ҳар бир оила, унда камол топаётган фарзандлар давлатнинг порлоқ келажагини таъминловчи куч эканлигини инобатга олган ҳолда олиб борилаётган бугунги ислоҳотлар самараси, албатта, эришаётган ютуқларимизда кўринади.

Буларнинг барчаси шундан далолат берадики, Конституциямизнинг барқарор-

лиги ва ҳаётийлиги унинг Ўзбекистон танлаган мақсад, яъни тараққий топган давлатлар қаторига кириш, халқимиз ва келажак авлодимиз учун муносиб ҳаёт даражаси ва сифатини таъминлаш, халқаро майдонда юксак обрў-эътиборга сазовор бўлиш учун мустақкам ҳуқуқий замин бўлиб хизмат қилмоқда.

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — 2017. — № 25. — 536-м.

² www.press-service.uz

ҚОНУНЧИЛИК – АСОСИЙ МЕЗОН

2018 йил 24 январь куни Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясида «**Терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида қонунларнинг ижросини таъминлаш ва назорат қилиш самарадорлигини ошириш**» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тергов департаменти ходимлари, жиноят ишлари бўйича судьялар, Ўзбекистон Республикаси Академияси раҳбар кадрларни тайёрлаш факультети ва Бош прокуратура Олий ўқув курсларининг профессор-ўқитувчилари ва тингловчилари иштирок этди.

Давра суҳбатида Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тергов департаменти бошқарма бошлиғи подполковник Бердиалиев Бахтиёр Эркиновичнинг «Ички ишлар органларининг судга қадар ишларни юритиш фаолиятини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар ва уларнинг истиқболлари», Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси жиноят-процессуал ҳуқуқ кафедрасининг профессори ю.ф.д., профессор Ражабова Мавжуда Абдуллаевнанинг «Тергов жараёнида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг кафолатлари ва уларни такомиллаштириш», Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Олий ўқув курслари катта ўқитувчиси, ю.ф.д., профессор, 3-даражали давлат адлия маслаҳатчиси Пулатов Бахтиёр Халиловичнинг «Прокуратура органларининг ички ишлар органлари тергов аппаратлари билан ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш йўллари», Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси раҳбар кадрларни тайёрлаш факультети тингловчиси майор Соипов Шерзод Икромбековичнинг «Ички ишлар органлари тергов аппаратларининг терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов фаолияти самарадорлигини оширишнинг муҳим жиҳатлари» мавзусидаги маърузалари тингланди.

Ҳар бир маъруза доирасида ўрганилган муаммолар, уларни бартараф этиш бўйича билдирилган фикр-мулоҳазалар истиқболдаги вазифалар иштирокчилар томонидан қизғин муҳокама қилинди.

Ушбу давра суҳбатида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Олий ўқув курслари ва ИИВ Академияси раҳбар кадрларни тайёрлаш факультети тингловчилари ўзларининг келгусидаги раҳбарлик фаолияти учун зарур билим ва кўникмаларга эга бўлдилар.

М.М. Миракулов,

*Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти бошлигининг
ўринбосари, юридик фанлар доктори*

КОНСТИТУЦИЯ – ХАЛҚИМИЗ СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАФАККУРИНИНГ МАҲСУЛИ

Аннотация. Мақолада Конституциянинг жамият ва давлат ҳаётидаги аҳамияти, Асосий қонунимизнинг дунё конституцияларининг асосий жиҳатлари билан ҳамоҳанглиги, хусусан асосий мавзуларни, парламент ваколатларини, инсон ҳуқуқларини қамраб олиши қиёсий тадқиқ этилган.

Таянч тушунчалар: Конституция, инсонпарварлик, демократия, инсон ҳуқуқлари, қонун, парламент ваколатлари.

Конституция – продукт политико-правового мышления народа

Аннотация. В статье проанализировано значение Конституции в жизни общества и государства, соответствие ее норм и принципов мировым конституциям, сравнительно исследованы вопросы охвата конституционными нормами основных тем, парламентских полномочий, прав человека.

Ключевые слова: Конституция, гуманность, демократия, права человека, закон, парламентские полномочия.

The constitution is a product of political and legal thought of people

Annotation. The article analyzes the importance of the Constitution in the life of society and the state, adherence to its norms and principles with world constitutions. The author comparatively researches the issues of coverage by the constitutional norms of the main areas, parliamentary powers, human rights.

Key words: Constitution, humanity, democracy, human rights, law, parliamentary powers.

Тарихдан маълумки, мустақилликка эришган ҳар бир халқ ўз тараққиёт йўлини излайди, янги жамият бунёд этишда ўз андозасини ишлаб чиқишга ҳаракат қилади. Шу маънода, айнан Конституция миллий давлатга хос бўлган ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, маънавий камолот ва тараққиётга олиб борадиган ўзига хос стратегик дастур, «йўл харитаси» вазифасини бажарадиган халқ иродасининг олий ифодасидир.

Конституциямиз халқимиз хоҳиш-иродасини бир ҳужжатга жамлаган, уйғунлаштирган муҳим манба десак, муболаға бўлмайди. Одатда кўп давлатлар Конституциялари нуфузли экспертлар, депутатлар томонидан ишлаб чиқилиб, сўнгра парламентда қабул қилинади. Бундай ҳужжатлар мутахассис нуқтаи назаридан юқори баҳоларга сазовор бўлса-да, унда халқчиллик, халқ руҳияти етишмайди. Айрим давлатлар

ҳатто ўз Асосий қонунларининг референдумда, халқ иштирокида қабул қилингани билан фахрланишади. Албатта, бу энг олий даражадаги қарор ҳисобланади. Бироқ бундай жараёнда халқ олдида фақат икки саволдан бирига жавоб бериш имкони бўлади: Конституция матнини тасдиқлаш ёки рад этиш. Ўзбекистон Конституциясининг ўзига хослиги шундаки, у икки маротаба халқ муҳокамасида бўлиб, халқимиз хоҳиш-иродаси билан бойитилди. Умумхалқ муҳокамаси давомида Конституция лойиҳаси юзасидан жами 6 мингдан ортиқ таклиф ва мулоҳазалар билдирилган. Конституциявий комиссиянинг ўзига мингдан зиёд хатлар тушган. Таклиф ва мулоҳазалар Конституция лойиҳасининг ҳамма моддаларига дахлдор бўлиб, матннинг деярли ярмига, яъни лойиҳадаги 127 та моддадан 60 тасига тузатиш ва аниқликлар киритилган. Дастлабки

вариантдан тўртта модда чиқарилиб, матнга бир неча янги моддалар киритилган.

Ушбу жараёнда иштирок этган мутахассисларнинг таъкидлашларича, таклиф ва мулоҳазаларнинг аксарияти фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, шахс дахлсизлиги, диннинг жамиятдаги ўрни ва вазифаси, иқтисодий ҳуқуқлар, жумладан, мулк ҳуқуқи, бозор муносабатлари ва тадбиркорликни ривожлантириш, ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликнинг конституциявий асосларини мустақамлашга қаратилган модда, боб ва бўлимларга тааллуқли бўлган.

Қайд этиш жоизки, мустақил Ўзбекистон тарихида Конституциямиздек кенг муҳокама қилинган қонун бўлмаган. Асосий қонунимиз нафақат ҳар бир вилоят ва Тошкент шаҳрида, вазирлик ва идораларда, балки ҳар бир туман, корхона, муассаса ва ташкилотда муҳокама қилинган ҳамда унинг яқунлари тегишли жадвал асосидаги таклифлар билан Конституциявий комиссияга тақдим этилган.

Маълумки, давлат ва жамият ҳаётида баъзи нарсалар Ватанимиз каби битта бўлади: байроғимиз битта, гербимиз битта, мадҳиямиз битта, шу қатори Конституциямиз ҳам битта. Буларнинг ҳар бири ўз тимсолида она Ватанимиз, унинг табиати, халқимизнинг эзгу-мақсадларини ўзида акс эттиради. Шу маънода, Конституциямиз ҳар бир фуқаро учун байроғимиз, гербимиз, мадҳиямиз каби қадрлидир.

Конституциямиз қабул қилинишидан мақсад ва вазифаларга эътибор берадиган бўлсак, муқаддидада республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечирिशларини таъминлашга интилиш, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш мақсадида Конституция қабул қилингани қайд этилмоқда. Яъни Конституциямизнинг моҳияти инсонга муносиб ҳаёт шароитлари яратиш, уни бахтли қилишдан иборат. Конституция жамият ва унинг аъзолари олдида **инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш мақсадини қўймоқда**. Шундай давлатдагина халқнинг муносиб турмуши, ҳуқуқ ва эркин-

ликларини кафолатлаш, инсоннинг маънавий-ахлоқий баркамоллигини таъминлаш мумкинлиги таъкидланди.

Мазкур мақсадни рўёбга чиқариш учун бутун Конституция бўйлаб инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлатнинг асосий принцип ва белгилари қайд этилди. Улар қаторида халқ ҳокимиятчилиги (II боб), ҳокимиятлар бўлиниши (11-м.), ижро ҳокимиятининг сайланган қонун чиқарувчи ҳокимият олдида ҳисобдорлиги (78, 98-мм.), қонун устуворлиги (III боб), инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш ва уларнинг кафолатланганлиги (13-м., X боб), фуқаро ва давлатнинг ўзаро ҳуқуқ ва бурчлари билан ўзаро боғлиқлиги (19-м.), барчанинг қонун олдида тенглиги (18-м.), хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқлилиги (46-м.), ўзини ўзи бошқаришга бўлган ҳуқуқ (32, 105-мм.), жамоатчилик назорати (32-м.), иқтисодий фаолият эркинлиги (53-м.), фикрлар хилма-хиллиги (12-м.), мустақил суд ҳокимияти (106-м.) кабилар ўрин олган.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон МДХ мамлакатлари ичида биринчилардан бўлиб, ўз Асосий қонунини қабул қилган давлат ҳисобланади. Бу фактнинг ўзиёқ мамлакатимизда ўтган асрнинг 90-йиллари бошида миллий ўзликни англаш даражасининг юқорилиги, мустақилликка жиддий тайёргарлик кўрилгани, юртимизда сиёсий-ҳуқуқий тафаккур ва салоҳият етарли эканлигидан далолатдир.

Энг аҳамиятли жойи шундаки, собиқ Иттифоқ даврида мамлакатимиз Конституцияси ва қонунлари Марказнинг шундай қонунларини республика номини «Ўзбекистон» деб ўзгартириб қабул қилишга ўргатилган бир даврда, ҳатто собиқ Марказда ҳам бозор иқтисодиётига асосланган демократик ҳуқуқий давлат қуришга намуна бўладиган, қўпол қилиб айтганда, аввалгидек кўчириб олса бўладиган ҳужжатнинг ўзи қабул қилинмаган бир вақтда, мамлакатимизда мустақил конституция яратиш тажрибаси бўлмаган ҳолатда Ўзбекистон бошқа собиқ Иттифоқ давлатлари ўз Асосий қонунларини

яратишида мўлжал, андоза олишига арзийдиган Конституциясини қабул қилди.

Чунки ҳар қандай давлат ўз Асосий қонунини ишлаб чиқишда ҳуқуқий тизими, давлат ва жамият қурилиши, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси бўйича ўзига яқин, ўтмиши ўхшаш бўлган давлатлар тажрибасини биринчи навбатда ўрганиши табиий, албатта.

Ҳар қандай давлат тўғрисида тасаввур ҳосил қилиши, у билан ҳамкорлик қилиш, унга ташриф буюриш учун экспертлар авваламбор унинг Асосий қонунига, унда давлат ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларга, қайси моделга асосланиши, маърифатли дунёда қабул қилинган инсон ҳуқуқлари, ҳуқуқ устуворлиги, демократия каби принципларни ўзида қандай акс эттирганига эътибор қаратадилар.

Шу жиҳатдан, Асосий қонунимизнинг муқаддимасида инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш мақсад қилиб олинганлиги, мазмунида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари энг олий қадрият деб эътироф этилганлиги, жаҳон конституция-шунослик хазиналари бўлмиш — тенглик, адолат, мафкура ва фикрлар хилма-хиллиги, ҳокимиятлар бўлиниши, фуқароларни ҳуқуқ ва эркинликларидан суд қарорисиз маҳрум этиб бўлмаслиги, айбсизлик презумпцияси кабилар мустаҳкамланганлиги мамлакатимиз Конституциясининг ҳеч қайси давлат Асосий қонунидан кам эмаслигини кўрсатмоқда.

Конституциямизнинг яна бир ўзига хослиги, айрим давлатлар Асосий қонунларида бўлганидек, мураккаб тузилмани ташкил этиб, бир неча йил аввал қабул қилинган ҳужжатларни ҳам қамраб олмаганлигидир. Дунёда бундай конституциялар мавжуд бўлиб, масалан, Франция Конституциясининг муқаддимасида 1789 йилги Декларация, 1946 йилда қабул қилинган, аввалги Конституциянинг муқаддимаси ҳамда 2004 йилги Атроф-муҳит хартиясида белгиланган ҳуқуқларга ҳавола қилинади. Қайд

этиш жоизки, Ўзбекистон Конституциясининг лойиҳаси муҳокама қилинаётганда ҳам Франция тажрибасидаги каби аввал қабул қилинган турли ҳужжатларни конституциямизнинг таркибий қисми сифатида эътироф этиш таклифи бўлган.

Халқаро экспертлар томонидан эътироф этиладиган яна бир муҳим хусусият Конституциянинг «Ўзбекистон халқи» деб бошланишидир. Бундай жумлаларни бошқа биронта қонунда учратмаймиз. Шунинг ўзи ҳам халқ ҳокимиятчилигининг ёрқин далолатидир.

Конституциямизнинг яна бир энг муҳим хусусияти унинг халқ суверенитетини эътироф этганлигидир. Асосий қонунимизнинг 7-моддасига асосан халқ — давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи. Асосий қонунимизда «демократия» ва «демократик» сўзлари 7 марта, «халқ» сўзи 24 марта қўлланилган.

Асосий қонунимизда халқ ҳокимиятининг муҳим ифодаси бўлган парламентга бўлган эътибор жаҳондаги энг ривожланган давлатлар қонун чиқариш органларининг мақоми билан тенг бўлса тенгки, кам эмас. 2009 йилда Кембриж университетида чоп этилган, конституцияшунос тадқиқотчилар М.Стивен Фиш ва Мэт Кроенигларнинг «Миллий қонунчилик органлари учун қўлланма: глобал тадқиқот» номли китобида парламентлар ваколатини баҳолашнинг 32 та мезони ишлаб чиқилган. Ушбу метод бўйича 190 та давлат конституцияларидаги парламентлар ваколатлари фарб олимлари томонидан таҳлил этилганда мамлакатимиз Олий Мажлисининг ваколати 0,33 индекси билан Норвегия, Швейцария, Венгрия, Словакия парламентларининг ваколат даражаси билан тенг ҳолатни кўрсатган. Маълумот ўрнида қайд этиш жоизки, Нидерландия, Германия парламентининг ваколатлари 0,29; Франция, Италия, Грецияники эса 0,24 ни ташкил этиб, улар конституцияларидаги парламентга ажратилган ваколат бўйича мамлакатимиздан бир мунча қуйи натижани кўрсатган.

Конституциямиз қабул қилинишидан мақсад ва вазибаларга эътибор берадиган бўлсак, муқаддимада республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга интилиш, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш мақсадида Конституция қабул қилинганлиги қайд этилмоқда. Бу жуда улуғ мақсадлар бўлиб, нафақат Асосий қонун қабул қилиниши чоғида, балки мазкур Конституция амалда бўлган вақтда давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар олдидаги энг муҳим вазибалардир. Чунки Асосий қонунимиз мана шу залворли мақсадларни кўзлаб қабул қилинган.

Конституцияшунос тадқиқотчилар Элкинс, Гинзбург ва Мелтон томонидан Кембриж университети нашриётида чоп этилган «Миллий конституцияларнинг мустақамлиги» номли тадқиқотда мазкур муаллифлар дунё конституциялари таҳлили натижасида 70 та асосий мавзунинг қамраб олиниши бўйича 190 та давлат конституциялари ва конституциявий аҳамиятга эга бошқа ҳужжатларини ўрганганда давлатимиз Асосий қонуни Бельгия, Хорватия билан бир ўринда 0,59 натижасини кўрсатган бўлса, Австрия Конституцияси 0,57; АҚШ Конституцияси 0,49; Буюк Британиянинг конституциявий аҳамиятга эга ҳужжатлари 0,43 натижани кўрсатган.

Тадқиқотчилар фикрича, Конституциянинг жуда кенг масалаларни қамраб олиши, биринчидан, уни тушуниб олиш, маъносини англашда ўқувчиларга қийинчилик туғдирадиган бўлса, иккинчидан, оддий қонунлар предмети бўлган масалаларнинг ҳам Конституциядек олий ҳужжатга киритилавериши унинг аҳамиятини пасайтиради, учинчидан, Асосий қонун жамият ва давлат ҳаётидаги барча иқир-чиқирларни батафсил тартибга солиши социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотларни ўтказишда айрим ҳолларда тўсқинлик қилиб, ҳар сафар Конституцияни ўзгартираверишга олиб келади.

Конституциямизнинг яна бир муҳим хусусияти — ундаги мавзуларнинг ўқувчи учун қулай кетма-кетликда жойлаштирилганлигида ҳамдир. Чунки дунёнинг бир қатор конституцияларида ҳар бир мавзуга алоҳида бўлим, боб ажратилмасдан, нормалар умумий тарзда ифодаланган. Айниқса, инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари алоҳида бўлимда қайд этилгани халқаро экспертлар томонидан ҳам юқори баҳоланади. Тадқиқотчилар дунё конституцияларида жами 117 хил инсон ҳуқуқларини ҳисоблаб чиқиб, 190 та давлат конституциясида уларнинг қанчаси акс этганлиги бўйича таҳлил ўтказиб, Франция Конституцияси 13 турдаги, АҚШ Конституцияси 35, Буюк Британиянинг конституциявий аҳамиятга эга ҳужжатлари 44, Германия ва Япония Асосий қонунлари 48 турдаги ҳуқуқларни қамраб олгани ҳолда мамлакатимиз Конституциясида 55 турдаги ҳуқуқлар акс этганини қайд этишди. Маълумот ўрнида қайд этиш жоизки, 190 та давлат ичида 117 та ҳуқуқнинг ҳаммасини қамраб олган Асосий қонуннинг ўзи йўқ.

Конституциямизда инсон манфаати устун қўйилган. Асосий қонунимизни синчиклаб ўрганган ҳар бир шахс шунинг бевосита гувоҳи бўладики, унинг бутун мазмун-моҳияти инсонга хизмат қилишга йўғрилган. Конституциямизнинг ҳеч бир жойида «давлатнинг ҳуқуқи» ёки «фуқаролар давлат хоҳиш-иродасини бажариши шарт» деган қоидаларни учратмаймиз. Аксинча, Асосий қонунимиз бўйлаб «Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар», «Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади», «давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб амалга оширилади», «Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва

қонунийлик принциплари асосида амалга оширади», «давлат органлари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозим», «Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади», «Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди» каби давлат мажбуриятларини учратамиз.

Маълумки, «давлат муҳофазаси» тушунчаси жамият ва давлат ҳаёти учун муҳим бўлган объектларнинг хавфсизлигини таъминлашга нисбатан қўлланилади. Шу жиҳатдан қараганда, Асосий қонунимизда оналик ва болалик, оила, ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар, маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасида эканлиги мустақкамланган.

Конституциямиз ўзининг инсонпарварлиги билан ҳам ажралиб туради. Унга кўра вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир. Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятини рағбатлантиради.

Конституциямизнинг 29 та моддасида қонун билан тартибга солинадиган (тасдиқланадиган, кафолатланадиган, ҳимоя қилинадиган, муҳофаза этиладиган, белгиланадиган, кўрсатиладиган, назарда тутиладиган, қонунга мувофиқ жавобгарликка тортиладиган) масалалар аниқ белгилаб қўйилгани мазкур масалалар бўйича инсон ҳуқуқ ва эркинликлари юқори даражада ҳимояланганлигидан далолатдир. Буларга имтиёзлар белгилаш, давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш тартиби, аризалар, таклифлар ва шикоятларни кўриб чиқишнинг тартиби ва муддатлари, банкка қўйилган омонатлар сир

тутилиши ва мерос ҳуқуқи, ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқи, мажбурий меҳнат асослари, иш вақти ва ҳақ тўланадиган меҳнат таътилининг муддати, ижтимоий таъминот олиш асослари, мулкдан маҳрум этиш асослари ва тартибини киритишимиз мумкин.

Конституциямизнинг яна бир муҳим жиҳати унинг барқарорлигидир. Қайд этиш жоизки, ўтган 25 йил мобайнида Конституциямизнинг асосий принциплари, инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари, жамият ва шахс муносабатлари, маъмурий-ҳудудий ва давлат тузилишига оид нормалари ўзгармади. Ўтган давр мобайнида унга 10 та ўзгартиш ва қўшимча киритилган бўлса-да, буларнинг деярли барчаси давлат ҳокимиятини ташкил этиш бўлимига киритилган тузатишлар бўлиб, у ҳам бўлса мамлакатимизда конституциявий принцип бўлган халқ ҳокимиятчилигини кучайтириш, давлат ҳокимиятини ташкил этиш ва фаолият кўрсатишида фуқароларнинг бевосита ва билвосита таъсирини ошириш, парламентнинг давлат ички ва ташқи сиёсатидаги ролини кенгайтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда конституциявий ва одил судловнинг ўрнини янада мустақкамлашга оид тузатишлардир. Шу ўринда қайд этиш жоизки, яқин тарихимизда ўзининг асосий қонунини худди оддий қонунлардек бир неча мароталаб қайта қабул қилган давлатлар ҳам йўқ эмас.

Конституция миллий қонунчилигимизнинг асоси, таъбир жоиз бўлса, алифбосидир. Ўзбекистонда 400 дан ортиқ яхлит қонунлар қабул қилинган бўлиб, ўрни келганда айтиш жоизки, барчамиз ҳам уларнинг ҳаммасини ўрганиб чиқа олмаймиз. Лекин мамлакатимиз Асосий қонунини ўрганиш ҳеч кимда қийинчилик туғдирмайди. Балки шунинг учун ҳам жаҳон конституцияшунослиги тажрибасида деярли қисқа, лўнда, ихчам Асосий қонунлар қабул қилинганига гувоҳ бўламиз. Қадимги Рим юристларининг фикрига кўра, «*Legem brevem esse oportet*»,

яъни қонун қисқа, лўнда бўлиши лозим. Дунёда энг кўп сўз ишлатилган конституция Ҳиндистон Асосий қонуни бўлиб, мутахассислар фикрига кўра унда 146385 та сўз ишлатилган. АҚШ Конституциясида 7762 та, Франция Конституциясида 10180 та сўз ишлатилган. Ўзбекистон Конституциясида атиги 7550 та сўз қўлланилган. Айни вақтда қайд этиш жоизки, Асосий қонунимиз миллий қонунчилигимизнинг квинтэссенциясини, яъни мағзини ўзида мужассам этган. Балки шунинг учун ҳам ривожланган ғарб мамлакатларида шахс ўз ҳуқуқлари ҳақида гапирганида қандайдир тармоқ ёки соҳа қонунларини эмас, балки «конституциявий ҳуқуқим» деб гап бошлайди. Чунки, ривожланган демократик давлатларда ҳеч бир фуқаро ўз ҳаётини, ўз қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни Конституциясиз тасаввур этолмайди. Бошқача айтганда, улар кундалик ҳаётида Конституция белгилаб берган қоида ва ҳуқуқларга тез-тез мурожаат қилиб туради. Конституцияга ўзининг таянчи ва суянчи деб қарайди. Шунинг учун ҳам, кимки ҳуқуқ ва эркинликларимнинг ҳимояси, кафолати мавжудми; Ўзбекистон қонунчилигини қисқа, лўнда қилиб тушунтириб берадиган ҳужжат борми, деб сўраса, бор, у ҳам бўлса Конституция деб баралла айтиш мумкин. Чунки, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси асосида ва уни ижро этиш учун қабул қилинади ҳамда унинг норма ва принципларига зид келиши мумкин эмас. Агар Конституция-мизнинг моҳиятига кириб борсак, мағзини чақсак, унда бугун бизни қийнаб турган кўп муаммоларнинг ечимини топишимиз мумкин.

Бинобарин, Асосий қонунимиз муқаддимасига кўра биз инсонпарвар давлат қуришни мақсад қилиб олганмиз. Инсонпарварлик деганда луғатларда инсонга муҳаббат, эътибор, ғамхўрлик, инсон шахсига нисбатан ҳурмат тушунилиши қайд этилган. Шундай экан, давлат, унинг орган-

лари, мансабдор шахслар фуқаролар билан муносабатларда айнан конституциявий мақсад бўлган инсонпарварлик мезонларидан келиб чиқиши лозим.

Асосий қонунимизда давлат инсон манфаатларига хизмат қилиши, унинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя этиши устувор принцип сифатида аниқ белгилаб қўйилган. Конституциямизнинг асосий принципларига кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб амалга оширади. Мутафаккир Цицерон айтганидек, «*Salus populi - suprema lex*», яъни халқ, жамият фаровонлигининг ўзиёқ — олий қонун ҳисобланади.

Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар, яъни фуқаролар манфаатининг устунлиги қонуний равишда мустаҳкамланган ва кафолатланган. Давлат хизматчилари ўз фаолиятида мен халқ хизматчисиман — деган ғояга таяниб ишлари лозим.

Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар. Қонунлар эса битта шахс ёки орган томонидан қабул қилинмай, балки халқ вакиллари иштирокида парламентда ёки референдумда қабул қилинади. Барчанинг қонунга мувофиқ иш кўриши белгилангани жуда ҳам мантиқий ва тўғри, адолатли қарор бўлиб, ҳар ким ўзига мос қоида яратиб олишининг олдини олади. Мазкур қоида дунё ҳуқуқий давлатчилигининг бебаҳо хазинаси бўлиб, кўплаб конституцияларнинг муҳим қоидасидир. Қадимги Рим юристлари «*Nulla potentia supra leges debet esse*», яъни қонунлардан устун турувчи ҳеч қандай куч бўлмаслиги керак — деган эдилар. Асосий қонунимизга кўра бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституциянинг норма ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Фуқаролар билан давлат ўзаро ҳуқуқлар ва бурчлар орқали узвий боғлиқдирлар. Қадимги Рим юристлари айтганидек, «*Obligatio est iuris vinculum*», яъни бурч — ҳуқуқнинг муҳим риштаси. Фуқаронинг ҳуқуқини таъминлаш давлатнинг мажбуриятидир. Айни вақтда фуқародан Конституция ва қонунларда белгиланган ўз мажбуриятини бажаришни талаб қилиш давлат органининг ваколатига киради.

Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади. Бу қоидалар ҳам инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг муҳим кафолати бўлиб, дунё конституцияларининг бебаҳо дурдоналарини ташкил этади. Қадимги Рим юристлари айтганидек, «*Justitia nemine neganda est*», яъни ҳеч кимга одил судловга бўлган ҳуқуқ рад этилмаслиги керак, яна шунингдек «*Ab omni iudicio provocari licet*», яъни ҳар қандай ҳукм, қарор устидан эътироз билдириб, мурожаат қилиш мумкин.

Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Қадимги Рим юристлари «*Libertas est potestas faciendi id, quod iure licet*», яъни эркинлик — қонун билан тақиқланмаган барча ишни қилиш имконияти, деганлар.

Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас. Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошқора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди.

Юқоридаги қоидалар ҳам дунё конституцияшунослигининг бебаҳо хазиналаридан ҳисобланади. Қадимги Рим юристлари таъкидлаганларидек, «*Nullum crimen, nulla poena sine lege*», яъни агар қилмиш учун жавобгарлик ва жазо қонун билан белгиланмаган бўлса, ҳеч ким жавобгарликка, жазога тортилиши мумкин эмас. «*Nihil fit sine ratione sufficienti*», яъни етарлича асосларсиз ҳеч қандай иш қилинмаслиги керак. Ҳар бир ваколатни амалга ошириш учун етарлича асос бўлиши керак.

Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни кафолатлайди. Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақамланган ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлайди.

Юқоридагиларнинг барчаси маърифатли дунёда, айниқса ривожланган демократик давлатлар тажрибасида оддий фуқароларнинг давлат органлари билан муносабатларида улар талабининг асоси, ҳимоя қалқони вазифасини ўтайди.

Ушбу қоида Конституциямизнинг дунё конституцияшунослигининг асосий нормаларини ўзида қамраб олганидан далолатдир.

Қайд этиш жоизки, дунёдаги энг ривожланган давлатлар конституциялари билан беллаша оладиган Конституцияни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш — масаланинг бир жиҳати. Масаланинг бошқа бир муҳим томони, қабул қилинган ҳужжатни ҳаётизмизга самарали татбиқ этиш, унга риоя этишдир. Бу — Конституцияда кўзлаган мақсадларимизнинг энг муҳим шарти. Баъзида айрим фуқароларнинг нолишларини эшитиб қоламиз. Конституция ва қонунларда юқоридагидек ҳуқуқ ва кафолатлар ўрнатилгани ҳолда уни ўзимиз ишлатмасак, ҳаётизмизда фойдаланмасак, ҳеч ким ташқаридан

келиб бизга бу ишни ўрнимизга қилиб бермайди. Шунинг учун ҳам қадим-қадимдан ҳуқуқшуносликда «*Lex vigilantibus, non dormientibus (subvenit)*», яъни «ҳуқуқ, қонун ҳушёр, огоҳ, ғайратли одамлар учун ёзилади, ғафлатда қолганлар учун эмас. Ким ҳуқуқларидан фойдаланмаса, кўрган зарари учун ўзи айбдор» деган қарашлар мавжуд.

Конституциямиз норма ва принциплари ҳаётимизда янада самарали натижаларга олиб келиши учун, фикримизча, яна қатор ишларни қилишимиз зарур.

Қайд этиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг салоҳияти ва имкониятларини ўрганишда биз ҳуқуқшунослар, айниқса тадқиқотчилар, олимлар олдида ҳали талайгина ишлар турибди.

Мустақиллик йилларида ҳуқуқ соҳасида кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган бўлсада, бевосита Асосий қонунимизга бағишланган яхлит тадқиқотлар бармоқ билан санарли. Халқимиз, қонун ижодкорлари, ҳуқуқни қўлловчилар олимлардан Конституциямиз ҳазиналари бўлмиш «инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш», «халқ ҳокимиятчилиги», «ҳокимиятлар бўлиниши», «демократия», «демократик республика», «ижтимоий адолат», «давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилиши, давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъуллиги», «инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият», «давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга ошириши», «адолатли меҳнат шароитлари» каби чуқур маъноли ҳамда юклагани тушунчаларнинг илмий моҳиятини, уларни қонунчилигимизга ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига самарали татбиқ этилганлик даражасини ўрганиш учун аниқ илмий асосланган баҳолаш мезонларини, индикаторларини, бу дастуруламал тушунчаларни ҳаётимизга татбиқ этишнинг самарали ҳуқуқий воситаларини ишлаб чиқишни кутмоқда.

Шунингдек, қонун ҳужжатларини ишлаб чиқаётганда экспертизадан ўтказишда «Конституцияга зид эмасми?» деган умумий саволдан «Конституцияда кўрсатилган ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлашга хизмат қиладими ёки уларни қўллашга билвосита чегаралар ўрнатмаяптими?» деган аниқ мезонга ўтиш, дунёнинг кўплаб давлатларида қўлланиладиган, қабул қилинаётган қонун ҳужжатларини Конституциядаги, БМТ томонидан бу соҳада қабул қилинган, мамлакатимиз иштирокчиси бўлган олти асосий халқаро шартномадаги инсон ҳуқуқларига мослигини алоҳида ўрганадиган ҳамда ўз хулосаларини тақдим этадиган парламент ва жамоатчилик назорати институтларини яратишимиз, қўллаб-қувватлашимиз даркор.

Бизда моддий харажатлар талаб қиладиган қонун лойиҳасини Молия вазирлигига келишув учун мажбурий тартибда юбориш қонунан белгилаб қўйилган. Шу маънода, инсон ҳуқуқларига дахл қиладиган қонун лойиҳаларини мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларга мажбурий тартибда юбориш тартибини қонунчилигимизга киритишимиз зарур.

Юртимизда 8800 дан ортиқ нодавлат ноижорат ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда. Албатта, уларнинг ҳар бири жамиятимиздаги турли ижтимоий қатламлар, гуруҳлар: болалар, ёшлар, фахрийлар, кексалар, хотин-қизлар, ходимлар, истеъмолчилар, тадбиркорлар, фермерлар, ногиронлар, кам таъминланганлар ва бошқалар манфаатларини ифодалаш учун тузилган. Агар ушбу нодавлат ноижорат ташкилотларнинг ҳар бири юртимизда 8 декабрь арафасида ўзи ҳимоя қиладиган қатламнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари йил бўйи қай даражада ҳимоя қилинди, жамоатчиликнинг фикри қандай бўлди, жамоат ташкилоти мазкур қатлам манфаатларини ҳимоя қилиш учун қандай тадбирлар ўтказди, суд ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга неча маротаба мурожаат

қилганлиги ҳамда бу йўналишдаги ҳал қилинишини кутаётган муаммолар ва ечимларни кўрсатиб жамоатчиликка эълон қилса, мамлакатимизда конституциявий қонунчиликни таъминлашга беқиёс ҳисса кўшган бўлар эдилар.

Худди шундай мулоҳазани оммавий ахборот воситалари ҳақида ҳам айтиш мумкин. Зеро, оммавий ахборот воситалари, журналистларга нисбатан, мажозий қилиб айтадиган бўлсак, демократиянинг қўриқчиси, тунги қоровули деган иборалар қўлланилади. Шундай экан, Конституция-мизнинг асосий норма ва принциплари, айниқса унда белгиланган инсон ҳуқуқ ва эркинликлари қай даражада таъминланаётганлиги бўйича журналистик текширувлар ва бошқа материаллар тизимли бериб борилса, нафақат қонунийлик, балки ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият янада юксалишига омил бўлиб хизмат қилар эди.

Конституциямизнинг ҳаётимиздаги ўрни ва ролини кўрсатиб беришда инсон қалбига йўл бўлган маданият ва санъат асарлари алоҳида ўрин тутади. Барчамиз эски ҳинд киноларида энг кулминацион нуқтаси одил судлов билан тугалланишини яхши эслаймиз. Бу нафақат оддийгина суд жараёни, балки

фильм муаллифларининг юксак сиёсий-ҳуқуқий тафаккури, узоқни кўра билиши, суд жараёни орқали фуқароларда ҳам ватанпарварлик, ҳам одил судловга ишонч, ҳам ҳуқуқий тарбия, ҳуқуқий маданиятни оширишни мақсад қилганидан далолатдир. Бироқ юртимизда ишланаётган бирон-бир кинофильм ёки спектаклда, телесериал ёки болалар учун мультфильмларда Конституциямиз ва у бераётган имкониятлар ҳақида биронта сюжет ёки деталь мавжудлигини эслай олмаймиз. Буни киношунослар, театр арбоблари Конституция ва қонун устуворлиги бўйича асарлар йўқлигига йўйишади.

Хулоса қилиб айтганда, биз шундай кафолатланган тизим яратишимиз керакки, фуқаронинг ўз конституциявий ҳуқуқларини билмаслиги ёки улардан фойдаланмаслигининг ҳақ-ҳуқуқлари бузилишига олиб келмаслиги зарур. Чунки, инсон — олий қадрият, давлат унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мажбуриятини олган. Албатта, бунда ривожланиб бораётган ахборот-коммуникация технологияларининг имкониятларидан унумли фойдаланиш, фуқаролик жамияти институтларининг ҳуқуқни ҳимоя қилиш фаолиятини рағбатлантириш воситаларидан фойдаланишимиз зарур.

ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ ЖАРАЁНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ РОЛИ

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг биринчи йўналиши таҳлил қилиниб, қонун ижодкорлиги жараёнини такомиллаштиришнинг янги босқичи сифатида талқин этилган. Бу борада амалга оширилаётган ишларнинг Конституция нормалари ва қоидалари билан бевосита боғлиқлиги асослаб берилган.

Таянч тушунчалар: Конституция, қонун ижодкорлиги, «Ҳаракатлар стратегияси», устувор йўналиш, ҳуқуқий механизм.

Роль Конституции Республики Узбекистан на новом этапе совершенствования процесса законотворчества.

Аннотация. В статье проанализировано первое из пяти направлений Стратегии действий развития Узбекистана, как новый этап совершенствования процесса законотворчества. Обоснована непосредственная связь осуществляемых работ в данной сфере с конституционными нормами и правилами.

Ключевые слова: Конституция, законотворчество, «Стратегия действий», приоритетное направление, правовой механизм.

The role of the Constitution of the Republic of Uzbekistan in the new stage of improvement of lawmaking process

Annotation: The article analyses the first direction on Strategy actions based on five stable directions to develop the Republic of Uzbekistan. As a new stage of improvement of lawmaking process. Direct relation of the conducted activities in this sphere with the Constitutional norms and rules are scientifically grounded.

Key words: Constitution, lawmaking process, Strategy actions, stable directions, legal mechanism.

Юртимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар ҳамда турли соҳаларда эришиб келинаётган марралар ҳақида мушоҳада юритар эканмиз, бунда, албатта, ушбу бунёдкорлик ишларининг ҳуқуқий негизи, тамал тоши бўлмиш Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида белгиланган принцип ва нормаларнинг ҳаётимизда қанчалик самарали амалга оширилаётганига, миллий қонунчилик тизими ҳам унга мутаносиб равишда такомиллашиб бораётганига иқдор бўламиз. Шу боисдан қонун устуворлигини таъминлашни ўзининг асосий вазифаси деб билган ҳар қандай давлат қонун ижодкорлиги жараёнига алоҳида эътибор қаратади. Зеро, қонун ижодкорлиги жараёнининг ҳар бир босқичини самарали ташкил этиш ҳамда амалга ошириш натижасида қабул қилина-

диган қонунларнинг сифати, халқчиллиги ва ҳаётийлиги таъминланади. Айнан шунинг учун ҳам, ўтган давр мобайнида, барча соҳалар қатори, қонунлар сифатини такомиллаштиришга қаратилган демократик чоратadbирлар, ҳуқуқий асос ва механизмлар жорий этилиб, уларнинг тўлиқ рўёбга чиқарилиши таъминланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони мамлакатимизда амалга оширилаётган барча соҳалардаги ислохотларнинг янги босқичга кўтарилишида, мамлакатнинг давлат ва жамият ривожланиши истиқболини стратегик режалаштириш тизимига сифат жиҳатидан

янги ёндашувларни бошлаб берган ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда¹.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармойиши² қабул қилинган бўлиб, Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган тадбирларнинг экспертлик ва жамоатчилик муҳокама-сини самарали ташкил этиш борасидаги савий-ҳаракатларни бирлаштириш, ҳар томонлама мукамаллаштириш ва амалга ошириш, шунингдек фуқаролик жамияти институтларини, экспертлар ва олимларни мамлакатни демократлаштириш ҳамда модернизация қилиш жараёнларига фаол жалб этиш мақсадини амалга оширишга қаратилган. Демак, кенг жамоатчилик, эксперт, мутахассис ва олимлар иштироки, айниқса, қонун, қонун-ости ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш юзасидан аниқ чора-тадбирлар бўйича асосланган таклифлар ишлаб чиқишда таъминланиши Ҳаракатлар стратегияси ҳамда Дастурда назарда тутилган вазифаларнинг самарали амалга оширилишида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда, қонун ижодкорлиги жараёнининг яхлит механизм сифатида ишлашини таъминламоқда.

Ҳозирги кунда Ҳаракатлар стратегиясининг ижроси юзасидан давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини ривожлантиришга қаратилган 15 та қонун ва 700 дан ортиқ бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди³.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 августдаги «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини келгусида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ф-5024-сон Фармойишида Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш бўйича ишлаб чиқиладиган Давлат дастури лойиҳасига киритиладиган таклифлар фақат кенг жамоатчилик билан дастлабки муҳокама қилинганидан кейин кўриб чиқилиши

белгиланган⁴. Эътиборли томони шундаки, кенг муҳокамалар асосида Давлат дастурига киритилган таклифлар кучли ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, илмий-амалий асосларга таянади. Пировардида, халқ ирода-сини ифода этишдек конституциявий норманинг амалда таъминланишига эришишнинг энг самарали механизми ишлайди.

Ҳаракатлар стратегияси «Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари» деб номланган бўлимда давлат ҳокимияти тизимида Олий Мажлиснинг родини ошириш, унинг мамлакат ички ва ташқи сиёсатига оид муҳим вазифаларни ҳал этиш ҳамда ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш борасидаги ваколатларини янада кенгайтириш вазифаси белгилангани демократик ислоҳотлар самарадорлигини оширишда алоҳида ўрин эгаллайди.

Айниқса, қабул қилинаётган қонунларнинг амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ ислоҳотлари жараёнига таъсирини кучайтиришга йўналтирган ҳолда қонун ижодкорлиги фаолияти сифатини тубдан ошириш вазифаси парламентимиз фаолиятини такомиллаштиришнинг янги босқичини бошлаб беришга хизмат қилмоқда⁵.

Таъкидлаш жоизки, белгиланган вазифаларнинг самарали бажарилишини таъминлаш мақсадида Олий Мажлис палаталарининг жойларда ишларнинг аҳволини ўрганиш ва халқ билан мулоқот қилишга доир фаолиятини ташкил этиш ҳамда аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш мақсадида 2017 йил 30 мартда Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Сенат Кенгашининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҳудудларни ривожлантиришнинг энг муҳим вазифаларини ҳал этишга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга доир фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 765–III/КҚ-168–III-сонли Қўшма қарори қабул қилинди⁶. Мазкур қарор асосида «Ўзбекистон Республи-

каси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари томонидан жойлардаги ишларнинг ҳолатини ўрганиш тартиби тўғрисида»ги Низом қабул қилинди. Ушбу Низомда депутатлар ва сенаторларнинг ҳудудларга чиқишига тайёргарлик кўришини ташкил этиш (2-боб); депутатлар ва сенаторлар томонидан жойлардаги ишларнинг ҳолатини ўрганиш (3-боб); ўрганиш натижаларини халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгаши сессияларида кўриб чиқиш (4-боб); ўрганиш натижаларини республика бўйича умумлаштириш ва таҳлил қилиш (5-боб) каби масалалар қамраб олинган бўлиб, депутат ва сенаторларнинг жойлардаги ҳақиқий ҳолатни ўрганишини комплекс тартибга солади. Эътиборли томони шундаки, ўрганиш натижалари асосида парламент ва депутатлар сўровларини юбориш, вазирликлар ва идоралар раҳбарларининг парламент эшитувларини ўтказиш масалалари белгиланиши билан бирга, қонунчиликдаги бўшлиқларни тўлдириш мақсадида қонунчиликни такомиллаштиришга оид таклифлар ишлаб чиқилади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг бир гуруҳ депутатлари қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида фуқаролик паспортини расмийлаштириш билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун белгиланган маъмурий жазони енгиллаштиришни назарда тутувчи «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини тайёрлаб, Қонунчилик палатасига киритганлиги⁷ қонун ижодкорлиги жараёнининг демократик хусусиятини янада оширди. Чунки, мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши фуқаролик паспортини расмийлаштириш қоидаларини бузганлиги

учун жавобгарликка тортилаётган юз минглаб фуқароларнинг муаммоларини ҳал этишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 февралдаги «Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2761-сон қарори мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳуқуқий асоси бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг жамият ҳаётидаги таъсирини оширишга хизмат қилиши ҳамда қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини комплекс тартибга солишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Қарорнинг эътиборга молик жиҳатларидан бири, унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритилаётган қонун лойиҳалари матнларида тегишли қонунлар қабул қилингандан кейин унинг ижросини ташкил этиш, ижрочиларга етказиш ва аҳоли ўртасида моҳияти ва аҳамиятини тушунтиришни ташкил этишга масъул бўлган аниқ давлат органлари, шу жумладан давлат бошқаруви органлари кўрсатилиши шартлиги белгиланганидир⁸. Мазкур ҳуқуқий механизмнинг қонунчилик жараёнига жорий этилиши мамлакатда қонун устуворлиги принципининг амалий аҳамиятини янада ошириб, қабул қилинган қонунларнинг бажарилиши ва таъсирчанлигини янада кучайтиришга хизмат қилади, жамият ҳаётига қисқа муддатда сингиб, ислохотлар самарасини оширади. Мазкур ислохотлар, бир томондан, давлатимизнинг халқ ҳокимиятчилигини самарали таъминлаш йўлида демократик кадриятларга бўлган эътиборини кўрсатса, иккинчи томондан, фуқароларнинг, фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва жамиятни бошқаришдаги иштироки ҳам кенгайиб, чуқурлашиб бораётганидан далолатдир.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси. — 2017. — № 2. — 33-м.

² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — 2017. — № 7. — 88-м.

³ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — 2017. — № 33. — 847-м.

⁴ Халқ сўзи. — 2017. — 16 авг.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси. — 2017. — № 2. — 33-м.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси. — 2017. — № 3. — 133-м.

⁷ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси. — 2017. — № 4. — 152-м.

⁸ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — 2017. — № 6. — 76-м.

А. Н. Худайбердиева,

*самостоятельный соискатель Ташкентского государственного
юридического университета, кандидат юридических наук*

РОЛЬ ПОЛИТИЧЕСКИХ ПАРТИЙ В ПОВЫШЕНИИ ЭФФЕКТИВНОСТИ ФУНКЦИОНИРОВАНИЯ ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА

Аннотация. Статья посвящена роли политических партий в гражданском обществе, приведены правовые основы деятельности политических партий в Республике Узбекистан, обосновывается важность и необходимость активной деятельности политических партий в повышении эффективности функционирования гражданского общества.

Ключевые слова: гражданское общество, политические партии, институты гражданского общества, государство, законодательство.

Фуқаролик жамияти фаолиятининг самарадорлигини оширишда сиёсий партияларнинг роли

Аннотация. Мақола фуқаролик жамиятида сиёсий партияларнинг ролига бағишланган. Унда Ўзбекистон Республикасидаги сиёсий партияларнинг ҳуқуқий асослари кўрсатилган, фуқаролик жамияти фаолиятининг самарадорлигини оширишда сиёсий партиялар фаоллигининг муҳим ва зарурлиги асослаб берилган.

Таянч тушунчалар: фуқаролик жамияти, сиёсий партиялар, фуқаролик жамиятининг институтлари, давлат, қонунчилик.

The role of the political parties in increasing the effectiveness of functioning of civil society

Annotation. The article is devoted to the role of the political parties in the civil society, rightful principles of political parties in the Republic of Uzbekistan are given, importance and necessity of the activity of the political parties in increasing the effectiveness of functioning of civil society are scientifically grounded.

Key words: civil society, political parties, civil society institutions, state, legislation.

Исследование структурных элементов гражданского общества является актуальным для Узбекистана со дня обретения независимости. От их осмысления и понимания во многом зависит оценка зрелости как самого общества, так и задач его развития, степень готовности страны и ее населения участвовать в процессах модернизации, реформирования и дальнейшего совершенствования.

Эффективность развития современного гражданского общества напрямую связана с деятельностью и активностью его институтов — общественных объединений, негосударственных некоммерческих организаций, политических партий и движений, профсоюзов, органов самоуправления граждан, средств массовой информации и иных объединений граждан по интересам. Партии являются не только

проводниками определенной идеологии, программных установок и ценностей, но и звеном между государством и его народом. В Узбекистане за годы независимости интенсифицировались процессы повышения деловой и социальной активности граждан. В связи с этим мы наблюдаем процессы укрепления имеющихся и создания новых институтов гражданского общества.

Анализ предпосылок высокого уровня экономики, демократии, социальной защищенности, духовной жизни в развитых странах показывает, что в основе их успехов лежит высокая активность граждан и их добровольных обществ и организаций, а также неформальных объединений, что достижимо только при достаточно развитом гражданском обществе. В формировании, становлении и развитии гражданского

общества в Узбекистане важная роль отводится самому государству, поскольку именно государство инициировало процессы демократизации общественно-политических отношений, создало правовые основы для внедрения и реализации данных процессов. Как показывает практика, в переходные периоды развития именно государству отводится роль главного реформатора, поскольку общество нуждается в преобразовании, обновлении и дальнейшем развитии всех сфер и самостоятельно, без поддержки государства, оно не сможет всё это реализовать.

Важное значение и наибольшую остроту в современных дискуссиях о структуре и институтах гражданского общества обрела ныне проблема его соотношения с политической жизнью и особенно вопрос о месте политических партий в системе «государство – гражданское общество».

Конкурентные политические партии являются одним из важнейших институтов демократических политических систем. Но одновременно политические партии включаются и в гражданское общество как его наиболее институционализированная часть¹. Их развитие рассматривается в качестве критерия оценки развития общественности, поскольку их роль высока в различных моделях консолидированной демократии. Р. Даль, анализируя гражданскую активность в демократическом обществе, отмечал, что политические партии и общественные организации должны влиять на правительство путем участия в выборах и другими мирными способами. Он же указывает на важную роль политических партий в функционировании гражданского общества: «Независимые ассоциации являются источником гражданской компетентности и информированного знания. Они представляют гражданам не только сведения, но и возможность вести дискуссии, устраивать обсуждение тех или иных вопросов и оттачивать свое политическое мастерство»².

Партии выполняют роль посредников между группами населения и государствен-

ной властью, обеспечивая сопряжение и учет их интересов в деятельности политических институтов. Партия – это важнейший социально-политический институт, посредством которого осуществляется взаимосвязь гражданского общества и государства³.

Политическая партия была и остается одной из универсальных политических структур, объединяющей массы людей общими целями и задачами и мобилизующей их для достижения этих целей. С одной стороны, партия отделена от государства и является общественной организацией, частью гражданского общества. С другой стороны, в отличие от других общественных организаций политическая партия посредством выборов и своих представителей участвует в формировании и осуществлении власти, являясь частью государственно-политической системы. Уникальность социальной природы политических партий заключается еще и в том, что они являются не только общественно-политическими институтами с определенным правовым статусом, а представляют собой часть демократического механизма. Многопартийность является важной составляющей современной демократии. Именно плюрализм партий позволяет осуществлять общественную поддержку и контроль, важные составляющие эффективного управления. Многопартийность отражает наличие в государстве развитой и эффективной системы партий, представляющих весь спектр социальных и политических интересов. В Узбекистане формируется партийная система, которая во многом зависит от активности политических партий и от эффективности использования ими новых законодательных полномочий.

Политическая партия (греч. Πολιτική — «искусство управления государством»; лат. pars — «часть») — особая общественная организация (объединение), непосредственно ставящая перед собой задачи овладеть политической властью в государстве или

принять в ней участие через своих представителей в органах государственной власти и местного самоуправления. Большинство партий имеют программу: выразитель идеологии партии, перечень её целей и способов их достижения⁴.

Партия — это политическая общественная организация, которая борется за власть или за участие в осуществлении власти⁵.

В отличие от профсоюзов, молодежных, женских, антивоенных, национальных, экологических и иных организаций, реализующих функцию выражения и защиты интересов определенных социальных слоев и групп преимущественно в роли групп давления на государственные структуры, политические партии ориентируются на непосредственное использование политической власти.

«Опыт развитых демократий в современном мире доказывает, что в первую очередь укрепление многопартийной системы и межпартийной конкуренции является одним из важнейших условий, на котором строится парламентаризм, когда в стенах парламента в результате свободных и равноправных выборов представлены основные политические силы и социальные слои населения страны»⁶.

Сегодня, когда идет процесс развития гражданского общества и набирают силы политические партии, которые отражают интересы различных слоев общества, важной задачей является совершенствование правовых основ политических партий. В таких условиях важное значение имеет умение найти общие точки соприкосновения всех сил, уверенно и решительно борющихся за счастливое будущее нашей страны, которые сближают их независимо от того, сторонниками какого политического движения или партии они являются. Это одна из актуальных и важных задач сегодняшнего дня⁷.

Целью политической партии является защита части общества путем выражения ее интересов во властных структурах государства. Цель партии — не реализация власти, а

участие в реализации⁸. Поэтому основной целью политических партий является активное участие в формировании государственной власти путем увеличения мест в выборных органах представительной власти, усиления парламентской деятельности партии, а через парламент — в воздействии в принятии решений органами исполнительной власти.

Такая социально-политическая природа политических партий обуславливает четкую правовую регламентацию их создания, организации, статуса, гарантий и ответственности, осуществления функциональной деятельности.

Правовая основа, созданная в годы независимости и отвечающая международным стандартам, послужила прочной законодательной базой обеспечения широкомасштабной общественно-политической деятельности политических партий, открыла новые возможности по дальнейшему повышению их роли, авторитета и статуса в обществе, эффективности их деятельности и расширению их полномочий. Конституция Республики Узбекистан, Конституционный Закон Республики Узбекистан «Об усилении роли политических партий в обновлении и дальнейшей демократизации государственного управления и модернизации страны», законы Республики Узбекистан «Об общественных объединениях», «О политических партиях», «О негосударственных некоммерческих организациях», «О финансировании политических партий», «О гарантиях избирательных прав граждан», «О выборах Президента Республики Узбекистан», «О выборах в Олий Мажлис Республики Узбекистан», «О выборах в областные, районные, городские Кенгаши народных депутатов» и другие законодательные акты в настоящее время обеспечивают широкомасштабную общественно-политическую деятельность политических партий.

В Конституции Республики Узбекистан содержится целый ряд статей, посвященных

политическим партиям. Так, в ст.34 Главы VIII «Политические права» Конституции Республики Узбекистан регламентируются права граждан объединяться в политические партии. В XIII Главе Конституции «Общественные объединения» определяется общий статус политических партий, политические партии признаются общественными объединениями. В ст.57 Конституции введены бескомпромиссные конституционные запреты, а именно – запрещается создание и деятельность политических партий, а равно других общественных объединений, имеющих целью насильственное изменение конституционного строя, выступающих против суверенитета, целостности и безопасности республики, конституционных прав и свобод ее граждан, пропагандирующих войну, социальную, национальную, расовую и религиозную вражду, посягающих на здоровье и нравственность народа, а также военизированных объединений, политических партий по национальному и религиозному признакам⁹. В ст. 62 приводятся конституционные гарантии деятельности политических партий, определено, что роспуск, запрещение или ограничение их деятельности может иметь место только по приговору суда¹⁰.

Закрепление статуса политических партий в Конституции страны очень важно, так как это является признанием государством политических партий и их значения в обществе. В Конституциях таких стран, как Испания, Франция, Германия, Португалия, Чехия, Венгрия и др., содержатся нормы, посвященные политическим партиям. Это весьма позитивная тенденция, которая свидетельствует о признании той роли, которую играют партии в организации и осуществлении государственной власти¹¹.

Закон Республики Узбекистан «О политических партиях» регламентирует понятие политической партии, создание, порядок регистрации, права и обязанности, гарантии деятельности политических партий.

Так, в соответствии со ст.1 Закона «О политических партиях» политической партией признается добровольное объединение граждан Республики Узбекистан, образованное на основе общности взглядов, интересов и целей, стремящееся к осуществлению политической воли определенной части общества в формировании органов государственной власти и принимающее участие через своих представителей в управлении государственными и общественными делами¹².

Законом Республики Узбекистан «О финансировании политических партий»¹³ гарантируется равное финансирование избирательной кампании, а также законодательно регламентирована прозрачность финансовой деятельности всех политических партий. Политическая партия имеет право на получение государственных средств для финансирования своей уставной деятельности, если по итогам выборов в Законодательную палату она получила необходимое количество депутатских мест для образования своей фракции. Нормы этого закона особо регламентируют сумму пожертвований физических и юридических лиц, запрещено принимать пожертвования от иностранных лиц.

Конституционный Закон Республики Узбекистан «Об усилении роли политических партий в обновлении и дальнейшей демократизации государственного управления и модернизации страны»¹⁴ призван активизировать деятельность политических партий в обществе и властных структурах, открывает дорогу дальнейшим демократическим преобразованиям, а также значительно укрепляет баланс между ветвями власти, способствует стабильности страны, при координированном взаимодействии законодательной, исполнительной, судебной ветвей власти.

В Законе четко сформулирован правовой статус фракции политической партии. Вполне естественно, что все политические партии будут стремиться получить большинство мест в Законодательной палате Олий

Мажлиса и стать парламентским большинством, потому что это главная возможность через внесение и принятие законов реализовать свои программные цели. В то же время возрастает роль политических партий в формировании не только законодательной, но и исполнительной ветвей власти. Так, в соответствии со ст. 4 Конституционного Закона «Об усилении роли политических партий в обновлении и дальнейшей демократизации государственного управления и модернизации страны» кандидатура Премьер-министра Республики Узбекистан предлагается политической партией, набравшей наибольшее количество депутатских мест на выборах в Законодательную палату Олий Мажлиса Республики Узбекистан, или несколькими политическими партиями, получившими равное наибольшее количество депутатских мест. Предложение о кандидатуре Премьер-министра Республики Узбекистан вносится Президенту Республики Узбекистан не позднее двухнедельного срока со дня опубликования в печати сообщения Центральной избирательной комиссии Республики Узбекистан об итогах выборов в Законодательную палату Олий Мажлиса Республики Узбекистан и списка избранных депутатов. Президент Республики Узбекистан после рассмотрения представленной кандидатуры на должность Премьер-министра Республики Узбекистан в десятидневный срок предлагает ее на рассмотрение и утверждение палатами Олий Мажлиса Республики Узбекистан. Кандидатура Премьер-министра Республики Узбекистан считается утвержденной, если за нее будет подано более половины голосов от общего числа соответственно депутатов Законодательной палаты и членов Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан¹⁵.

В соответствии со ст. 6 Конституционного Закона кандидатура хокима области, города Ташкента для утверждения областным и Ташкентским городским Кенгашем народных депутатов представляются Президентом Республики Узбекистан

после проведения консультаций с каждой из представленных в соответствующих Кенгашах народных депутатов партийных групп¹⁶.

Вышеуказанные нормы Конституционного Закона подчеркивают важность роли политических партий в формировании исполнительной ветви власти, в решении политической, социально-экономической жизни общества.

Каждая партия имеет свою четко сформулированную программу. Пока программа не выработана или существует в зачаточной форме, сама партия будет оставаться в зачаточном состоянии. Без программы партия невозможна как сколь угодно ценный политический организм. Только в случае достижения власти партия имеет возможность реализовать свои программные цели.

В настоящее время в Узбекистане действует 4 политических партии: Народно-демократическая партия, Либерально-демократическая партия Узбекистана, Социал-демократическая партия Узбекистана «Адолат», Демократическая партия Узбекистана «Миллий тикланиш».

Политические партии, являясь институтами гражданского общества, выражают и защищают интересы разных социальных групп. Электорат партий должен быть уверен в защите своих интересов во власти посредством парламентских фракций. Благодаря активности и результативности деятельности политических партий повышается и эффективность гражданского общества, укрепляется демократия, совершенствуются избирательная система, повышается качество работы парламента. Эффективность же партии как общественной организации можно определить по количеству ее избирателей. Социальная востребованность партии определяется расширением и развитостью электората. Если партия эффективна, то ее электорат увеличивается с каждым последующим выборами. И сегодня, при всех недостатках политических

партий, как свидетельствует мировой опыт, они являются важным звеном в структуре гражданского общества. Партии обеспечивают целостность и устойчивость политической

системы. Будущее гражданского общества в Узбекистане в немалой степени зависит от того, смогут ли партии быть современным игроком на политической арене.

¹ *Никоненко С.А.* Гражданское общество и политические партии: поиск эффективной модели взаимодействия // Вестник Тамбовского университета. Серия: Гуманитарные науки. Выпуск № 2. Том 118. – 2013. – С. 234.

² *Даль Р.* О демократии / Пер. с англ. А.С. Богдановского. – М., 2000. – С. 74.

³ *Диманис М.Д.* Будущее демократии и перспективы многопартийности в Европе // Политические партии Европы: стратегия и тактика в период между выборами. Проблемно-тематический сборник. – М., 1999. – С.17.

⁴ *Вебер М.* Политика как призвание и профессия // *Вебер М.* Избранные произведения. – М., 1990. – С. 670.

⁵ *Katz R., Mair P.* Changing Models of Party Organization and Party Democracy. The Emergence of the Cartel Party // *Party Politics*. – 1995. – Vol. 1. – P. 20.

⁶ *Каримов И.А.* Углубление демократических реформ и формирование гражданского общества – основа будущего Узбекистана // Народное слово. – 2013. – 8 дек.

⁷ *Каримов И.А.* Родина священна для каждого. Т. 3. – Т., 1996. – С.71–72.

⁸ *Арон Р.* Демократия и тоталитаризм. – М., 1993. – С. 96.

⁹ Конституция Республики Узбекистан // ИПС «НОРМА».

¹⁰ Конституция Республики Узбекистан // ИПС «НОРМА».

¹¹ *Юдин Ю.А.* Политические партии и право в современном государстве. – М., 1998. – С.19–20.

¹² Закон Республики Узбекистан «О политических партиях» // ИПС «НОРМА».

¹³ Закон Республики Узбекистан «О финансировании политических партий» // ИПС «НОРМА».

¹⁴ Конституционный Закон Республики Узбекистан «Об усилении роли политических партий в обновлении и дальнейшей демократизации государственного управления и модернизации страны» от 11.04.2007 г. // ИПС «НОРМА».

¹⁵ Там же.

Б. Ж. Матмуратов,

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг раиси, юридик фанлар номзоди, доцент

ЖИНОЯТ СУБЪЕКТИ ВА ЖИНОЯТЛАРНИ КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация. Мақолада жиноят субъекти ва жиноятларни квалификация қилиш масалалар баён этилган, олимларнинг бу борадаги фикрлари таҳлил этилган.

Таянч тушунчалар: жиноят, жазо, жавобгарлик, субъект, хавfli қилмиш, ақли расолик, жиноятчи шахси, юридик мезон.

Субъект преступления и вопросы квалификация преступлений

Аннотация. В статье изложены вопросы, касающиеся субъекта преступления и квалификации преступлений, рассматриваются взгляды и мнения ученых в данной сфере.

Ключевые слова: преступление, наказание, ответственность, субъект, опасное деяние, вменяемость, личность преступника, юридический критерий.

Crime committer and issues of qualification of crimes

Annotation. The article deals with the issues connected with crime committers and qualification of crimes, opinions and ideas of scientists on this sphere is distinguished.

Key words: crime, punishment, responsibility, committer, dangerous action, criminal sanity, criminal personality, juridical criteria.

Жиноят субъекти жиноят таркибининг зарурий элементларидан бири бўлиб, ижтимоий хавfli қилмиш содир этган, қонунга қўра жиний жавобгарликка тортилиши мумкин бўлган шахс ҳисобланади. Жиноят содир этган шахс бўлмаса, ўз-ўзидан жиноят ҳам бўлмайди. Жиноят субъектини тавсифловчи белгилар: жисмоний шахслиги, ақли расолиги, жиноят қонунида назарда тутилган ёшга тўлганлигидир.

Жиноят ҳуқуқи назариясида олимларнинг «жиноят субъекти» тушунчасининг ўзини таърифлаб айтган фикрлари мавжуд бўлиб, улар эътиборга моликдир. Масалан, М. Усмоналиев жиноятнинг субъекти ижтимоий хавfli қилмиш содир қилган, қонунга мувофиқ равишда жиний жавобгарликка тортилиши мумкин бўлган шахс¹, эканлигини таъкидлайди.

В.Г.Павлов эса, «жиноят субъекти» тушунчаси жиноят қонунида ифодалаб берилган аниқ фикр-мулоҳазаларга асосланиши ва фалсафий ҳамда жиноят-ҳуқуқий назариянинг методологик асосларидан келиб чиққан бўлиши лозим², деб ҳисоблайди.

Жиноят таркиби элементларидан бири бўлмиш жиноят субъекти Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 17, 18, 19-моддаларида акс этган белгилар билан тавсифланади. Қонун чиқарувчи фақат жиний жавобгарликка тортишда асосий аҳамиятга эга белгиларнигина унга киритган.

Жиноят кодекси 17-моддасининг биринчи қисмида жиноят содир этгунга қадар 16 ёшга тўлган, ақли расо жисмоний шахслар жавобгарликка тортиладилар. Шунингдек, жиноят субъектини тавсифловчи ижтимоий-руҳий белгининг ҳам аниқ-

ланиши анча катта аҳамиятга эга. Жиноят қонунида жисмоний шахслар сифатида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва чет эл фуқаролари кўзда тутилган. Унда юридик шахслар, моддий дунё буюмлари, ҳайвон-жониворлар ҳамда табиат ҳодисалари жиноят субъекти, деб тан олинмайди.

Жиноят субъектининг мажбурий белгиларидан бири унинг ақли расолигидир. Жиноий жавобгарликка фақат зарур тафаккур ва ирода сифатларига эга, ташқи олам ҳодисаларини онгли равишда қабул қилувчи, ўз хатти-ҳаракатларини танқидий баҳолай оладиган, жамиятда ўзини тутиш қоидалари билан белгилаб қўйилган талабларни тушунадиган шахс тортилиши мумкин.

Ақли расолик — шахснинг жиноят содир этиш вақтида ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англаши ва ўз ҳаракатларини бошқара олишидир³.

Жиноий жавобгарликка фақат айби бор шахс тортилар экан, у шахс руҳий томондан соғлом, яъни ақли расо шахс бўлиши лозим. Жиноят кодексининг 18-моддасида «Жиноят содир этиш вақтида ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англаган ва ўз ҳаракатларини бошқара олган шахс ақли расо деб топилади», деб қўрсатилган.

Шунингдек, ушбу модданинг иккинчи қисмида ижтимоий хавфли қилмишни содир этиш вақтида ақли норасо ҳолатда бўлган, яъни сурункали руҳий касаллиги, руҳий ҳолати вақтинча бузилганлиги, ақли заифлиги ёки бошқа тарздаги руҳий касаллиги сабабли ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олмаган ёки ҳаракатларини бошқара олмаган шахс жавобгарликка тортилмаслиги белгиланган.

Шахсни руҳий касал, яъни ақли норасо деб топишнинг иккита муҳим мезони бор: биринчиси — юридик, яъни психологик мезон, иккинчиси — тиббий, яъни биологик мезондир. **Юридик мезонда** интеллектуал белги, яъни шахснинг ўз ҳаракатининг аҳамиятини тушунмаслиги, иккинчидан, хоҳиш белгиси, яъни ўз ҳаракатини бошқара

олиш лаёқати ва қобилиятининг бўлмаслиги назарда тутилади. **Тиббий мезонда** руҳий касалликни тўрт турга ажратиш мумкин: 1) сурункали руҳий касаллик; 2) вақтинча руҳий касаллик; 3) ақлнинг пастлиги; 4) руҳий касалликнинг бошқа ҳолатлари⁴.

Сурункали руҳий касалликлар. Булар даволаб бўлмайдиган ёки қийин даволанадиган руҳий касалликлардир. Масалан, шизофрения, эпилепсия, маниакал-депрессив психоз, прогрессив фалаж, паранойя, бош мия сифлиси (яллиғланиши) ва ҳ.к.

Вақтинчалик руҳий касалликлар. Булар руҳий касалликка чалинган шахс даволангандан сўнг касалнинг вақти-вақти билан ташқи таъсирга боғлиқ такрорланиб туриши ва яна соғайиши. Бундай касалликка чалинган шахс тўлиқ соғайиши мумкин. Бу касаллик кўпроқ кучли руҳий қийинчиликка тушган шахслар ва сурункали алкоголикларда учрайди.

Ақлнинг пастлиги касаллиги. Бу касаллик туғма бўлиши мумкин ёки оғир касалга чалинган ёки жароҳат олган шахсларда учрайди.

Улар олигофрения, яъни туғма ёки эрта болалик пайтида пайдо бўлган руҳий камчилик, ақл етишмаслигининг (юнон. oligos-кўп эмас, озгина + юнон. phren-ақл) ҳар хил турлари бўлиши мумкин.

Ақлнинг пастлиги касаллигида руҳий ривожланишни уч турга ажратамиз:

1) енгил тури — **дебиллик** (лот. debilis — ожизлик, заифлик);

2) ўрта даражадаги тури — **имбециллик** (лот. imbecillus — ожиз, заиф);

3) оғир даражадаги тури — **идиотия** (юнон. idioteia — нодонлик, беадаблик).

Касалликнинг бошқа **турларига** юқорида қайд қилинганлардан бошқа одамнинг руҳий ҳолатига таъсир қиладиган касалликлар киради. Улар турли оғир касалликни (касаланган пайтида ҳушини йўқотиш) бошидан кечирган шахсларда бўлиши мумкин.

ЖК 18-моддасининг учинчи қисмида ижтимоий хавфли қилмишни содир этган ва суд томонидан ақли норасо деб топилган шахсга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилиши мумкин,

деб белгиланган. Жиноят кодекси Умумий қисмининг «Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларининг асослари ва уларни тайинлаш» деб номланган XVII бобда тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларининг мақсадлари, уларни қўллашнинг умумий асослари, мажбурлов чораларининг турлари, мажбурлов чораларини тайинлаш, уларнинг муддатини узайтириш, ўзгартириш ва бекор қилиш, алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка йўлиққан шахсларга тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тартиб-қоидалари кўрсатилган.

Биз ўрганаётган мавзунинг асосий мазмуни шундан иборатки, агар шахс ақли норасо, яъни руҳий касаллик мавжуд ҳолатда ижтимоий хавфли қилмиш содир этса, жавобгарликка тортилмайди, чунки у жиноят субъекти бўла олмайди. Бундай шахсга фақат тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилади. Агар шахс ижтимоий хавфли қилмиш содир этган вақтида руҳий касал бўлмай, ақли расо бўлиб, лекин кейинчалик руҳий касалга чалинса, унда унга дастлаб тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилади, даволаниб, соғайгандан сўнг эса жиноий жавобгарлик ва жазога тортилади. Бунинг сабаби — у жиноят содир этган пайтида ўз ҳаракатларининг мазмунини англайдиган, ақли расо бўлган, яъни руҳий касали бўлмаган.

Гумон қилинаётган шахснинг ёки айбланувчининг руҳий ҳолатига нисбатан уларнинг ақли расолиги бўйича шубҳа пайдо бўлганда, унда, албатта, ЖПКнинг 567-моддасига мувофиқ, суд-психиатрик экспертиза ўтказилади. Экспертиза жисмоний шахснинг психикасидаги касаллик билан издан чиқишнинг характерини белгилаш, оғирлигини аниқлаш, жиноятчининг жиноий жавобгарликдан қочиш мақсадида руҳий бузилиш симуляциясини истисно қилиш имконини беради. Суд-психиатрик экспертизанинг натижаларини суд ҳар томонлама ўрганиб чиқади. Шахснинг ақли норасолигини эътироф этишни узил-кесил ҳал қилиш суднинг зиммасида. Ақли норасо шахслар соғлиққа

оғир шикаст етказиши ҳолатларида суд ЖКнинг 94-моддаси асосида тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини тайинлайди.

Бунга фуқаро Б.га нисбатан кўрилган иш мисол бўла олади. Яъни фуқаро Т. унинг уйи деразасига тош отган. Буни кўрган Б. кўчага югуриб чиқади ва Т.ни ҳушидан кетгунча дўппослайди. Суд-тиббиёт экспертизаси хулосасига кўра, жабрланувчининг соғлиғига оғир шикаст етган ва бунинг натижасида Т. оламдан ўтган. Суд-психиатрик экспертиза хулосасига кўра, Б.да галлюцинатор ва аффектив бузилишлар кўринишидаги эпизодик руҳий ҳолатлар рўй берадиган ҳамда ҳиссиёт-иродасининг бузилишларида ифодаланган бош мия органик зарарланиши билан кечувчи касаллиги аниқланган. Суд айбланувчини жиноий жавобгарликдан қилмиши ақли норасолик пайтида содир этилганлиги учун озод қилишга ва унга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини кўришга қарор қилди. У ихтисослаштирилган турдаги руҳий касалликлар шифохонасига кузатув кучайтирилган тартибда назорат остига жойлаштирилди.

Шуни таъкидлаш жоизки, ЖКнинг 19-моддасига мувофиқ, мастлик ҳолатида ёки гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки одамнинг ақл-идрокига таъсир қиладиган бошқа моддалар таъсирида жиноят содир этган шахс жиноий жавобгарликдан озод қилинмайди. Яъни бундай ҳолат шахсни ақли норасо деб топишга асос бўлмайди. Аксинча, ЖК 56-моддасига кўра, мастлик ҳолатида ёки гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки кишининг ақл-идрокига таъсир қилувчи бошқа моддалар таъсирида жиноят содир этиш жазони оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланади.

Маълумки, жиноят субъекти фақатгина **жисмоний шахс** бўлади. Юридик шахслар жиноят субъекти бўла олмайди. Шуни ҳам айтиш жоизки, баъзи давлатларда юридик шахслар жиноий жавобгарликка тортилади. Бунда корхона ва муассасаларга жиноят жазоси сифатида жарима, фаолиятидаги чекловлар ёки уларнинг умумий ёпилиши

каби жазо чоралари назарда тутилади. Бироқ, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига жиноий жавобгарликка фақат одамлар, яъни жисмоний шахслар тортилиши белгиланган.

Бир нарсага эътибор қаратиш лозимки, шахс ўзининг жиноий ниятини жиноят субъекти бўлмаган бошқа шахслар орқали ҳам амалга ошириши мумкин. Булар жиноий жавобгарликка тортилиш ёшига тўлмаган шахслар, шунингдек, руҳий жиҳатдан касал, яъни ақли норасо шахсларни жиноят содир этишга даъват қилиш, оғдириш орқали (алдаш, илтимос қилиш, пул бериб қизиқтириш, кўрқитиш ва ҳ.к.) содир этиш. Бундай йўл билан содир этилган жиноятларнинг субъекти, яъни жиноятнинг бажарувчиси сифатида жиноят ёшига тўлмаган ҳамда руҳий касали бўлган шахслардан фойдаланиб, жиноий мақсадини амалга оширган шахслар қатнашади.

Шунингдек, уй ёки ёввойи ҳайвонлардан фойдаланиб одам ҳаёти ёки соғлиғига қарши жиноят қасдан содир қилиниши мумкин. Масалан, ҳайвонларни бўшатиб, одамга қарши юбориш. Бундай ҳолларда жиноят субъекти уй ёки ёввойи ҳайвонлардан фойдаланиб ўзининг жиноий ниятини амалга оширган шахс бўлади.

Шуни қайд этиш керакки, Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунининг 2-моддаси 3-бандига асосан қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатларнинг бири сифатида Жиноят кодексига «жисмоний ёки руҳий мажбурлаш ёхуд кўрқитиш» деб номланган 41¹- моддаси киритилди. Унга кўра жисмоний ёки руҳий мажбурлаш ёхуд шундай мажбурлашни қўллаш билан кўрқитиш натижасида Жиноят кодекси билан кўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларга зарар етказилиши, агар бундай мажбурлаш ёхуд кўрқитиш оқибатида шахс ўз ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) бошқара олмаган бўлса, жиноят ҳисобланмайди. Демак, юқорида қайд этганимиздек, бундай вазиятда

жиноятнинг бажарувчиси, яъни жиноят субъекти жисмоний ёки руҳий мажбурлаш ёхуд шундай мажбурлашни қўллаш билан кўрқитган (мажбурлаган) шахс бўлади.

Жиноят кодексининг 17-моддасида жисмоний шахсларнинг жиноий жавобгарликка тортилишининг минимал ёши 13, 14, 16 ва 18 ёш қилиб белгиланган. Шахсни жиноий жавобгарликка тортиш ёшининг жиноятлар хусусиятларига кўра шундай қилиб белгиланиши, биринчидан, вояга етаётган шахснинг психофизиологик қобилиятининг мукаммаллашуви ва ижтимоий-руҳий ҳолатининг даражаси, қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини ва оқибатини тушуниши, тўғри баҳо бериши, жавобгарликни сезиши ва энг муҳими, ҳар қандай ҳолатда ўзини бошқара олиш қобилияти, тафаккури ва онгининг етилиши бўлса; иккинчидан, жиноятларнинг хусусияти ва хавфлилиги даражаси ҳисобга олинади.

Масалан, 97-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган қасдан одам ўлдириш жиноятининг субъекти 14 ёшга тўлган шахс бўлса, ЖК иккинчи қисмида кўрсатилган жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда қасдан одам ўлдириш жиноятларининг субъекти 13 ёшга тўлган шахс бўлади. Ёки, ЖК 100-моддасида кўрсатилган зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб қасдан одам ўлдириш жиноятининг субъекти 16 ёшга тўлган шахс бўлса, ЖК 98-моддасида кўрсатилган кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасдан одам ўлдириш жиноятининг субъекти 14 ёш қилиб кўрсатилган.

Жиноят субъектининг ёшини белгилашда айрим ҳолларда шахснинг қонун билан жавобгарлик ва мажбурият белгиланадиган ёшга тўлиши сабаб бўлади. Масалан, ЖК 123-моддасида кўрсатилган ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш жиноятида бу мажбуриятнинг 18 ёшга тўлгандан кейин белгиланиши; ҳарбий ёки муқобил хизматдан бўйин товлаш жиноятининг субъекти 18 ёш этиб белгиланиши бу мажбуриятнинг шу ёшга тўлгандан сўнг пайдо бўлиши билан боғлиқдир. Шу боис

ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларнинг субъекти фақат 18 ёшга тўлган шахслар бўлади.

Шахсларга лавозимлар 16 ва 18 ёшдан кейин берилишини ҳисобга олиб, Жиноят кодексига айрим мансабдан фойдаланиб содир этиладиган жиноятларнинг субъекти 16 ёш деб кўрсатилган. Масалан, меҳнат қилиш ҳуқуқини бузиш (ЖК 148-м.), ўзгача мулкни ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш (ЖК 167-м.), ўсимликлар касалликлари ёки зараркунандлари билан кураш талабларини бузиш (ЖК 199-м.). Мансабдан фойдаланиб содир этиладиган жиноятларнинг аксариятида жиноят субъекти 18 ёш қилиб белгиланган. Масалан, ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш (ЖК 205-м.), пора олиш (ЖК 210-м.), айбсиз кишини жавобгарликка тортиш (ЖК 230-м.).

Айрим ҳолларда вояга етмаган жабрланувчиларга қарши содир этилган жиноятлар субъектининг ёши 16 ёки 18 ёшга тўлган бўлиши лозим. Масалан, ЖКнинг 127-моддасида кўрсатилган вояга етмаган шахсни гайририжтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш жиноятининг субъекти вояга етган, яъни 18 ёшга тўлган шахс бўлади, ёки ЖКнинг 128-моддасида кўрсатилган 16 ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш жиноятининг субъекти 16 ёшга тўлган шахс бўлиши лозим. ЖКнинг 129-моддасида кўрсатилган 16 ёшга тўлмаган шахсга нисбатан уятсиз-бузуқ ҳаракатлар қилиш жиноятининг субъекти 16 ёшга тўлган шахс ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, айрим жиноятларда бир неча қисмдан иборат бир модданинг ўзида оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобга олиниб, жиноят субъектининг ёши бошқача бўлиши мумкин. Масалан, мулкни қасдан нобуд қилиш жинояти учун жавобгарлик кўрсатилган ЖКнинг 173-моддаси биринчи қисми субъектининг ёши 16 ёш бўлса, иккинчи ва учинчи қисмларда оғирлаштирувчи ҳолатлар ҳисобга олиниб, субъекти 14 ёш деб белгиланган. Ёки безорилик

жинояти учун жавобгарлик кўрсатилган ЖК 277-моддаси биринчи қисми субъектининг ёши 16 ёш кўрсатилган бўлса, иккинчи ва учинчи қисмлари субъектининг ёши 14 ёш деб белгиланган.

Шуни таъкидлаш керакки, айрим оғир жиноятларда субъект сифатида ёши тўлмаган, лекин 14 ёшга тўлган шахс иштирок этиши мумкин. Масалан, ЖКнинг 155-моддасида кўрсатилган терроризм жиноятининг субъекти 16 ёш деб белгиланган. Агар бундай ҳаракатларда 13 ёшдан 16 ёшгача шахслар иштирок этса, улар шу жойда содир этилган қилмишларга боғлиқ қасдан одам ўлдириш, баданга шикаст етказиш, шунингдек, мулкни нобуд қилиш ёки унга шикаст етказиш жиноятларини содир этганлиги учун ЖКнинг 97, 104 ва 173-моддалари билан жавобгарликка тортилади.

Ёхуд ЖКнинг 161-моддасида кўрсатилган кўпоровчилик жиноятининг субъекти 16 ёш этиб белгиланган. Агар бундай ҳаракатларда 16 ёшга тўлмаган шахслар иштирок этса, улар шу жойда содир этилган қилмишларга боғлиқ одам ҳаёти, соғлиғи ёки мулкчиликка қарши жиноятларни содир этганлик учун жавобгарликка тортилади.

ЖКнинг 244-моддасида кўрсатилган оммавий тартибсизликлар жиноятида эса 16 ёшга тўлмаган шахс иштирок этса, унинг ҳаракатлари ЖК 277-моддаси (безорилик) билан квалификация қилинади.

Жиноят ҳуқуқида жиноят субъектининг юқорида қайд қилинган учта белгиси билан бирга қўшимча, алоҳида белгиларга эга субъектлар мавжуд бўлиб, улар махсус субъектлар деб юритилади. Бу хусусиятлар жиноятларни квалификация қилишда эътиборга олинади.

Шунингдек, жиноят ҳуқуқида айрим жиноятлар субъектининг хусусиятига кўра «махсус субъект» тушунчаси ҳам мавжуд.

Баъзан махсус субъект муқобиллик асосида, модда диспозициясида умумий субъект билан бирга кўрсатилади. Масалан, жазони оғирлаштирадиган ҳолатларда қасдан одам ўлдириш (ЖК 97-м., 2-қ.) учун ҳам умумий,

ҳам махсус субъектлар, айтайлик, ўта хавфли рецидивист, контрабанда (ЖК 246-м.) учун ҳам умумий, ҳам махсус субъектлар, айтайлик, мансабдор шахс жавобгар бўлади⁵.

Махсус субъектлар қуйидаги хусусиятларига кўра ажратилади:

1. **Субъектларнинг фуқаролигига кўра.**

Масалан, ЖК 160-моддасида кўрсатилган жосуслик жиноятининг субъекти чет эл фуқароси бўлади. Агар ушбу жиноятни Ўзбекистон фуқароси содир этса, у ўз давлатига хоинлик қилган бўлиб, ЖК 157-моддаси билан жавобгарликка тортилади.

2. **Жинсига кўра.** Махсус субъектнинг эркак ёки аёл эканлиги эътиборга олинади. Айтайлик, ЖКнинг 120-моддаси (бесоқол-бозлик), 126-моддаси (кўп хотинли бўлиш) 225-моддаси (ҳарбий ёки муқобил хизматдан бўйин товлаш)нинг субъектлари фақатгина эркак киши бўлади. Бу жиноятларга аёл иштирок этса, улар ЖКнинг 28-моддаси билан ушбу жиноятда иштирок этганлик учун жавобгарликка тортилади. Шунингдек, ЖКнинг 99-моддасида кўрсатилган (онанинг ўз чақалогини қасддан ўлдириши) жиноятнинг субъекти фақат аёл ва шу болани туққан онаси бўлиши мумкин.

Лекин шуни қайд этиш жоизки, жиноятнинг хавфлилиги ва ундаги субъектнинг иштирокчилиги даражасини ҳисобга олиб, жинсий жиноятда иштирок этган аёл киши эркак одам билан бирга жиноятининг бирга бажарувчиси деб саналиши мумкин. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «**Номусга тегиш ва жинсий эҳтиёжни ғайритабiiй усулда қондиришга доир ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида**»ги 2010 йил 29 октябрдаги 13-сонли қарорида ҳам қайд этилган. Унга кўра, «ЖК 118-моддаси иккинчи қисми «в» банди ёки 119-моддаси иккинчи қисми «в» банди билан, нафақат бевосита номусга теккан ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабiiй усулда қондирган шахсларнинг ҳаракатлари, балки жабрланувчига нисбатан зўрлик ёки таҳдид қўллаш орқали уларга кўмаклашган шахсларнинг ҳаракатлари ҳам квалификация қили-

ниши лозим. Бунда қайд этилган жиноят таркиблари объектив томонида назарда тутилган ҳаракатларни шахсан содир этмаган, бироқ зўрлик ёки таҳдид қўллаш орқали бошқа шахсларга жиноят содир этишда кўмаклашган шахсларнинг ҳаракатлари гуруҳ бўлиб номусга тегиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабiiй усулда қондириш жиноятининг шерик ижрочиси сифатида ЖК 28-моддасига ҳавола қилинмаган ҳолда квалификация қилиниши лозим».

Жабрланувчи билан бевосита жинсий алоқа қилмаган ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабiiй усулда қондириш ҳаракатларини содир этмаган ва бошқа шахслар томонидан бундай ҳаракатлар содир этилганда жабрланувчига нисбатан зўрлик ёки таҳдид қўлламаган, бироқ жиноятни содир этишда айбдорга фақат маслаҳатлари, кўрсатмалари, маълумотлар бериши кабилар билан кўмаклашган шахсларнинг ҳаракатлари ёрдамчи сифатида ЖКнинг 28-моддаси бешинчи қисмига ҳавола қилинган ҳолда квалификация қилиниши керак.

Қариндошлик алоқаси бўйича эса махсус субъектларда айбдор билан жабрланувчи ўртасида мажбурият ва вазифанинг бўлиши назарда тутилади. Бу қуйидаги жиноятларда зарурий белги бўлади. Масалан, вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш (ЖК 122-м.), ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш (ЖК 123-м.) ёки Жиноят кодекси 125¹-моддасининг иккинчи қисмида ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан никоҳ ёшига етмаган шахсни эрга бериш ёхуд уйлантириш учун жавобгарлик кўрсатилган.

Шуни таъкидлаш лозимки, айрим жиноятлар яқин қариндошга нисбатан содир этилса, жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланади. Масалан, ЖКнинг 118 ёки 119-моддаларида кўрсатилган жиноятлар яқин қариндошга қарши содир этилганда қилмиш жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида ушбу моддаларнинг учинчи қисми билан квалификация қилинади.

Айрим жиноятларнинг **субъекти фақат мансабдор шахслар** бўлади, шу боис улар махсус субъект ҳисобланади. Бу жиноятларнинг аксарияти Жиноят кодекси Махсус қисмининг XV бобида кўрсатилган бошқарув тартибига қарши жиноятларга тегишли бўлади. Масалан, ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш (ЖК 206-м.), мансабга совуққонлик билан қараш (ЖК 207-м.), ҳокимият ҳаракатсизлиги (ЖК 208-м.), мансаб сохтакорлиги (ЖК 209-м.), пора олиш (ЖК 210-м.).

Шунингдек, экология соҳасидаги жиноятларнинг кўпчилик қисми мансабдор шахслар томонидан содир этилади. Айтайлик, экология хавфсизлигига оид норма ва талабларни бузиш (ЖК 193-м.), атроф табиий муҳитнинг ифлосланганлиги тўғрисидаги маълумотларни яшириш ёки бузиб кўрсатиш (ЖК 194-м.), атроф табиий муҳит ифлосланиши оқибатларини бартараф қилиш чораларини кўрмаслик (ЖК 195-м.).

Шуни айтиш керакки, айрим ҳолларда субъектнинг мансабдор ёки мансабдор эмаслигига кўра жиноятлар квалификацияси ўзгаради. Айтайлик, зўрлик ишлатиб ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш жинояти ЖКнинг 138-моддасида кўрсатилган бўлса, агар бундай ҳаракат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи ходими томонидан содир этилса, қонунга хилоф равишда шахсни ушлаб тургани ёки қамоққа олгани учун ЖКнинг 234-моддаси билан жавобгарликка тортилади. Алдаш ёки ишончни суистеъмол қилиш йўли билан мулккий зарар етказиш жинояти ЖКнинг 170-моддасида кўрсатилган. Агар бундай ҳаракат ўз мансабидан фойдаланиб содир этилса, унда шахс ЖКнинг 205-моддаси билан жавобгарликка тортилади. Ёки субъекти мансабдор шахс бўлган пора олиш жиноятини шундай ҳаракатни мансабдор бўлмаган шахс содир этса, ЖКнинг 214-моддаси билан жавобгарликка тортилади.

Шу жойда яна бир муҳим нарсага эътибор қаратиш лозимки, агар бундай ҳаракатлар нодавлат, нотижорат ташкилоти ёки бошқа нодавлат ташкилотининг

мансабдор шахси ёки ходими томонидан содир этилса, қилмишлар «Тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашуш билан боғлиқ жиноятлар ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қиладиган бошқа жиноятлар» кўрсатилган XIII¹ бобнинг 192⁹ (тижоратда пора эвазига оғдириб олиш) ва 192¹⁰ (нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш) моддалари билан квалификация қилинади. Демак, Жиноят кодекси Махсус қисмининг XV бобида кўрсатилган бошқарув тартибига қарши жиноятларнинг субъектлари фақатгина давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот (низом жамғармасида давлат улуши бўлган тижорат ташкилоти ёхуд тўлиқ ёки қисман давлат органи ёки давлат ташкилоти томонидан ташкил қилинган ёки яратилган нотижорат ташкилот) ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг мансабдор шахслари ёки ходимлари бўлади.

Мансабдор шахслар томонидан содир этиладиган жиноятларда иштирок этган мансаби йўқ шахсларнинг жавобгарлиги масаласи алоҳида эътибор талаб этади. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «**Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида**»ги (1999 йил 24 сентябрь) 19-сонли қарорида ҳам қайд этилганидек, «Жиноятнинг ижтимоий хавфлилигини билдирувчи (тамагирлик, поранинг кўп ёки жуда кўп миқдори) тавсифлаш белгилари жиноят иштирокчиларининг ҳам айбига, агарда бу ҳолатлар уларнинг қасди билан қамраб олинган бўлса, қўйилиши лозим. Шу билан бирга, жиноят иштирокчиларининг ҳаракатларини тавсифлашда жиноятнинг бошқа иштирокчиларини таърифловчи (бир неча бор пора олиш, бериш, пора олиш-беришда воситачилик қилиш, порахўрлик учун судланганлик каби) ҳолатлар инobatта олинмаслиги керак».

Демак, пора олиш жиноятида иштирок этган мансаби йўқ шахснинг ҳаракатлари

ЖК 28-моддаси, 210-моддасининг иккинчи қисми «б», «в» ёки учинчи қисми «а» банди билан квалификация қилинади (поранинг кўп миқдори, тамагирлик, поранинг жуда кўп миқдори). Аммо мансабдор бўлмаган шахс мансабдор шахснинг бир неча бор пора олиш, бериш, пора олиш-беришда воситачилик қилиш, порахўрлик учун судланганлик каби ҳолатлар учун жавоб бермайди, яъни унинг ҳаракатлари фақат ЖКнинг 28-моддаси, 210-модданинг биринчи қисми билан квалификация қилинади.

Шуни қайд этиш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг юқорида қайд этилган 2015 йил 20 августдаги қонуни билан Жиноят кодексининг 210-моддаси (пора олиш), 211-моддаси (пора бериш) ва 212-моддасининг (пора олиш-беришда воситачилик қилиш) учинчи қисмларидаги ва бошқа моддалардаги «масъул мансабдор шахс» томонидан содир этилишига оид бандлари чиқариб ташланди. Демак, бу билан амалдаги Жиноят кодексидан масъул мансабдор шахс учун алоҳида айбни оғирлаштирадиган ҳолатлар кўрсатилган бандлар бекор қилинди.

Касби ёки мутахассислигининг хусусиятига кўра махсус субъектлар. Масалан, жиний равишда ҳомилани тушириш (аборт) жинояти шифокор, акушер ёки гинеколог томонидан содир этилса, қилмиш Жиноят кодекси 114-моддасининг биринчи қисми билан, агар аборт бундай ҳуқуққа эга бўлмаган шахс томонидан содир этилса, 114-модданинг иккинчи қисми билан квалификация қилинади. Ёки фарзандликка олиш сирини ошкор қилиш жиноятини ҳар қандай шахс содир этса, Жиноят кодекси 125-моддасининг биринчи қисми билан, агар бундай ҳаракатни касбий хизмати ёки эгаллаб турган мансабига боғлиқ сир сақлаши шарт бўлган шахс томонидан содир этилса, ЖКнинг 125-моддаси иккинчи қисми билан квалификация қилинади.

Жиноят кодексининг 116-моддасида кўрсатилган касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик, шунингдек, ЖКнинг 117-моддасида кўрсатилган хавф

остида қолдириш жиноятларининг субъектлари муайян касб эгалари бўлиши мумкин.

Ҳарбий хизматга боғлиқ махсус субъектлар.

Агар жиноятлар ҳарбий хизматни ўтаётган шахс томонидан содир этилса, у Жиноят кодекси Махсус қисмининг «Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар» кўрсатилган VII бўлимидаги нормалар билан жавобгарликка тортилади. Масалан, баданга шикаст етказиш (ЖК 283-м.), ҳарбий мулкни нобуд қилиш ёки унга шикаст етказиш (ЖК 296-м.), шунингдек, 298-моддада кўрсатилган машиналарни бошқариш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш жиноятлари. Агар бундай ҳаракатлар ҳарбий хизматда бўлмаган шахслар томонидан содир этилса, ўз навбатида, қасддан баданга оғир шикаст етказиш (ЖК 104-м.) ёки такроран баданга ўртача оғир шикаст етказиш (ЖК 105-м.), мулкни нобуд қилиш ёки унга зарар келтириш (ЖК 173-м.), транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш (ЖК 266-м.) жиноятларини содир этганлиги учун жавоб беради.

Рецидив жиноятлардаги махсус субъектлар. Жиноят кодексининг 34-моддасида рецидив жиноят, хавfli рецидивист ва ўта хавfli рецидивист тўғрисида тушунча берилган. Шуни айтиш жоизки, Жиноят кодекси Махсус қисмининг айрим моддаларида жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар қаторида (квалификацион тур) ушбу жиноятларнинг хавfli рецидивист ёки ўта хавfli рецидивист томонидан содир этилганлиги учун жавобгарлик кўрсатилган. Масалан, ЖК 165-моддасининг иккинчи қисмида, ушбу жиноятнинг хавfli рецидивист томонидан, учинчи қисмида эса ўта хавfli рецидивист томонидан содир этилганлиги учун жавобгарлик кўрсатилган. Ёки ЖКнинг 186¹-моддасининг иккинчи қисмида этил спирти, алкоголь маҳсулоти ва тамаки маҳсулотларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш жиноятини хавfli рецидивист содир этганлиги учун жавобгарлик кўрсатилган.

Демак, ҳар қандай жиноят, агар қонунда

кўрсатилган бўлса, хавфли рецидивист ёки ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилса, жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат бўлиб, жиноий жавобгарлиги кўрсатилган модданинг иккинчи ёки учинчи қисми, агар мавжуд бўлса, тўртинчи қисми билан квалификация қилинади. Масалан, ўзганинг мулки кўп бўлмаган миқдорда ўғрилик йўли билан талон-торож қилинса, қилмиш ЖКнинг 169-моддаси биринчи қисми билан квалификация қилинади. Агар шу миқдор-

даги ўзганинг мулкини хавфли рецидивист ёки ўта хавфли рецидивист ўғирласа, унда улар ЖКнинг 169-моддаси учинчи ёки тўртинчи қисмлари билан жавобгарликка тортилади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, жиноят субъектларининг хусусиятлари, бири-бирига ўхшашлик ёки фарқини ўрганиш ва аниқлаш, уларнинг хавфлилик даражасини белгилашда ва тўғри квалификация қилишда катта аҳамият касб этади.

¹ Усмоналиев М. Жиноят таркиби. – Т., 2008. – Б. 106.

² Павлов В.Г. Субъект преступления в уголовном праве. – СПб., 1999. – С. 23.

³ Усмоналиев М. Жиноят таркиби. – Т., 2008. – Б. 110.

⁴ Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. Т.1. Умумий қисм. – Т., 2011. – Б. 117.

⁵ Абдурасулова Қ.Р. Жиноятнинг махсус субъекти: Ўқув қўлланма. – Т., 2006. – Б. 38.

ИСЛОМ КАРИМОВ – ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ АСОСЧИСИ, БУЮК ДАВЛАТ ВА СИЁСАТ АРБОБИ

2018 йилнинг 25 январь куни Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, мустақиллигимиз асосчиси Ислом Каримов таввалуд кунининг 80 йиллигига бағишланган «Ислом Каримов – Ўзбекистон мустақиллигининг асосчиси, буюк давлат ва сиёсат арбоби» мавзусидаги илмий-маданий анжуман ўтказилди.

Тадбирда Биринчи Президентимизнинг замондош дўстлари, илм-фан арбоблари, таниқли ёзувчи ва шоирлар, тарихчи олимлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, шунингдек ИИВ Академияси профессор-ўқитувчилари ҳамда курсант ва тингловчилар иштирок этди.

Анжуманда таъкидланганидек, Ислом Каримов Мустақил Ўзбекистон давлатининг асосчиси, юртимизни собиқ мустабид тузум қарамлигидан озод қилиб, замонавий асосда тараққий эттириш стратегиясини, дунёда «Ўзбек модели» деган ном билан тан олинган ривожланиш йўлини ишлаб чиққан, жаҳон миқёсида катта обрў-эътибор қозонган, буюк давлат ва сиёсат арбоби сифатида Ватанимиз тарихида ўчмас ва ёрқин из қолдирган.

Биринчи Президентимизнинг доно, узоқ истиқболга қаратилган сиёсати кўп миллатли Ўзбекистон халқининг маънавий асосларини тиклашида намоён бўлди. Унинг ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан халқимизнинг маънавий қадрадлирини эъзозлаш, миллий анъана ва урф-одатларимиз, бой тарихий меросимизни қайта тиклаш, асраб-авайлаш ва ривожлантиришга қаратилган давлат сиёсати янги босқичга кўтарилди.

Анжуманда сўзга чиққанлар Ислом Каримовнинг машаққатли умр йўли, узоқ йиллик раҳбарлик фаолиятини ёдга олдилар. Унинг Ватанимиз олдидаги фидойи меҳнатларини, энг оғир дамларда ҳам фарзандлик бурчини муносиб адо этганини, халқимизнинг орзу-умидлари ва эртанги кунни учун яшаган чин ўзбек фарзанди бўлганини таъкидлаб ўтдилар.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда, «Ислом Каримов ўзининг Президент сифатидаги бутун ҳаёти ва фаолиятини юртимизда янги давлат, янги жамият барпо этиш, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, ўзбек номини, Ўзбекистон номини бутун дунёга тараннум этишдек улуғ мақсадга бағишлади. Халқимиз мамлакатимизда истиқлол йилларида амалга оширилган улкан ўзгаришларни ҳақли равишда Биринчи Президентимиз номи билан боғлайди». Шу маънода мамлакатимиз аҳолисини, айниқса ёш авлодни унинг ҳаёти ва фаолияти билан яқиндан таништириш бугун алоҳида аҳамият касб этади.

ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛИШ – ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ ЖАРАЁНИНИ ИЖТИМОЙ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ УСУЛИ

Аннотация. Мақолада қонун лойиҳалари умумхалқ муҳокамасининг моҳияти ва қонун ижодкорлиги жараёнини ижтимоий таъминлашда қонун лойиҳаларини муҳокама қилишнинг аҳамияти кўриб чиқилади.

Таянч тушунчалар: Олий Мажлис, қонун ижодкорлиги, қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш, сиёсий партиялар, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият.

Обсуждение законопроектов – важнейший метод социального обеспечения законотворческого процесса

Аннотация. В научной статье раскрывается сущность всенародного обсуждения законопроектов, а также значение обсуждения законопроектов в социальном обеспечении законотворческого процесса.

Ключевые слова: Олий Мажлис, законотворчество, обсуждение законопроектов, политические партии, правовое сознание, правовая культура.

Discussion of bill is the most important method of social support for the law-making process.

Annotation: The article reveals the essence of the nationwide discussion of bill, as well as the importance of discussion of bill in sociological support for the law-making process.

Key words: Oliy Majlis, lawmaking, discussion of bill, political parties, legal consciousness, legal culture.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маърузасида қонун ижодкорлиги билан боғлиқ муаммолар хусусида алоҳида тўхталиб, қуйидаги фикрларни баён этди: «**Яна бир муҳим йўналиш** қонунларни қабул қилишда жамоатчилигимиз, сайловчиларнинг кенг иштироки сезилмаяпти. Қонунлар қабул қилиниши билан халқимизнинг оғири енгил бўлди, унинг ҳаётидаги муаммолар ҳал этилдими, деган саволлар билан, афсуски, ҳеч ким қизиқмаяпти.

Шунинг учун ҳам, қонунларни қабул қилиш жараёнида янги тизим – аҳоли билан муҳокама қилиш тизимини жорий этиш лозим, деб ҳисоблайман. Яъни катта аҳамиятга эга, муҳим қонун лойиҳаларини биринчи ўқишда қабул қилингандан кейин жойларда фуқаролар билан кенг муҳокама қилиш, уларнинг таклиф ва мулоҳазаларини эътиборга олиб, лойиҳаларни такомиллаштирган ҳолда

иккинчи ўқишга киритиш тартибини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади. Яширишнинг ҳожати йўқ, биз кўпинча вилоят марказларига бориб, ўша ернинг ўзидан қайтамыз. Жойларда бўладиган муҳокамаларда иштирок этмаймиз, одамларнинг муносабатини уларнинг ичида туриб, улар билан бирга юриб ўрганмаймиз. Натижа нима бўлади? Қабул қилинган қонунларимиз тўлақонли бўлмайди, қутилган самарани бермайди»¹.

Қонун лойиҳаларини умумхалқ муҳокамасидан ўтказиш – демократиянинг асосий белгиларидан бири ҳисобланади. Қолаверса, бу қонун ижодкорлиги жараёнининг муҳим босқичидир. Илмий адабиётларда қонун лойиҳасини муҳокама қилиш босқичлари асосан икки турга бўлиб ўрганилади. Биринчиси – қонун лойиҳасининг парламент муҳокамаси, иккинчиси эса – мамлакат ҳаётининг ўта муҳим масалалари бўйича қонунлар лойиҳаларининг халқ томонидан муҳокама қилинишидир. Давлатнинг барча қонун лойиҳаларини халқ

муҳокамасига қўйиш мажбурий қоида эмас. Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси сўнгги йилларда қонунчилик тажрибамизда кенг қўлланилаётган демократик институтлардан бири ҳисобланади².

Қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамасига қўйилишининг асосий жиҳати шундаки, бу босқичда қонун лойиҳаси анча мукамаллашади, муҳокамада иштирок этаётган фуқароларнинг ҳуқуқий билимлари ва уларнинг бу жараёндаги тажрибаси такомиллашиб боради.

Қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси, аслида, қонун лойиҳаси юзасидан халқ билан бевосита маслаҳатлашув жараёнидир. Қонун лойиҳаларини кенг халқ муҳокамасига киритиш жамоатчилик фикрини аниқлаш ва қонунда халқ манфаатларини, хоҳиш-иродасини тўла-тўқис акс эттириш имконини беради.

Бу ҳақда профессор Х.Т.Одилқориев: «Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси, аслида, қонун лойиҳаси юзасидан халқ билан бевосита кенгашув, маслаҳатлашувдир»³, — деб таъкидлайди. Қонун лойиҳаларини халқнинг ихтиёрига топшириш уларнинг қонунлар тўғрисидаги фикр ва тажрибаларини умумлаштиради ҳамда жамоатчилик фикрини (ижтимоий фикрни) аниқлаб олиш имкониятини беради.

Ҳозирги икки палатали парламент шароитида қонун лойиҳасини муҳокама қилишнинг бир нечта босқичларини айтиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Фикримизча, қонун лойиҳаси дастлаб қонунчилик ташаббускори томонидан муҳокама қилинади. Бу жараён ҳам қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш учун алоҳида босқичдир. Сўнгра эса Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси тегишли қўмитасига лойиҳа тарзда тақдим этилади. Бу қўмита ўз ҳуқуқ ва ваколатлари доирасида қонун лойиҳасини кўриб чиқади. Ушбу жараён Қонунчилик палатаси масъул қўмитаси томонидан қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш босқичи ҳисобланади. Чунки, барча қонун лойиҳалари асосан масъул қўмиталарда маромига етказилади ва камчиликлари бартараф этилади. Масъул

қўмитага қонун лойиҳаси топширилганидан сўнг шу қўмита томонидан ишчи гуруҳ тузилади. Масъул қўмита тегишли қонун лойиҳаси бўйича маърузачи тайинлайди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, қонун лойиҳаларини муҳокама қилишнинг қуйидаги бир қанча босқичларини қайд этиш мумкин: сиёсий партияларнинг қонун лойиҳасини муҳокама қилиши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида қонун лойиҳаларининг муҳокамаси, қонун лойиҳалари бўйича ишчи гуруҳлар муҳокамалари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тегишли қўмиталари томонидан қонун лойиҳаларининг муҳокамаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлисларида қонун лойиҳаларининг муҳокамаси ва ҳ.к.

Умумхалқ муҳокамасини амалга оширишнинг асосий принциплари «Қонун лойиҳалари умумхалқ муҳокамаси тўғрисида»ги қонунда ўз ифодасини топган. Жумладан: ихтиёрийлик, тенглик, ошкоралик, ҳамма учун очиқлик, эркин фикр билдириш⁴.

Қонун лойиҳалари умумхалқ муҳокамасининг *ихтиёрийлиги* деганда бу жараёнда қатнашаётган барча шахсларнинг ҳолисона иштирок этиши ва уларнинг хоҳиш-иродасига қарши ҳаракат қилиш мумкин эмаслиги тушунилади. Фуқаролар умумхалқ муҳокамасида иштирок этишга мажбур қилинмайдилар. Умумхалқ муҳокамасида тенг ҳуқуқлилиқ, фуқаролар ирқи, жинси, миллати, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун лойиҳаларининг муҳокамаси жараёнида тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар. Бу ҳуқуқларнинг бирон-бир тарзда бузилишига йўл қўйилмайди.

Ошкоралик принципида, умумхалқ муҳокамалари оммавий тартибда ошкора тарзда ўтказилиши тушунилади. Қонун лойиҳалари умумхалқ муҳокамасининг тақиқлаб қўйилишига ва бу жараёнга тўсқинлик қилишга йўл қўйилмайди. Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси жараёнида очиқлик принципига риоя қилиниши шарт. Чунки, умумхалқ муҳокамаси давлат ва жамият ҳаётидаги муҳим қонун лойиҳаси юзасидан ўтказилади. Унга ҳеч ким,

ҳеч қачон монелик қила олмайди. Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси жараёнида ҳар бир фуқаро эркин фикр билдиришга ҳақлидир. Унинг муҳокама қилинаётган қонун хусусида билдираётган фикрларига тўсқинлик қилиш мумкин эмас.

Қонун лойиҳаларини муҳокама қилишда бир қанча муаммолар мавжудлигини ҳам унутмаслик керак. *Биринчидан*, қонун лойиҳалари қонунчилик ташаббускори томонидан қонун лойиҳаларини расмийлаштириш қоидаларига тўлиқ риоя қилинмаслиги; *иккинчидан*, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг тегишли қўмитаси томонидан (бу қўмита, одатда, масъул қўмита деб юритилади) муҳокама қилинишида юридик-техник жиҳатдан тўлақонли расмийлаштирилмаслиги; *учинчидан*, қонун лойиҳасининг биринчи ва иккинчи ўқиш ўртасида маълум бир муддатнинг белгиланмаганлиги; *тўртинчидан*, қонун лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси сессияларида масъул қўмита томонидан қонун лойиҳаси кўриб чиқиладиган пайтда депутатлар фикр ва мулоҳазаларининг етарлича таҳлил қилинмаслиги; *бешинчидан*, қўмиталар томонидан биринчи ўқишда депутатлар берган таклиф ва мулоҳазалар муҳокама қилинади, аммо қўмита қабул қилмаган таклифларни ҳам муҳокама қилиш даркор.

Дарҳақиқат, ушбу муаммоларнинг олдини олишда барча давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, сиёсий партиялар, бошқа жамоат бирлашмалари ва оммавий ахборот воситалари, Олий Мажлис депутатларининг қонун лойиҳалари муҳокамасидаги ҳамкорлиги муҳим. Зеро, жамият учун мукамал ва самарали қонун-

лар қабул қилиниши демократик давлатнинг муҳим белгиларидан бири ҳисобланади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда, қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш босқичига қуйидаги таклифларни киритсак, мақсадга мувофиқ бўлади:

- қонун лойиҳаларининг муҳокамаси жараёнида муҳолифнинг фикр-мулоҳазаларини ҳурмат қилиш;

- қонун лойиҳалари муҳокамасининг ошкоралигини таъминлаш мақсадида оммавий ахборот воситаларида доимий ёритиб бориш;

- муҳокама жараёнига олимлар, фан арбоблари, профессор ва соҳа мутахассислари ҳамда ёшларни кенгроқ жалб қилиш;

- қонун лойиҳаларининг муҳокамасида қонунчилик техникаси, юридик терминология масалаларига эътибор бериш;

- қонун лойиҳаларини барчага тушунарли, оддий тилда ёритиш, барча қонун лойиҳалари юзасидан лингвистик экспертиза тайинлаш;

- қонун лойиҳаларини муҳокама қилишда ижтимоий фикр ва ижтимоий сўровлар натижаларидан кенг фойдаланиш;

- қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда депутатларнинг фаоллигини ошириш (депутатларнинг ўз сайловчилари ва электорати билан учрашувларида халққа бугунги кунда қандай қонун кераклиги ва унинг ижросини ташкил этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш);

- муҳокама жараёнида хорижий тажрибани инобатга олиш лозим.

Қонунларнинг умумхалқ муҳокамаси фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантиради, энг муҳими Қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамасидан ўтиши халқимизнинг қонунларга ҳурматини, қолаверса, уларнинг амалий ҳаётдаги ижросини мустақкамлайди.

¹ *Мирзиёев Ш. М.* Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислохотларнинг ташаббускори ва асосий ижросиси бўлиши керак // <http://uza.uz> 12.07.2017

² *Одилқориев Х.Т., Тультеев И.Т.* Икки палатали парламент / Қайта ишланган ва тўлдирилган 2-нашр. — Т., 2005. — Б.104.

³ Ўша жойда.

³ «Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида»ги (2000 йил 14 декабрь) Ўзбекистон Республикаси қонуни. Мазкур қонунга Ўзбекистон Республикаси 03.12.2004 й. 714-П-сон қонунига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 2001, —№ 1-2. —14-м.)

Ш. А. Қулматов,

ИИВ Академияси жиноят-процессуал ҳуқуқ кафедраси доценти, юридик фанлар номзоди, доцент

ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ ПРОЦЕССУАЛ МАЖБУРЛОВ БИЛАН ЎЗARO БОҒЛИҚЛИГИ ВА ФАРҚЛИ ЖИҲАТЛАРИ

Аннотация. Мақолада жиноят-процессуал мажбуриятларнинг процессуал мажбурлов билан боғлиқлиги ва фарқли жиҳатлари баён этилган.

Таянч тушунчалар: процессуал ҳуқуқ, процессуал мажбурият, процесс иштирокчилари, процессуал мажбурлов чоралари, жавобгарлик.

Взаимосвязь и различия между уголовно-процессуальной обязанностью и процессуальным принуждением

Аннотация. В статье рассматриваются взаимосвязь и различия между уголовно-процессуальной обязанностью и процессуальным принуждением.

Ключевые слова: процессуальное право, процессуальная обязанность, участники процесса, меры процессуального принуждения, ответственность.

Relationship and difference between procedural criminal liability and procedural compulsion

Annotation. The article deals with the relationship and difference between procedural criminal liability and procedural compulsion.

Key words: procedural law, procedural liability, participants of the process, procedural compulsion measures, responsibility.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, одил судловга эришиш даражасини ошириш орқали фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини янада ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш давлат сиёсатининг асосий (устувор) йўналиши сифатида белгиланди. Ушбу Фармонга кўра 2017 йилнинг 1 апрелидан жиноятни содир этишда гумон қилинган шахсларни ушлаб туриш муддати 72 соатдан 48 соатга қисқартирилиши, қамоққа олиш ва уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораларини қўллашнинг, шунингдек

дастлабки терговнинг энг кўп муддати 1 йилдан 7 ойга қисқартирилиши, почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш ва эксгумация қилиш учун санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши, судларга қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш рад этилганда муқобил эҳтиёт чораларини қўллаш ҳуқуқининг берилиши назарда тутилди. Бу эса мамлакатимизда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг «Ислоҳот — ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун»¹ деган эзгу ғоясини амалга ошириш ишлари изчил давом этаётганига гувоҳ бўлиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19-моддасида фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақамлаб

қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсизлиги, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмаслиги, Конституциянинг 25-моддасида эса ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эгалиги, ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмаслиги белгиланган.

Асосий қонунимиздан келиб чиқиб, Жиноят-процессуал кодекснинг 18-моддасида (фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш) жиноят ишини юритиш учун масъул барча давлат органлари ва мансабдор шахслар жиноят процессида қатнашаётган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишлари шартлиги, ҳеч ким суд қарорига асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмаслиги, фуқароларнинг шахсий ҳаёти, турар жойлари дахлсизлиги, ўзаро ёзишмалари, телеграф алоқалари ва телефон орқали сўзлашувларининг сир сақланиши қонун билан қўриқланиши, шахс эгаллаб турган турар жой ёки бошқа бино ва ҳудудда тинтув ўтказиш, олиб қўйиш, кўздан кечириш, алоқа муассасаларида почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш ва уларни олиб қўйиш, телефонлар ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб борилаётган сўзлашувларни эшитиб бориш фақат Жиноят-процессуал кодексда белгиланган ҳолларда ва тартибда амалга оширилиши жиноят процессининг принципларидан бири сифатида белгилаб қўйилган.

Жиноят-процессуал кодекснинг юқорида қайд этилган моддаси жиноят процессида процесс иштирокчиларининг Конституцияда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликлари фақат жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда чекланиши мумкинлигини англатади. Ушбу зарурат, авваламбор процесс иштирокчиларининг зиммасига юклатилган процессуал мажбуриятларни ўз вақтида ёки умуман бажармаслиги билан боғлиқдир. Масалан, ЖПКнинг 66-моддасида гувоҳ суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг чақирувига биноан узрсиз сабабга

кўра келмаган тақдирдагина қонун ҳужжатида белгиланган мажбуриятини бажармаганлиги учун мажбурий келтириш процессуал мажбурлов чораси қўлланишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг «Жиноят процесси иштирокчилари» деб номланган иккинчи бўлимида процесс иштирокчилари жиноят ишини юритишдаги ҳуқуқий мақомига кўра қўйидаги тоифаларга бўлинган:

– жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар, яъни судья, прокурор, терговчи ва суриштирувчи;

– жиноят ишини юритишда иштирок этувчи жамоат бирлашмалари, жамоалар ва уларнинг вакиллари – жамоат айбловчиси, жамоат ҳимоячиси;

– жиноят процессида ўз манфаатларини ҳимоя қиладиган шахслар. Ҳимоячилар ва вакиллар – айбланувчи, гумон қилинувчи, ҳимоячи, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар, вакил ва қонуний вакил;

– жиноят процессида иштирок этувчи бошқа шахслар – гувоҳ, гувоҳнинг адвокати, эксперт, мутахассис, таржимон ва холислар.

Қонунда уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари акс этган. Эътиборли жиҳати шундаки, Жиноят-процессуал кодексда судья, прокурор, терговчи ва суриштирувчидан ташқари барча иштирокчиларнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгиланган, судья, прокурор, терговчи ва суриштирувчининг эса фақат процессуал ваколатлари белгиланган. Аммо судья, прокурор, терговчи ва суриштирувчининг процессуал мажбуриятлари Жиноят-процессуал кодекснинг қатор моддаларида, яъни тарқоқ ҳолда ифодаланган. Масалан: ЖПКнинг 11-моддаси (Қонунийлик), 15-моддаси (Жиноят ишини қўзғатишнинг муқаррарлиги), 17-моддаси (Шахснинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш) ва бошқа нормалар мазмунида ишни юритувчи юқорида номлари келтирилган мансабдор шахсларнинг фаолиятига хос мажбуриятлар кўзга ташланади.

Хар қандай жиноят-процессуал ҳуқуқ кимга тегишли бўлса, ўша процесс иштирокчиси томонидан ихтиёрий равишда амалга оширилади. Процессуал мажбуриятларни эса уларнинг ҳаммалари бажаришлари шарт. Процесс иштирокчилари томонидан процессуал мажбуриятлар ўз вақтида ёки умуман бажарилмаганда маълум бир жавобгарлик, мисол учун жиноий (ёлғон гувоҳлик бермаслик мажбуриятини бажармаган бўлса), маъмурий жавобгарлик (шахсий кафиликка олувчи айбланувчининг муносиб хулқ-атворда бўлишини таъминлаш мажбуриятини бажармаган бўлса) ҳамда процессуал мажбурлов чоралари (жабрланувчи терговчининг чақирувига биноан ҳозир бўлиш мажбуриятини бажармаганлиги учун) қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг тўртинчи бўлими процессуал мажбурловга бағишланган (26-боб). Унда процессуал мажбурловнинг қуйидаги турлари, яъни «Ушлаб туриш» (27-боб), «Эҳтиёт чоралари» (28-боб), «Лавозимдан четлаштириш» (29-боб), «Мажбурий келтириш» (30-боб), «Шахсни тиббий муассасага жойлаштириш» (31-боб), «Процесс иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш. Суриштирув, дастлабки тергов ва судда процессуал мажбуриятлар ҳамда тартибни бузганлик учун жавобгарлик» (32-боб) билан боғлиқ нормаларни ўз ичига олади. Айнан мазкур нормалар процессуал мажбуриятларни қўллаш асосларини келтириб чиқаради. Лекин қонунда айнан «процесс иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш. Суриштирув, дастлабки тергов ва судда процессуал мажбуриятлар ҳамда тартибни бузганлик учун жавобгарлик» чораларининг процессуал мажбурлов турларига киритилгани жиноят процессида мунозарали ҳолатни келтириб чиқарган. Чунки, фикримизча, биринчидан, «Процесс иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш» ҳамда «Суриштирув, дастлабки тергов ва судда процессуал мажбуриятлар ҳамда тартибни бузганлик учун жавобгарлик» жиноят-

процессуал ҳуқуқнинг алоҳида институтлари ҳисобланади;

иккинчидан, «Процесс иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш» ҳамда «Суриштирув, дастлабки тергов ва судда процессуал мажбуриятлар ҳамда тартибни бузганлик учун жавобгарлик» процессуал мажбурлов турлари ҳисобланмайди.

Бундай ғояни илгари суришимизнинг сабаби ушбу институтларнинг мазмун-моҳиятида процессуал мажбурлов хусусиятига эга элементлар учрамайди. Зеро, Жиноят-процессуал кодекснинг 213-моддасида процессуал мажбурлов чораларини қўллаш учун жиноят процесси иштирокчиси тергов ёки суд ҳаракатларини амалга оширишга тўсқинлик қилаётган; ўзига юклатилган мажбуриятларни бажармаётган бўлса; шунингдек гумон қилинувчи, айбланувчининг келгусида жиноят содир этишининг олдини олиш ва ҳукм ижросини таъминлаш учун зарур бўлса, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ушбу кодексда белгиланган ҳолларда ҳамда тартибда мажбурлов чораларини қўллашга ҳақли деган қоида назарда тутилган.

Шу боис, фикримизча, процесс иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ нормаларни Жиноят-процессуал кодексдан чиқариб, «Жабрланувчилар, гувоҳлар ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун билан тартибга солиш мақсадга мувофиқдир. Бундай хулоса ривожланган хорижий давлатларнинг қонунчилик тажрибасига мос бўлиб, одил судлов даражасини янада оширишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексидagi «Процессуал мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик» деб номланган 271-модда талабига кўра, процесс иштирокчилари ва бошқа (иштирокчилар гуруҳига киритилмаган) шахслар зиммаларига юклатилган процессуал мажбуриятларни бузганликлари учун қонунда назарда тутилган жавобгарликка тортиладилар. Мазкур норма таҳлилидан

қуйидаги хулосалар келиб чиқади: *биринчидан*, процесс иштирокчилари томонидан процессуал мажбуриятлар бузилмайди, балки улар процессуал мажбуриятларни тўғридан-тўғри бажармайди. Шунинг учун ЖПК 271-моддасининг номини «Процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарлик» деб, иккинчи қисм биринчи хат бошидаги «бузганликлари» сўзини эса «бажармаганликлари» деб ўзгартирган маъқул; *иккинчидан*, қонунда айнан мажбуриятларни бажармаганлик учун аниқ жавобгарлик белгиланиши лозим, акс ҳолда процессуал мажбуриятлар ўз аҳамиятини йўқотади, бунинг натижасида одил судловни амалга ошириш жараёнига путур етади; *учинчидан*, ушбу моддада процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарликдан ташқари мажбуриятларни мажбурий тарзда бажартириш қоидаси ҳам назарда тутилган. Масалан, жабрланувчилар ва гувоҳлар суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ёки суднинг гувоҳлантиришдан, экспертизадан ўтиш, эксперт текшируви учун намуналар тақдим этиш тўғрисидаги қонуний талабларини бажаришдан бош тортганликлари учун (хусусан, ЖПКнинг 145, 180, 192-моддаларига мувофиқ) улар бу текширувлардан мажбурий тарзда ўтказилади, улардан текшириш ва экспертиза ўтказиш учун мажбурлов йўли билан намуналар олиниши мумкин. Мазкур тергов ҳаракати иштирокчисининг мажбурияти мажбурий келтириш йўли билан, яъни процессуал мажбурлов қўллаш орқали амалга оширилади.

Процессуал мажбурлов тўғрисида сўз юритганда, Г.З.Тўлаганованинг «жиноят процессида бажарилмаган мажбуриятларни мажбурий бажартириш бу процессуал мажбурлов чорасидир»², деган ўринли фикрига қўшилмасликнинг иложи йўқ.

Процессуал мажбурлов чоралари қуйидаги ҳолларда қўлланади:

биринчидан, жиноят судловини амалга оширишга қўмақ берадиган (гувоҳ сифатида сўроқ қилинадиган мутахассис, таржимон, эксперт) ҳамда содир этилган жиноятдан

ҳимояланишга муҳтож (жабрланувчи) шахслар ўзларига юклатилган мажбуриятларни бажармаганда;

иккинчидан, гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи тергов ва суд ҳаракатларини ўтказишга халал бериши эҳтимоли пайдо бўлганида;

учинчидан, гумон қилинувчи, айбланувчининг келгуси жинойий фаолиятининг олдини олиш ва ҳукм ижросини таъминлаш зарурати юзага келганида;

тўртинчидан, процессуал мавқега эга бўлмаган шахс тергов ёки суд ҳаракатларини амалга оширишга тўсқинлик қилаётганида³.

Бинобарин, процессуал мажбурлов чоралари турларига қуйидагилар киради:

- ушлаб туриш;
- эҳтиёт чоралари;
- лавозимдан четлаштириш;
- мажбурий келтириш;
- шахсни тиббий муассасага жойлаштириш.

Жиноят-процессуал мажбуриятларнинг процессуал мажбурлов билан бевосита боғлиқлигини қуйидагиларда кўриш мумкин: Жиноят-процессуал кодексда «жиноят процессида ўз манфаатларини ҳимоя қиладиган шахслар» ва «жиноят процессида иштирок этувчи бошқа шахслар», яъни жиноят процесси иштирокчиларидан гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳлар келтирилган. Гумон қилинувчи ва айбланувчига суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг қақирувига биноан ҳозир бўлиш, дастлабки тергов ва суд муҳокамасида иштирок этиш мажбуриятини бажармаганида мажбурий келтириш, далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, гувоҳларни кўндиришга уриниш ва бошқа қонунга хилоф ҳаракатлар билан ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилмаслик мажбуриятини бажармаганда эса ушлаб туриш ёки қамоққа олиш ёхуд уй қамоғида сақлаш, лавозимдан четлаштириш каби процессуал мажбурлов чоралари қўлланилиши мумкин. Бундан ташқари, айбланувчи ўзига нисбатан танланган эҳтиёт чорасидан келиб чиқадиган

мажбуриятни бажармаганида унга нисбатан оғирроқ турдаги эҳтиёт чораси қўлланилади.

Юқорида таъкидланганидек, процессуал мажбурлов чораси тизимига киритилмаган, лекин мажбурлов хусусиятига эга бўлган процессуал ҳолатлар ҳам учрайди. Масалан, гувоҳлантириш, эксперт текшируви учун намуналар олиш, экспертиза ўтказиш учун тиббий муассасага жойлаштириш ҳақидаги суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарорлари ва суднинг ажримлари ижросига тўсқинлик қилиш мажбуриятни бажармаслик ҳисобланади. Шунингдек, олиб қўйиш ва тинтув ўтказиш каби тергов ҳаракатларини амалга оширишга қаршилик қилиш ҳам мажбуриятни бажармаслик сифатида баҳоланиб, ЖПКнинг 145, 157, 158, 159, 180, 192-моддалари талабларига мувофиқ — мажбурий тарзда ижроси таъминланади.

Жабрланувчи ва гувоҳ суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг чақирувига биноан ҳозир бўлиш мажбуриятини бажармаганда эса уларга нисбатан мажбурий келтириш процессуал мажбурлов чораси қўлланилади.

Бундан ташқари, жиноят процесси иштирокчилари гуруҳига киритилмаган, лекин эҳтиёт чораси талабларига риоя этиш мажбурияти юкланган шахслар ҳам мавжуд бўлиб, буларга шахсий кафиликка олувчи шахс ёки шахслар, вояга етмаганларни кузатув остига олувчи ота-оналар, васийлар, ҳомийлар, болалар муассасасининг маъмурияти киради. Улар айбланувчи, судланувчининг муносиб хулқ-атворда бўлишига кафилик мажбуриятини зиммаларига олади (ЖПК 251, 252, 253-моддалари). Улар процессуал мажбуриятларини бажармаса, МЖТКнинг 48, 207, 208-моддаларига мувофиқ маъмурий жавобгарликка тортилади.

Процесс иштирокчилари мажбуриятларни бажармаган ёки ҳақиқатан ҳам бажармаганлигига етарли асослар бўлган тақдирдагина суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судьяга қонунда белгиланган тегишли мажбуриятларни бажартириш чораларини кўриш масъулияти юклатилади. Агар суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судья асоссиз равишда мажбурлов чорасини қўлласа, шахсинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилиши, айрим ҳолларда уларга зарар етиши мумкин. Бундай вазиятда ваколатли мансабдор шахс ғайриқонуний ҳаракати келтириб чиқарган оқибатга қараб интизомий ёки жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин. Шу боис процесс иштирокчиларига нисбатан жиноят ишини юритишга масъул бўлган мансабдор шахслар томонидан қонун ҳужжатларидаги асос ва тартибларга риоя қилган ҳолда процессуал мажбурлов чорасини қўллашга масъулият билан қараш талаб этилади. Албатта, бу борада идоравий назорат, прокурор назорати ўз вақтида ва сифатли ўрнатилиши талаб этилади.

Хулоса қилиб айтганда, процессуал мажбурлов чоралари процессуал мажбуриятлар билан узвий бўлиб, процесс иштирокчиларининг зиммасига қонун билан юклатилган процессуал мажбуриятларни ўз вақтида ва тўлиқ бажаришларини таъминлаш воситаси сифатида хизмат қилади. Бу, ўз навбатида, жиноят процесси ҳар бир босқичининг самарали кечишига, охир-оқибатда одил судловнинг ўз вақтида амалга оширилиши, суднинг муҳим қонуний, асосли ва адолатли ҳукми қабул қилинишига имкон беради. Бир сўз билан ифодалганда, одил судлов даражасини ошириб, суд орқали ижтимоий адолат тантана қилишига мустаҳкам замин яратилади.

¹ Каримов И.А. Она юртимиз бахти иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир. — Т., 2015. — 304 б.

² Тўлаганова Г.З. Жиноят процессида эҳтиёт чораларининг қўлланиши муаммолари. — Т., 2005. — 192 б.

³ Норбутаев Э.Х. Жиноят процесси. Умумий қисм. — Т., 2013. —Б. 67.

ТЕРГОВ БЎЛИНМАЛАРИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИГА ДОИР ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация. Мақолада ички ишлар органларининг тергов бўлинмалари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари, қонунчиликдаги казусли ҳолатлар таҳлил қилинган ҳамда ушбу фаолиятнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар берилган.

Таянч тушунчалар: ички ишлар органларининг тергов бўлинмалари, суриштирув, дастлабки тергов, суриштирувчи, терговчи, жиноят ишини юритишга масъул давлат органлари ва мансабдор шахслар, ҳуқуқбузарлик, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси.

Совершенствование правовых основ профилактической деятельности следственных подразделений

Аннотация. В статье анализируются правовые основы профилактической деятельности следственных подразделений органов внутренних дел, казусы и проблемы в законодательстве и вносятся предложения по совершенствованию правовых основ в этой сфере.

Ключевые слова: следственные подразделения органов внутренних дел, дознание, предварительное следствие, дознаватель, следователь, государственные органы и должностные лица, ответственные за производство по уголовному делу, правонарушение, профилактика правонарушений.

Improvement of legal basis of preventive activity of investigation departments

Annotation. The article analyses legal basis of implementation of prevention of offences by investigation departments under the organs of internal affairs, incidents in legislation and the author elaborates proposals on improvement of legal basis of this activity.

Key words: investigation departments under the organs of internal affairs, inquiry, preliminary investigation, investigator, state organs and authorities who are responsible for criminal case, prevention of offences.

Мустақиллик йилларида миллий қонунчиликни такомиллаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш мақсадида ўтказилаётган тизимли ислоҳотлар, айниқса, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида амалга оширилаётган комплекс чора-тадбирлар натижасида юртимизда ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш ҳамда криминоген вазият барқарорлигини мустаҳкамлашга эришилгани дунё ҳамжамияти томонидан тан олинмоқда. Хусусан, «...ўтган 2017 йил давомида ҳуқуқбузарликларни барвақт профилактика қилиш ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида кенг кўламли тадбирлар олиб борилганлиги натижасида мамлакатимизда жиноятчиликнинг умумий кўрсаткичи 15,7 фоизга камайишига эришилди, 1,2 минг маҳаллада бирорта ҳам жиноят содир этилишига йўл қўйилмади»¹.

Албатта, бундай ижобий натижалар негизида мазкур йўналишда амалга оширилган давлат сиёсатининг икки жиҳати — мустаҳкам ҳуқуқий асослар яратилганлиги ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимининг доимий ва тизимли меҳнати ётганлигини эътиборга олиш даркор.

Таъкидлаш жоизки, охириги йилларда мамлакатимизда жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш соҳаларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш мақсадида «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида», «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида», «Ҳуқуқбузарликлар профилак-

тикаси тўғрисида», «Ички ишлар органлари тўғрисида» қонунлар қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни (2014 йил 14 май)да хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар, муассасалар ҳамда уларнинг ваколатлари белгиланиб, «хуқуқбузарликлар профилактикаси» ибораси расман қўлланила бошланди.

Мазкур қонунда «хуқуқбузарликлар профилактикаси – хуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, хуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек хуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган хуқуқбузарликлар умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виктимологик профилактикасининг хуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлари тизими» эканлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев юрт тараққиёти ва фаровонлигини таъминлаш, давлат ва жамият ривожини янги босқичга кўтариш ишларини ташкиллаштириш доирасида хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини оширишга алоҳида ёндашиб, Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида: «Биз «Адолат – қонун устуворлигида» деган тамойил асосида жамиятимизда қонунга ҳурмат, хуқуқбузарлик ҳолатларига мурасизлик ҳиссини кучайтиришга қаратилган ишларимизни жадал давом эттирамиз. Бу борада хуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилади»², – деб таъкидлагани бежиз эмас.

Маърузада билдирилган фикрларни рўёбга чиқариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони асосида қабул қилинган «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта

устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратилиб, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишлар белгиланди. Унинг иккинчи устувор йўналиши – «Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-хуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш» – доирасида жиноятчиликка қарши курашиш ва хуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизими самарадорлигини ошириш вазифаси юклатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2017 йил 14 март) қарорида хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи органлар фаолияти ҳамда уни мувофиқлаштиришнинг янги тартиби ва механизмлари амалиётга жорий этилиб, хуқуқбузарликларнинг самарали профилактикасини амалга ошириш барча давлат идоралари ва ташкилотларининг устувор вазифаси этиб белгиланди⁴.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2017 йил 10 апрель) фармони, «Ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги (2017 йил 12 апрель) ва «Ички ишлар органларининг жиноятларни тергов қилиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2017 йил 12 апрель) қарорлари ва бошқа бир қанча норматив-хуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари қатори ички ишлар органлари тергов бўлинмаларининг хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш борасидаги вазифалари белгилаб берилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 7 февралдаги 60-сонли қарори билан тасдиқланган «Хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасаларнинг мансабдор шахслари томонидан расмий огоҳлантиришни чиқариш тартиби тўғрисидаги низом»га кўра расмий огоҳлантириш масъул шахс томонидан ўз хизмат вазифасини бажараётган пайтда, олиб борилаётган профилактик тадбирлар жараёнида, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда чиқарилади.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2017 йил 25 августдаги буйруғи билан тасдиқланган «Ички ишлар органлари томонидан хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш тартиби тўғрисида Йўриқнома»да ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари қатори тергов бўлинмаларига ҳам хуқуқбузарликларнинг *умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимологик* профилактикасини бевосита амалга ошириш вазифаси юклатилиб, уларда хизмат олиб бораётган терговчи, суриштирувчи ва бошлиқлар ички ишлар органларининг шахсга *расмий огоҳлантириш* эълон қилиш ваколатига эга мансабдор шахслар рўйхатига киритилди.

Шундай экан, жиноят ишини юритишнинг ягона тартибини белгилаб берувчи Ўзбекистон Республикаси ЖПКда жиноят ишини юритишга масъул давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишлари учун қандай хуқуқий асослар мавжуд? Бунинг учун ЖПКнинг «Жиноятларнинг олдини олиш чоралари» деб номланган олтинчи бўлимига мурожаат қиламиз. Ушбу бўлим битта боб ва беш моддани (296, 297, 298, 299 ва 300-мм.) қамраб олган.

Мазкур моддаларда жиноят ишларини юритишда суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноятнинг сабабларини ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлашлари, уларни бартараф қилиш чораларини кўриш тўғрисида тегишли давлат органи ва бошқа жамоатчилик ташкилотларига ёки мансабдор шахсга тақдимнома киритиши, суд эса хусусий ажрим чиқариб, жиноятнинг

сабаби ва унга имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини кўришни талаб қилиши ҳамда тақдимнома ёки хусусий ажримларнинг ижроси мажбурий эканлиги тўғрисидаги талаблар белгиланган⁵. Бу эса хуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси доирасида таъминланади.

Шу ўринда, Ўзбекистон Республикасининг «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунига эътибор қаратадиган бўлсак, ваколатли орган ёки мансабдор шахснинг жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги ёхуд реабилитация қилмайдиган асослар бўйича жиноят ишини кўзгатишни рад этиш тўғрисидаги, терговчининг ёки прокурорнинг айбланувчига нисбатан қамоққа олиш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чораси танлаш тўғрисидаги қарорлари шахсни профилактик ҳисобга қўйиш учун асослар сифатида киритилган. Ваҳоланки, ушбу қарорларни тегишли ижрочиларга юбориш тартиби ва муддати бирор-бир қонун ёки норматив хуқуқий ҳужжатда белгилаб қўйилмаганлиги ўзига нисбатан жиноят иши тугатилган ёхуд реабилитация қилмайдиган асослар бўйича жиноят иши кўзгатиш рад этилган шахсларнинг, шунингдек қамоққа олиш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чораси танланган айбланувчиларнинг ўз вақтида профилактик ҳисобга олинишини таъминлай олмайди.

Бундан ташқари, амалдаги ЖПКда жиноят ишини юритишда хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасини амалга оширилиши ҳамда *расмий огоҳлантириш* эълон қилиниши лозим бўлган жиноят процесси иштирокчиларининг доираси белгилаб қўйилмаганлиги терговчи ва суриштирувчилар томонидан ушбу турдаги профилактик тадбирларни амалга оширишда процесс иштирокчилари (жабрланувчи, гувоҳ, гумон қилинувчи ва айбланувчи ҳамда уларнинг ҳимоячилари) ўртасида турли тушунмовчиликлар келтириб чиқаради.

Таҳлиллардан кўриниб турибдики, амалдаги ЖПК ҳамда хуқуқбузарликлар профилактикасига оид қонунлар, фармон, қарор ва бошқа норматив-хуқуқий ҳужжат-

лар ўртасида номувофиқликлар мавжудлиги ички ишлар органлари тергов бўлинмаларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишларида бир қатор муаммо ва қийинчиликлар вужудга келтирмоқда. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси ЖПКга қўйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

биринчидан, 2-модданинг иккинчи қисмидаги «жиноятларнинг олдини олишга» деган сўзларни «ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ва унинг профилактикасига» деган жумла билан алмаштириш;

иккинчидан, «Жиноятларнинг олдини олиш чоралари» деб номланган олтинчи бўлимни «Жиноят ишини юритишда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси» деб қайта номлаш;

учинчидан, 84-моддани қўйидаги таҳрирдаги олтинчи қисм билан тўлдириш:

«Ушбу моддада кўрсатилган асослар бўйича жиноят ишини тугатиш ёки жиноят иши қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги қарор нусхаси ушбу шахсни профилактик ҳисобга қўйиш учун унинг яшаш манзили бўйича ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмасига юборилади, ушбу модда биринчи қисмининг 3, 4, 5-бандларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно»;

тўртинчидан, 236-моддани қўйидаги таҳрирдаги тўртинчи қисм билан тўлдириш:

«Айбланувчи ёки судланувчига нисбатан қамоққа олиш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт

чораси танланганида, эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақидаги қарор нусхаси ушбу шахсни профилактик ҳисобга қўйиш учун унинг яшаш манзили бўйича ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмасига юборилади».

бешинчидан, 240-моддани қўйидаги таҳрирдаги бешинчи қисм билан тўлдириш: «Айбланувчи, судланувчига нисбатан илгари танланган қамоққа олиш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чораси бекор бўлганида, шунингдек қамоққа олиш ёки уй қамоғи эҳтиёт чорасига ўзгартирилган тақдирда, қарор нусхаси унинг яшаш манзили бўйича ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмасига юборилади».

олтинчидан, ЖПКни қўйидаги таҳрирдаги 297¹-модда билан тўлдириш:

297¹-модда. Жиноят ишини юритишда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш

«Суриштирувчи, терговчи ва прокурор томонидан жиноят ишини юритишда ҳуқуқтартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш борасида ҳуқуқбузарликлар умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виктимологик профилактикасининг ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирларини бевосита амалга оширадilar.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги «2017–2011 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги Фармони // Халқ сўзи. – 2018. – 23 янв.

² Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва фаровонлигининг гарови // Халқ сўзи. – 2016. – 8 дек.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. – № 6. – 70-м.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. – № 12. – 184-м.

⁵ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (2017 йил 1 июль кунига қадар ўзгартиш ва қўшимчалар билан). Расмий нашр. – Т., 2017. – Б. 186–187.

О. А. Камалов,

ИИВ Академияси фуқаролик-ҳуқуқий фанлар кафедраси бошлиғи, юридик фанлар доктори, доцент;

Б. А. Ражабов,

ИИВ Академияси жиноят ва жиноят-ижроия ҳуқуқи кафедраси бошлиғи, юридик фанлар номзоди

МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТНОМАСИНИНГ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА ТОВАРЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация. Мақолада амалдаги қонунчиликка мувофиқ маҳсулот етк азиб бериш шартномасининг тартиби ва амал қилиш муддатларининг хусусиятлари таҳлил қилинган. Муаллифнинг тадқиқотлари асосида бозор ислоҳотлари ва иқтисодий либераллаштиришни янада чуқурлаштиришга қаратилган амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича аниқ таклифлар шакллантирилган.

Таянч тушунчалар: маҳсулот, (маҳсулот) етказиб бериш шартномаси, товар, фуқаровий ва ҳуқуқий жавобгарлик, бозор иқтисодиёти, фуқаролик ва ҳуқуқий шартнома.

Особенности товаров в качестве объектов договора поставки

Аннотация. В статье проанализированы характерные особенности порядка и сроков действия договоров поставки согласно действующему законодательству. На основе проведенного исследования автором сформулированы конкретные предложения по совершенствованию действующего законодательства, направленные на дальнейшее углубление рыночных реформ и либерализации экономики.

Ключевые слова: товар, договор поставки, исполнение обязательств, гражданско-правовая ответственность, рыночная экономика, гражданско-правовой договор.

Specific features of commodity as an object of the contract delivery

Annotation. The article deals with the characteristic features of order and expiration dates of the contract delivery under the legislation in force. The author formulates some concrete proposals on the basis of the investigation on perfection of legislation in force directed further deepening market reforms and liberalization of economy.

Key words: commodity, delivery contract, discharge of obligations, civil and legal liability, market economy, civil and legal contract.

Ҳар қандай давлатда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга қаратилган зарур шарт-шароитларнинг яратилиши ушбу соҳанинг мамлакат ялпи ички маҳсулот ҳажмидаги улуши ортиб боришини, ўз навбатида, маҳсулот етказиб бериш шартномасининг замон талаблари асосида такомиллаштириб борилишини тақозо этади.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида таъкидлаганидек, «бозор шароитида маҳсулот етказиб берувчи ҳам, истеъмолчи ҳам ўз шартнома мажбуриятларини тўлиқ бажариши керак. Акс ҳолда, бир жойда депсиниб, бошимиз муаммодан чиқмайди. Иқтисодий-

да бошқарув тизими эскиргани, инновацион ғояларни қўллаб-қувватлаш бўйича самарали механизмлар ўз вақтида жорий қилинмагани ҳам жиддий муаммо бўлиб қолмоқда. Шунингдек, технологик қолоқлик, ресурс ва энергияни тежайдиган технологиялар, муқобил энергия манбаларини татбиқ этишнинг сустиги ҳам иқтисодий тараққиёт йўлида тўсиқ бўлмоқда»¹.

Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳимоя қилиш ва ривожлантириш масаласи, ҳозирги куннинг энг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириб бориш, ўз

навбатида, маҳсулот етказиб бериш шартномасининг объекти бўлган товарлар доирасининг ҳам кенгайиб кетишига сабаб бўлмоқда. Бу эса, ўз навбатида, маҳсулот етказиб бериш шартномасининг объекти бўлган товарлар хусусиятини аниқлаш, унда иштирок этувчи шахсларнинг шахсий ва мулкӣ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда бу борадаги қонунчилик нормаларини янада такомиллаштириб боришни талаб этади. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожлантиришни таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони² мазкур соҳадаги давлат сиёсатини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.

Фуқаролик кодекснинг 437-моддасида маҳсулот етказиб бериш шартномасининг объекти «ишлаб чиқариладиган ёки сотиб олинадиган товарлар», яъни хусусий ва турга хос аломатларга эга товарлар экани назарда тутилган. Айни пайтда ушбу қонуннинг мазмунида қонун чиқарувчи айнан «товар» атамасини қўллаганига эътибор бериш лозим. Олди-сотди шартномасини тартибга солишга қаратилган Фуқаролик кодексининг 386–387-моддалари мазмунида эса олди-сотди шартномасининг объекти маҳсулот етказиб бериш шартномасига қараганда кенг эканлиги кузатилади. Хусусан, олди-сотди шартномаси бўйича ашёлар (товарлар)ни, яъни хусусий ва турга хос аломатлари бўлган ашёларнинг сотилишини назарда тутати. Бу ўринда муҳим жиҳатга — «товар» тушунчаси олди-сотдига нисбатан бирликда, маҳсулот етказиб бериш шартномасига нисбатан эса кўпликда қўлланилганига эътибор қаратиш лозим. Фикримизча, бу бежиз эмас, яъни қонун чиқарувчи маҳсулот етказиб бериш шартномаси доирасида товарларни улгуржи сотиш устувор аҳамиятга эгаллигига урғу берган.

Айни пайтда олди-сотди шартномаси объектининг маҳсулот етказиб бериш

шартномаси объектидан фарқли жиҳатлари мавжуд. Жумладан, олди-сотди шартномасида кўчмас мулк объектини доимо хусусий аломатларга эга ашёлар, яъни кўчмас мулк белгиларига жавоб берадиган, аниқроқ айтганда, ер ресурслари билан боғлиқ ашёлар ташкил қилади. Контракция шартномасида эса фақат қишлоқ хўжалигига йўналтирилган товарлар объект бўлади. Чакана олди-сотди шартномасининг объектини — тадбиркорлик фаолияти учун эмас, балки аҳоли истеъмоли учун мўлжалланган товарлар; энергия таъминоти шартномасининг объектини эса энергия маҳсулотлари ташкил этади. Маҳсулот етказиб бериш шартномасида эса мулкӣ ҳуқуқлар, кўчмас мулк, қимматли қоғозлар ва валюта шартнома объекти бўла олмайди³.

ФКнинг 437-моддасида маҳсулот етказиб берувчи (сотувчи)нинг сотиб олувчига мулк қилиб топшириш мажбурияти белгиланмаган. Назаримизда, ушбу ҳолатда олди-сотдининг объектига нисбатан бошқа ашёвий ҳуқуқларга эга шахслар (масалан, унитар корхоналар, ўз номидан ва бошқа шериклар номидан товарни сотиб олувчи оддий ширкат шартномасининг иштирокчиси) шартнома тарафлари сифатида қатнашиши мумкинлиги ҳисобга олинганлигини таъкидлаш жоиз.

Бошқача айтганда, маҳсулот етказиб бериш шартномаси бўйича товар бошқа тарафга нафақат мулк қилиб топширилиши, балки хўжалик юритиш ҳуқуқи (ФКнинг 176-моддасига мувофиқ — унитар корхоналар) ёки оператив бошқариш ҳуқуқи (ФКнинг 178-моддасига мувофиқ — давлат корхоналари ва муассасалари) асосида фойдаланишга топширилиши ҳам мумкин. Ушбу ҳолатлар, ўз навбатида, сотиб олувчида вужудга келадиган ашёвий ҳуқуқларнинг турлари нуқтаи назаридан маҳсулот етказиб бериш шартномасининг улгуржи олди-сотди шартномасидан фарқли жиҳатларини аниқлашга имконият яратади⁴.

Айни пайтда, бозор муносабатлари шароитида давлатга тегишли юридик

шахсларнинг оператив бошқариш ва ҳўжалик юритиш ҳуқуқи ҳақида сўз борганда, С.Б. Холбаев «давлат билан корхона ўртасидаги мулкӣ-ҳуқуқӣ муносабатларда бир-бирларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар ҳисобланмасалар-да, корхонанинг мустақил мулкӣ жавобгарлиги таъминланиши учун давлат кафолат бериши»ни⁵ таъкидлайди. Назаримизда, ушбу фикр баҳслидир, зеро, нима учун давлат юридик шахс мақомига эга бўлган корхонанинг мустақил мулкӣ жавобгарлиги таъминланиши учун кафолат бериши керак, деган савол туғилади. М.Х. Боротов давлат ва унга тегишли юридик шахсларнинг ўзаро муносабатлардаги иштирокидан келиб чиқадиган мажбуриятлар юзасидан жавобгарликни аниқлаш баҳслилигича қолаётганлигини, бу борада уларнинг жавобгарлиги ўртасидаги фарқ ва чегарани аниқлаш, субсидиар ва солидар жавобгарлиги ҳолати мезонларини белгилаш лозимлигини эътироф этади⁶.

Олди-сотди шартномасидан келиб чиқадиган ҳуқуқӣ муносабатларда объектларнинг иккита тури мавжуд бўлиб, биринчи турдаги объектларга мажбур бўлган шахснинг ҳаракатлари киради. Иккинчи турдаги объектларнинг ўрнини эса мазкур ҳаракатлар натижасида берилиши лозим бўлган ашё эгаллайди. Кўриниб турибдики, олди-сотди шартномасининг объекти бевосита товар (унинг номи ва миқдори)ни ҳамда тарафларнинг шартномадан келиб чиқадиган тегишли хатти-ҳаракатларини қамраб олади. Бу ўринда шартноманинг объекти шартномадан келиб чиқадиган мажбуриятнинг объекти бўлиб, у ўзида мажбур тарафнинг бажариши (ёки бажаришдан ўзини сақлаши) лозим бўлган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик)ни ифода этади дейиш мумкин. Олди-сотди шартномасининг объекти сотувчининг товарни сотиб олувчига мулк қилиб топшириш бўйича, сотиб олувчининг эса ушбу товарни қабул қилиш ҳамда унга белгиланган суммани тўлаш бўйича ҳаракатидир.

Демак, олди-сотди шартномаси амалга ошириладиган шартномалар туркумига

киради, ушбу шартнома бўйича мажбурият объекти сотувчи (ишлаб чиқарувчи, улгуржи савдо ташкилоти)нинг сотиб олувчи (улгуржи савдо ташкилоти, чакана савдо ташкилоти)-га товарни мулк қилиб топшириш бўйича ҳаракатлари ва сотиб олувчининг ушбу товарни қабул қилиш ва унинг ҳақини тўлаш бўйича ҳаракатлари ҳисобланади, деган хулосага келиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 356-моддасига асосан, ашёлар ёки мол-мулкнинг сифати ва миқдори, ассортимент ва бутлиги ҳақида ФКнинг бошқа бўлимларида белгиланган талабларга ҳамда уларнинг бошқа шартномаларга, шу жумладан маҳсулот етказиб бериш шартномасига нисбатан қўлланилишига мурожаат қиладиган бўлсак, у ҳолда «ушбу шартларсиз шартнома ҳақида сўз юритилиши мумкин эмас», деган хулосага келиш мумкин. Бошқача айтганда, шартноманинг объекти «нимани ва қанча» бериш кераклигини белгилайди.

Айни пайтда объект бошқа шартномаларга нисбатан ўзида хатти-ҳаракатларни қамраб олишини инobatга олиш лозим. Чунончи, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаларига назар ташлайдиган бўлсак, айрим олимлар «хизмат кўрсатувчи ҳаракатларининг фойдали натижаси товар ҳисобланса-да, у моддий-ашёвий шаклга эга бўлмайди», «қоюда бўйича ҳаракатнинг ашёвий натижаси эмас, балки ҳаракатнинг ўзи предмет ҳисобланади», «хизматлар кўрсатиш бўйича мажбуриятларда контрагентлардан бири бошқасига моддий натижани ташкил этиш билан боғлиқ бўлмаган, балки бошқа ҳар хил самараларга эришишга қаратилган муайян ишни юритишни топширади», «муайян ҳаракатни содир этиш ёки муайян фаолиятни амалга ошириш ҳақ эвазига хизмат кўрсатишнинг ўзига хос белгилари ҳисобланади», «бу турдаги шартномаларнинг индивидуал предмети моддий объектлар бўлмаслиги керак», «бу тоифа шартномалар ўз моҳиятига кўра, турли-туман ҳаракат ва фаолиятдан иборат бўлиб, қонунда уларнинг тўла рўйхати берилмаган, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш

шартномасининг объекти бошқа хизматлар бўлиши ҳам мумкин»⁷, деган фикрларни илгари сурадилар. Шу ўринда, ушбу масалани монография даражасида тадқиқ этган Н.С.Нарматов «таҳлил қилинаётган шартнома предмети хизматларни (хизматни) кўрсатиш бўйича буюртмачи ва ижрочи ўртасидаги муносабатлар, ҳақ эвазига хизмат кўрсатилиши натижасида номоддий натижага эришиш нуқтаи назаридан белгилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 703-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш зарур»⁸ деган хулосага келади.

Шундай қилиб, объект ҳақидаги шарт ҳар қандай шартнома учун муҳим бўлиб, бу борада объектнинг мазмуни шартноманинг тури ва мақсадига боғлиқ.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, шартноманинг предмети ФКнинг 81-моддасида санаб ўтилган фуқаролик ҳуқуқларининг объектлари бўлишини таъкидлаш мақсадга мувофиқдир. Бу ўринда миллий қонунчилигимизда олди-сотди шартномасининг предмети ФКнинг 387-моддасида илк маротаба белгиланган бўлиб, унга кўра, олди-сотди шартномаси бўйича ҳар қандай ашё ФКнинг 82-моддаси қоидаларига асосан товар бўлиши мумкин. Бундан ташқари, ФКнинг 437-моддасига мувофиқ, маҳсулот етказиб беришда сотувчи ўзи ишлаб чиқарадиган ёхуд сотиб оладиган товарлар шартнома предметиدير.

Шу билан бирга, шартнома объекти билан бир қаторда, шартномада муҳим вазифаларни амалга оширувчи предмет таркибий тузилишининг бир қатор элементлари мавжудлигига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Мазкур ҳолат, жумладан, товарнинг ассортименти билан боғлиқ бўлиб, унга тавсиф беришда муайян масалалар вужудга келади.

Биринчиси — «товар ассортименти» ва «товар номи» атамаларининг ўзаро алоқадорлигини кўриб чиқиш масаласи. Жумладан, ФКнинг 445-моддасида «бир номдаги товарларни маҳсулот етказиб бериш шартномасида назарда тутилганидан кўпроқ миқдорда етказиб бериш шу ассортиментга кирадиган

бошқа номдаги тўлиқ етказиб берилмаган товарлар ўрнини тўлдириш сифатида ҳисобга олинмаслиги» белгиланганлиги, ўз навбатида, қонун чиқарувчи томонидан ушбу тушунчаларнинг бир-бирини инкор этишини кузатиш мумкин. Бизнингча, мазкур ҳолат қонуний ечимини кутаётган масаладир. Чунки, ассортимент товарнинг тури, модели, ўлчами каби йўналишлар бўйича аниқлаштиришга хизмат қилади.

Иккинчиси — маҳсулот етказиб бериш шартномасида «ассортимент» атамасини қўллаш билан боғлиқ масала. «Ассортимент» — товарларнинг чакана олди-сотдисида оид шартномаларда кенг қўлланиладиган атама. Бу ўринда, назаримизда, маҳсулот етказиб бериш шартномасида (ФКнинг 437-моддаси тадбиркорлик фаолияти мақсадига йўналтирилганлиги боис) «номенклатура» атамаси қўлланилиши лозим. Айни пайтда мазкур ҳолатни «ассортимент»нинг товар тури, модели, ўлчами, ранги ва бошқа белгилари бўйича тавсифланганлиги, яъни истеъмол товарларига боғланганлиги ўз аксини топган ФКнинг 400-моддаси талаблари ҳам тасдиқлашини эътиборга олиш лозим.

Бинобарин, юқорида таъкидлаб ўтилган ҳолатлардан кўриниб турибдики, маҳсулот етказиб бериш шартномасини ҳуқуқий тартибга солишда унинг объекти қандай таркибий тузилишга эгаллигига эътибор қаратиш зарур. Зеро, юридик адабиётларда маҳсулот етказиб бериш шартномасининг предмети фуқаролик муомаласидан чиқарилмаган турга хос аломатлари билан белгиланган ашёлар бўлиши мумкинлигига оид фикрлар учрайди. Бу ўринда Н.И. Клейннинг «маҳсулот етказиб бериш шартномасининг предмети фақат янги ашёлар бўлиши лозим»⁹ деган фикрига қўшила олмаймиз. Назаримизда, бунда ашёларнинг «эскирганлик» даражаси муҳим эмас: маҳсулот етказиб бериш шартномасининг предмети илгари фойдаланишда бўлган ашёлар ҳам бўлиши мумкин.

Сотиб олувчи тарафлар томонидан келишилган айни бир товарни олишни истаган ҳолларда қарздор ихтиёрий равиш-

да ўз зиммасига олган мажбуриятини бажармаган тақдирда мулк эгаси ФКнинг 11-моддасига биноан, ўзининг бузилган ҳуқуқини тиклаш юзасидан судга мурожаат қилишга ва мажбуриятни аслича (натура ҳолда) бажаришни қарздор зиммасига юклаш орқали лозим даражада бажарилишини талаб қилишга ҳақлидир.

Бу борада мажбуриятни аслича (натура ҳолда) бажаришга мажбур қилишни талаб қилиш ҳуқуқи сотиб олувчида мажбурият предмети хусусий аломатлари билан белгиланадиган ашёлар бўлган тақдирдагина сақланади. Мажбурият предмети турга хос аломатлари билан белгиланадиган ашёлар бўлса, кредитор олинган муайян суммага мустақил равишда худди шундай ашёни сотиб олиши мумкинлигини қонун талаблари инкор этмайди.

Бундан ташқари, бозор иқтисодиёти шароитида маҳсулот етказиб бериш шартномалари орқали товарларнинг аҳамияти ошиб бораётган бир пайтда, унинг стратегик жиҳатдан муҳимлигини таъкидлаш ўринлидир. Шу билан бирга, шартнома тузишга мажбур қилиш ҳақидаги талаб фақат судга мурожаат қилиш орқали амалга оширилишини, ушбу ҳолларда бузилган ҳуқуқни ҳимоя қилишнинг бошқа шакллари қўлланилмаслигини эътиборга олиш зарур (ФК 377-м. 6-қ.).

Шу билан бирга, ФКнинг 11-моддасида ўз аксини топган фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуллари рўйхатида «шартнома тузишга мажбур қилиш» ўз ифодасини топмаган. Тўғри, ушбу моддада белгиланган рўйхат унда «фуқаролик ҳуқуқлари қонунда назарда тутилган бошқача усуллар билан ҳам ҳимоя қилиниши мумкин»лиги белгиланганлиги сабабли, «шартнома тузишга мажбур қилиш» усулини киритиш аҳамиятга эга эмас, деган хулосага келиш мумкин. Аммо, бузилган ҳуқуқларни ҳимоя қилишнинг юқорида қайд этилган усулини қўллаш даражаси ва унинг муҳимлигини ҳисобга олиб, назаримизда, ФКнинг 11-моддасида ҳимоя қилишнинг қуйидаги усулини ҳам баён этиш мақсадга мувофиқ бўлади:

«суд қарори асосида шартнома тузишга мажбур қилиш, башарти контрагент Қонун талабларига мувофиқ ёки ихтиёрий равишда ўз зиммасига мажбурият олганлиги сабабли, ушбу шартномани тузишга мажбур бўлган ҳолларда».

Хулоса қилиб айтганда, олди-сотдининг бир тури сифатида маҳсулот етказиб бериш шартномасининг объектига оид миллий қонунчилик нормаларини товарлар ишлаб чиқариш, уни технологик, ташкилий ҳамда етказиб беришнинг ўзига хос жиҳатларини инобатга олган ҳолда такомиллаштириш давр талабидир.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси // Халқ сўзи. — 2017. — 23 дек.

² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — 2016. — № 40. — 467-м.

³ *Ҳикматов А.* Маҳсулот етказиб бериш шартномаси ва унинг хусусиятлари // *Korxonani boshqarish* — Управление предприятием. — 2012. — № 9. — Б. 29.

⁴ *Изоҳ.* Оператив бошқариш ҳуқуқи ва хўжалик юритиш ҳуқуқи чекланган ашёвий ҳуқуқлардир. Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 178-моддасига шарҳ // Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси биринчи қисмига шарҳ. — Т., 2010.

⁵ *Холбаев С.Б.* Тўла хўжалик юритиш ҳуқуқининг субъекти сифатида корхонанинг мулкӣ-ҳуқуқӣ лаёқати: Юрид. фан. номз. ... дис. автореф. — Т., 1994. — Б. 70.

⁶ *Боротов М.Х.* Фуқаролик-ҳуқуқӣ муносабатлар субъекти сифатида давлат иштирокининг назарий ва амалӣ муаммолари: Юрид. фан. д-ри ... дис. автореф. — Т., 2003. — Б. 35.

⁷ *Отахонов Ф.* Фуқаролар ва хўжалик юритувчи субъектларга юридик хизмат кўрсатиш тушунчаси ва моҳияти // «Ўзбекистон Фуқаролик кодексига 10 йил: тажриба ва ривожланиш истиқболлари: Халқаро илмӣ-амалӣ конференция материаллари (2007 йил 27–28 ноябрь). — Т., 2008. — Б. 200.

⁸ *Нарматов Н.С.* Хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятини фуқаровий-ҳуқуқӣ тартибга солиш муаммолари: Юрид. фан д-ри ... дис. — Т., 2009. — Б.149–150.

⁹ *Клейн Н.И.* Договор поставки // Законодательство и экономика. — 1997. — № 7–8. — С. 38.

МАЖБУРИЯТЛАР ТИЗИМИДА ОМОНАТ САҚЛАШНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Аннотация. Мақолада мажбуриятлар тизимида омонат сақлаш муносабатларининг тутган ўрни, аҳамияти, ўзига хос жиҳатлари таҳлил қилинган.

Таянч тушунчалар: бозор иқтисодиёти, мулк, ашё, мажбурият, омонат сақлаш.

Место правовых отношений хранения в системе обязательств

Аннотация. В статье анализируется место правовых отношений хранения в системе обязательств, его значение и особенности.

Ключевые слова: рыночная экономика, собственность, вещь, обязательство, хранение.

Specific features of commodity as an object of supply agreement

Annotation. The article analyses the role and specific features of storage property in the system of obligation.

Key words: market economy, property, object, obligation, storage.

Ривожланган бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий муомала субъектлари ўртасидаги муносабатлар шартномалар ва улар асосида вужудга келадиган мажбуриятларга асосланади. Шу боис мажбуриятларга оғишмай амал қилиниши иқтисодий алоқалардаги барқарорлик ва шартномалар интизомини таъминлашга хизмат қилади. Омонат сақлаш шартномаси ҳам ўзгага тегишли мол-мулкни муайян муддат мобайнида бут сақлаш хизматини кўрсатишга қаратилган мажбуриятларни ифода этади ва уларни таъминлаш орқали мулкдорнинг мулккий манфаатлари амалга оширилади. Яъни, омонат сақловчи ўзига топширилган мол-мулкни бут ва шикаст етказмаган ҳолда юк топширувчи (мулкдор)га қайтариши лозим бўлади. Юк топширувчи (мулкдор)нинг ўз мол-мулкни бошқа бировга эмас, балки фақат мана шу шахсга ишониб топшириши омонат сақлаш шартномасининг мажбуриятлар тизимидаги ўрнини белгиловчи омиллардан бири ҳисобланади.

Маълумки, мажбуриятлар муайян натижага эришиш, масалан, бирор ашёни олиш, тайёрлаш ёки таъмирлаш учун тузилади.

Зеро, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг мажбурият ҳуқуқий муносабатига киришишларининг асосий сабаби ҳам уларнинг ўзлари учун зарур моддий неъматларни қўлга киритишлари, ўз эҳтиёжларини қондиришларидир. Шундай экан, мажбурият ҳуқуқи институтининг илмий-назарий таҳлили ва мажбуриятларнинг хусусиятларини таҳлил қилиш асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1) мажбурият — фуқаролик муомаласининг асосий ва бирламчи воситаси. Зеро, у орқали фуқаролик-ҳуқуқий муносабат, қолаверса, фуқаролик-ҳуқуқий муомала амалга ошади;

2) мажбурият — моддий неъматлар ҳаракатланишини таъминлайдиган ҳуқуқий муносабат. Айнан ана шу ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг мол-мулклари ҳуқуқий асосларда ҳаракатга келиши, бир шахсдан иккинчи шахсга ўтиши мумкин;

3) мажбурият ва унинг асосий ҳуқуқий шакли бўлмиш шартнома — бозор муносабатлари шароитидаги иқтисодий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солувчи восита, чунки мажбурият ва шартномада бозор

иштирокчиларининг бир-бирларига нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятлари шартномада ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштирилади;

4) мажбурият – ҳуқуқий муносабат сифатида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига чуқур кириб борган бўлиб, ҳуқуқ соҳаларининг бошқа институтларида бу ҳол кузатилмайди.

Шу жиҳатдан қараганда, омонат сақлаш шартномаси мажбуриятлар тизимидаги бошқа шартномалардан қуйидаги жиҳатлари билан фарқ қилади:

1) у мулкнинг титулли эгалиги юзага келадиган мажбуриятдир¹;

2) хизмат кўрсатиш муносабатлари таркибига кириди;

3) ўзаро ишончга асосланган;

4) ҳуқуқий белгиларига кўра: бир ёки икки томонлама, текин ва пулли, реал ва консенсуал, профессионал ва оддий турларга бўлинади.

Амалиётнинг кўрсатишича, иқтисодиётнинг шиддат билан ривожланаётган ва истиқболли соҳаларидан бири хизмат кўрсатиш соҳаси бўлиб, хизматларнинг тез ривожланиши бугунги иқтисодий вазиятда ўзининг алоҳида жиҳатлари билан ажралиб туради.

Ижтимоий алоқалар тезлашиб бораётган ҳозирги шароитда турли соҳаларда вакиллар, шу жумладан омонат сақловчиларнинг роли ортиб бормоқда. Улар жумласига ваколат берган шахс қонунда белгиланган муайян ҳолатларда (масалан, шахс ўз мол-мулкига вақтинча ўзи эгалик қила олмаганида) ўзининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини мустақил ва шахсан амалга ошира олмаганида қўлланиладиган кундалик ҳаётдан тортиб, вакил, омонат сақловчиларнинг фаолияти уларнинг махсус билимга эгалиги сабабли қисқа муддатларда муайян мақсадга эришиши ва транзакциявий чиқимларни камайтириши билан боғлиқ бўлган профессионал фаолиятгача кириди.

Маълумки, шу сабабли мажбурият омонат сақлаш институтининг таркибий қисми сифатида замонавий бозор иқтисодиётининг ажралмас унсури ҳисобланади, бино-

барин, омонат сақлаш бозорнинг асосий вазифаси бўлган товарлар, ишлар ва маблағларнинг эркин қайта тақсимланишига самарали таъсир кўрсатади. Шу сабабли, омонат сақлашнинг замонавий иқтисодий ва ҳуқуқий инфратузилмасини шакллантириш Ўзбекистонда бозор тузилмаларини шакллантиришнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Қадимги ҳуқуқда омонат сақлаш институти (замонавий кўринишда) мавжуд бўлмаган, ҳолбуки қадимги Римдаги *mandatum* (топшириқ шартномаси) нафақат қитъа ҳуқуқи давлатларида, балки умумий ҳуқуқ мамлакатларида ҳам ушбу институтнинг вужудга келиши учун манба ҳисобланган. Топшириқ шартномаси асосида мандатарий (ишонч билдирилган шахс) бошқа шахс манфаатларини кўзлаб битим тузиши, процессуал ҳаракатларни бажариши мумкин бўлган².

Ўрта асрларда савдонинг ривожланиши ва савдогарлар синфининг шаклланиши бошқа шахс манфаатлари учун ҳаракат қиладиган вакиллар фаолиятининг жадаллашувига туртки бўлган. Тадқиқотлар жараёнида аниқланишича, ушбу омил сабабли ўрта асрларда савдо консуллари, денгиз ва савдо агентлари пайдо бўлган. Улар ҳақидаги дастлабки ёзувлар XIV асрда бир қатор давлатлар (Испания, Франция) қонунчилиги ва одатлар тўпламида қайд этилган.

В.Ё.Эргашевнинг фикрича, мулкдор бўлмаган шахснинг эгалиги, вужудга келиш асосига кўра, қонуний ва ноқонуний бўлиши мумкин. Ўз асосида бирор ҳуқуқий асос (титул)га эга бўлган эгалик қонуний эгалик қилиш деб топилади. Шу боис, қонуний эгалик қилиш аксарият ҳолларда титулли эгалик қилиш деб юритилади. Титулли эгалик қилувчининг эгалик қилиш ҳуқуқи доимо мулк ҳуқуқидан ҳосила тарзда вужудга келади. Шу боис мулкдорга тегишли эгалик қилиш ҳуқуқини мулкдор бўлмаган шахсга ўтказиш учун бирор ҳуқуқий асос талаб этилади. Хусусан, ижарачи, гаровга

олувчи, мол-мулкни ишончли бошқарувчи титулли эгалик қилувчилар ҳисобланиб, уларнинг эгалик қилиши тегишли шартномаларга асосланган бўлади³.

И.Б.Зокировнинг фикрига кўра, қонуний эгаллаш бирор ҳуқуқий асосга мувофиқ эгалик сифатида баҳоланади ва аксарият ҳолларда титулли эгалик ҳисобланади⁴.

Фикримизча, «титулли эгалик» атамасини омонат сақловчига нисбатан ҳам қўллаш мумкин. Чунки омонат сақлаш шартномасида омонат сақловчида муайян муддатга мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқи ҳам ўтади ва у эгалик қилувчи сифатида мол-мулкнинг тасодифан нобуд бўлмаслиги учун жавобгар бўлиши билан бирга, ҳар қандай шахсдан мулк ҳуқуқи бузилмаслигини талаб қилишга ҳақли бўлади. Шу боис омонат сақловчи мол-мулкнинг титулли эгаси ҳисобланади.

Омонат сақловчи юк топширган мулкдорнинг мол-мулкни муайян муддат сақлаб бериш орқали унга ўзига хос хизмат кўрсатади. Бошқача айтганда, омонат сақловчи мол-мулкнинг нобуд бўлмаслиги, шикастланмаслиги ва бутлигини таъминлашга қаратилган ҳаракатларни амалга оширади. Бу ҳаракат юк топширувчи учун хизмат кўрсатиш ҳисобланади. Чунки, хизмат, энг аввало, муайян моддий ёки номоддий эҳтиёжни қаноатлантиришга қаратилган фаолият ҳисобланади. Омонат сақлаш билан боғлиқ фаолият мол-мулкни сақлаб туришга қаратилган ҳаракатлардан ташкил топади.

Бинобарин, мутахассисларнинг ёзишларича, хизмат кўрсатиш доираси – аҳолининг тобора ўсиб бораётган моддий эҳтиёжларини қондириш ҳамда аҳолига моддий-ашёвий хизмат кўрсатиш доираси билан белгиланади. Хизмат доираси эса ашёвий хизмат кўрсатиш кўлами билан фарқланади. «Аҳолига хизмат кўрсатиш» ашёвий хизмат кўрсатиш билан бирга маълум бир юридик оқибатларга, ҳуқуқ ва бурчларга эга бўлишни ҳам билдиради. «Аҳолига хизмат кўрсатиш» ашёвий ва ноашёвий хизмат кўрсатишни ифодалайди. Бунга мисол қилиб юридик ёки амалдаги ҳаракатларга оид шартномалар,

топшириқ, йўловчи, багаж ва юк ташиш, экспедиция, омонат сақлаш шартномаларини кўрсатиш мумкин⁵.

Омонат сақлаш шартномасининг мажбуриятлар тизимидаги ўзига хос ўрни унинг ишончга асосланган ҳуқуқий муносабатлар жумласига кириши билан ҳам боғлиқдир. Хусусан, омонат сақлаш шартномаси *фидуциар* (латн. *fiduciary* – ишонч) битимлар жумласига киради. Ҳ.Раҳмонқуловнинг фикрича, бундай битимлар тарафларнинг ўзаро ишончига асосланади. Масалан, топшириқ, воситачилик, мол-мулкни ишончли бошқариш, оддий ширкат шартномалари тарафларининг ўзаро муносабатлари шахсий ишонч асосида вужудга келади⁶.

Э.Н.Усмановнинг фикрича, фидуциар битим деганда битим иштирокчилари ўртасидаги ички муносабатларни ташқи муносабатлардан ажратиш талаб этиладиган ва натижада битим иштирокчиларидан бири муайян натижани қўлга киритадиган битим тушунилади. Бундай битим иштирокчиларидан бири бошқасига иқтисодий нуқтаи назардан ишонар экан, унга кўпроқ ташқи ваколатлар беради ва бу ваколатлар ички муносабатлардан келиб чиқади⁷.

Фикримизча, юк топширувчи омонат сақловчига ўз мол-мулкни ишониб топширар экан, омонат сақловчи ушбу мол-мулкка нисбатан ҳар қандай ташқи таъсирни инкор этиш ваколатига эга бўлади. Қолаверса, омонат сақловчи мол-мулкка салбий таъсирни инкор этиш билан бирга, ушбу мол-мулкни ҳар қандай шахснинг ноқонуний эгалигидан талаб этиш (виндикацион даъво) ҳуқуқига ҳам эга ҳисобланади. Ўзаро ишончга асосланган шартнома сифатида омонат сақлаш шартномаси мулкка нисбатан эгаликнинг омонат сақловчига ишониб топширилишида намоён бўлади. Шу боис омонат сақловчи сақлашга топширилган ашёнинг тўлиқ сақланишини таъминлаш учун омонат сақлаш шартномасида назарда тутилган, шунингдек бошқа барча зарур чораларни кўриши шарт (ФК 880-м. 1-қ.).

Мутахассислар ушбу ҳолатга изоҳ берар экан, қуйидаги фикрни билдирадilar: омонат сақловчи ашёнинг ўғирланиши, ишдан чиқиши, шикастланиши ёки учинчи шахслар томонидан йўқ қилинишига йўл қўймаслиги, бунинг учун барча зарур чораларни кўриши лозим. Бундай чораларнинг ҳажми ва хусусияти қатор омилларга боғлиқ. Жумладан, сақлаш учун қабул қилинган ашёнинг тури, омонат сақлаш шартномасидан кўзланган аниқ мақсад, унинг ҳақ эвазига тузилиши, омонат сақлашнинг профессионал фаолият сифатида амалга оширилиши кабилар сақлаш учун кўриладиган чораларга таъсир қилади⁸.

Мулкдор — юк топширувчи — ўз мол-мулкни омонат сақловчига ишониб топширганлиги натижасида омонат сақловчи мазкур ҳаракатларни амалга оширишга ҳақли бўлади. Шу боис омонат сақлаш шартномаси бўйича мол-мулк муайян муддат давомида омонат сақловчида қолдирилади.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, ашёни сақлаш ўзига хос амалий ҳаракатларда

намоён бўлади ва бу ҳаракатни амалга оширишга ҳақли шахс, яъни омонат сақловчида мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқи бўлмайди. «Ашёни сақлаш» ашёвий ҳуқуқлар тизимида ўзига хос ўринга эга категория саналади. Бир қатор хорижий мамлакатларда ашёни сақлаш алоҳида ҳуқуқ сифатида эътироф этилади. Ўзбекистон қонунчилиги бўйича ашёни сақлаш мулкка эгалик қилишнинг таркибий қисми ҳисобланади. Хусусан, ашёни сақлаётган шахс ҳар қандай шахсдан ашёга нисбатан муайян тажовузларни тўхтатишни ёки мулкдорнинг ҳуқуқларини бузмасликни талаб қилишга ҳақли ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида, ашёни сақлаш мажбурияти мулкка эгалик қилиш ҳуқуқининг муайян элементларини ҳам ифодалашини кўрсатади. Бироқ ҳар қандай ҳолатда ҳам ашёни сақлаш ҳаракати ҳуқуқ эмас, балки мажбурият ҳисобланади ва ушбу мажбурият зиммасида бўлган шахс томонидан юридик эмас, асосан фактик (амалий) ҳаракатларни амалга оширишни тақозо этади.

¹ Гражданско-правовое регулирование отношений возмездного оказания услуг: Монография. — Екатеринбург, 2001. — 67 с.

² Митюков К.А. Система римского гражданского права. — М., 2001. — С. 260.

³ Эргашев В.Ё. Ўзбекистон Республикасида мулк ҳуқуқининг долзарб муаммолари ва ривожланиш истиқболлари. — Т., 2008. — Б. 27.

⁴ Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи: Дарслик. I қисм / Масъул муҳаррир: Ҳ.Раҳмонқулов: Қайта ишланган ва тўлдирилган бешинчи нашр. — Т., 2009. — 324 б.

⁵ Мўминов Т.А. Ҳақ эвазига хизмат кўрсатишининг фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиниши: Юрид. фан. номз. ... дис. автореф. — Т., 2006. — Б. 19.

⁶ Раҳмонқулов Ҳ.Р. Битимлар. — Т., 2009. — Б. 43.

⁷ Усманова Э.Н. Проблемы договорного обеспечения агентских отношений: Дис. ... канд. юрид. наук. — Т., 2010. — С. 71.

⁸ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳ Т. 3. / Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. — Т., 2013. — Б. 35.

Ж. А. Незматов,

*и.о. профессора Филиала ФГБОУ ВПО «Российский экономический университет
имени Г.В.Плеханова» в г.Ташкенте, доктор юридических наук*

КЛАССИФИКАЦИЯ И ХАРАКТЕРИСТИКА ТРАНСНАЦИОНАЛЬНЫХ ПРЕСТУПНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ

Аннотация. В статье анализируются детерминанты транснациональной организованной преступности, рассматриваются мнения зарубежных ученых, в том числе автора, об основных причинах возникновения данного вида преступности, ее признаках, угрозах общественной безопасности, актуальности ее предупреждения.

Ключевые слова: организованная преступность, транснациональная преступность, детерминанты, угрозы безопасности.

Трансмиллий жиноий ташкилотларнинг таснифланиши ва тавсифи

Аннотация. Мақолада трансмиллий уюшган жиноятчиликнинг детерминанталари таҳлил қилинган, хорижий олимлар, жумладан муаллифнинг ушбу турдаги жиноятлар келиб чиқишининг асосий сабаблари, мазкур жиноятларнинг белгилари, жамоат хавфсизлигига таҳдидлари, уларнинг олдини олишнинг долзарблигига оид фикр-мулоҳазалари кўриб чиқилган.

Таянч тушунчалар: уюшган жиноятчилик, трансмиллий жиноятчилик, детерминанталар, хавфсизликка таҳдид.

Classification and characteristics of transnational criminal organizations

Annotation. The article is devoted to the determinants of transnational criminal organizations, opinions of foreign scientists and the author are distinguished on the main reasons of the origin of this type of crime, its signs, threats to public safety and topicality its prevention.

Key words: organized crime, transnational crime, determinations, security threat.

В мировой криминологической литературе для обозначения участников транснациональной организованной преступной деятельности многие авторы употребляют различные термины. Так, Э.Иванов использует термин «транснациональные преступные корпорации»¹; Р.Годсон и В.Олсон — «международные преступные организации»²; Л.Шейли — «транснациональные организованные преступные группы»³. Однако, большинство криминологов используют термин «транснациональные преступные организации»⁴.

Соглашаясь с мнением большинства, следует иметь в виду, что понятие «между-

народные преступные организации» фактически является тождественным понятию «транснациональные преступные организации», поскольку значение «международный» и «транснациональный» в данном контексте несут одинаковую смысловую нагрузку, т.е. указывают на то, что эти организации действуют за пределами одного государства.

Обозначение же участников транснациональной организованной преступной деятельности, как «транснациональных преступных корпораций» и «транснациональных организованных преступных групп», представляется, сужает их круг, поскольку в первом

случае действие корпораций в основном находится в сфере экономики и смежных с ней сферах, во втором ограничивается количеством участвующих в ней лиц. Транснациональные преступные организации имеют намного более широкий спектр криминальной активности и некоторые характеристики, не присущие корпорациям и организованным преступным группам (например, семейная или этническая основа), хотя по организации деятельности и структуре во многом на них похожи.

Между тем, В.А. Номоконов для обозначения участников транснациональной организованной преступной деятельности, наряду с «транснациональными преступными организациями» употребляет термин «транснациональные преступные сообщества» как равнозначный⁵.

В целом же, стоит признать, что некоторые различия в обозначении участников транснациональной организованной преступной деятельности имеют в основном терминологический характер.

В то же время, большой интерес представляет собой классификация участников транснациональной организованной преступной деятельности по различным основаниям.

Как уже указывалось, многие криминологи предпочитают описание участников транснациональной организованной преступной деятельности через характеристику транснациональных преступных организаций. В рамках этого подхода выделяются три основных типа транснациональных преступных организаций: основная группа транснациональных преступных организаций; группа малых транснациональных преступных организаций и транснациональные террористические группы.

Описание основной группы транснациональных преступных организаций большинством криминологов приводится в отношении структуры и деятельности транснациональных преступных организаций, имеющих

глобальные сети. Как правило, речь идёт об итальянской мафии, японской якудза, китайских триадах, колумбийских картелях, русской мафии. Отдельные авторы включают в основную группу либо нигерийские организованные преступные группы⁶, либо мексиканские картели, известные как мексиканская федерация⁷.

В группу малых транснациональных преступных организаций входят криминальные организации, не являющиеся столь разветвлёнными, но имеющие не менее высокоорганизованную структуру и определённую специализацию, что позволяет им работать совместно или для организаций «большой шестерки». Пути осуществления такого сотрудничества сходны с работой основных и дочерних компаний. Этот тип включает группы, базирующиеся в Панаме, Пуэрто-Рико, Доминиканской Республике и на Ямайке. Не без оснований иногда сюда относятся и нигерийские группы, так как они в основном состоят из специалистов, используемых организациями «большой шестерки» для разнообразной транснациональной преступной деятельности, хотя основным занятием для них остается контрабанда наркотиков⁸.

К третьему типу относятся террористические группы, которые используют транснациональную преступную деятельность как средство финансирования их политических целей. Сюда можно отнести известные террористические организации: Японскую красную армию, Революционные вооруженные силы Колумбии, Народную Ирландскую республиканскую армию и др.

Однако не все исследователи этой проблемы исходят из описанной выше классификации. Большинство предпочитает характеризовать такие организации, основываясь на других классификационных критериях. Например, с точки зрения географического расположения базовых структур (европейская, азиатская, африканская)⁹, либо рассматривая в качестве критерия национальную принадлежность

большинства членов таких организаций (итальянская, китайская, японская, нигерийская, колумбийская и т.п.)¹⁰, либо с точки зрения проникновения транснациональных организаций на территорию страны, где уже имеются свои аналогичные преступные структуры (традиционная и нетрадиционная).

Интересно ранжирование субъектов, предложенное В.Номоконовым, который выделяет три их вида, классифицированных в зависимости от уровня и характера организации. Нижний уровень представляют преступные организации и преступные сообщества, имеющие транснациональный характер деятельности; средний — «это организации, т.е. юридические лица»; и высший — это криминально-государственные организации, «в которых государство и его органы тайно используют преступные способы, средства, связи с преступными элементами для выполнения тех или иных задач»¹¹.

Соглашаясь с выделением нижнего и высшего уровней субъектов транснациональной организованной преступности, невозможно не заметить существенное противоречие в определении среднего уровня. Весьма сомнительно выделять в качестве субъектов транснациональной организованной преступности однозначно определённые «организации, т.е. юридические лица». В этом случае автоматически к числу участников транснациональной организованной преступной деятельности относятся все легально действующие организации и предприятия, которые могут не иметь никакого отношения не только к организованной преступной, но и просто к транснациональной деловой активности.

Не отрицая факта создания и использования легальных предприятий для прикрытия организованной преступной деятельности, стоит отметить нарушение критериев данной классификации, поскольку использование каких-либо легальных коммерческих структур преступными организациями и сообществами в собст-

венных интересах, несомненно, является методом осуществления преступной деятельности, а не видом субъектов транснациональной организованной преступности.

Исходя из вышеназванных критериев, более правильной представляется двухуровневая классификация субъектов транснациональной организованной преступности, состоящая из транснациональных преступных организаций, а также объединения преступных организаций и отдельных представителей государства.

Во всяком случае, приведённые классификации субъектов транснациональной организованной преступности, позволяют определить круг тех преступных организаций, которые являются участниками транснациональной организованной преступной деятельности, а потому их признаки, особенности и структура организации требуют более подробной характеристики.

Исходя из анализа признаков, транснациональной организованной преступности, можно констатировать, что некоторые из них относятся и к типичным чертам преступных организаций¹². В частности, можно назвать такие, как наличие транснациональных связей с преступными организациями в других странах и быстрая адаптация к усилению воздействия на них правоохранительных органов.

Помимо этого, транснациональные преступные организации характеризует специфическая структура организации и деятельности, ограниченное членство, семейная или этническая основа, наличие действенной и эффективной системы управления, а также монополизм на территорию или сферу деятельности и непрерывное совершенствование, как самой организации, так и её деятельности.

Обобщение этих характеристик позволяет описать имеющиеся особенности транснациональных преступных организаций, а, следовательно, определить исследуемые субъекты из множества подобных.

-
- ¹ *Иванов Э.А.* Отмывание денег и правовое регулирование борьбы с ним. – М., 1999. – С. 10-12.
- ² *Godson R., Olson W.* International criminal organizations. – SD., 1999. – P. 15-16.
- ³ *Shelley L.* The threat to world order. – SD., 1999. – P. 3-4.
- ⁴ The United nations and transnational organized crime / Ed. by P.Williams and E.Savona. – P., 1996. – 320 p.; *Richards J.R.* Transnational criminal organization, cybercrime and money laundering. – W., 1999. – 385 p.
- ⁵ *Номоконов В.А.* Транснациональная преступность: экспансия, диагностика. – Е., 2000. – 153 с.
- ⁶ The United nations and transnational organized crime / Ed. by P.Williams and E.Savona. – P., 1996. – 320 p.
- ⁷ *Richards J.R.* Transnational criminal organization, cybercrime and money laundering. – W., 1999. – 385 p.
- ⁸ *Richards J.R.* Transnational criminal organization, cybercrime and money laundering. – W., 1999. – P. 25-26.
- ⁹ *Lyman M.D., Potter G.W.* Organized crime, 2nd ed. – P., 1999. – P. 310-356.
- ¹⁰ The United nations and transnational organized crime / Ed. by P.Williams and E.Savona. – P., 1996. – P. 13-21.
- ¹¹ *Номоконов В.А.* Транснациональная преступность: экспансия, диагностика. – Е., 2000. – С. 53-54.
- ¹² *Сотмиев И.А.* Уюшган жиноятчиликка қарши курашнинг ҳуқуқий воситалари: Ўқув қўлланма. – Т., 2005. – Б. 72; *Абдуллаев И.* Уюшган жиноятчилик тушунчасига оид фикрлар // Ҳуқуқ – Право – Law. – 2005. – № 1 – Б. 6.
-

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИГА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ

2018 йил 30 январь куни Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академиясида «XXI аср – ахборот технологиялари асри» шиори остида «Ички ишлар органлари фаолиятига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш масалалари» мавзусида конференция бўлиб ўтди.

Тадбирда Тошкент вилояти ИИБ Ахборот маркази ходимлари, Раҳбар кадрлар тайёрлаш факультети тингловчилари, Кундузги таълим ўқув курси курсантлари ва ИИБ Академияси профессор-ўқитувчилари иштирок этди.

Конференцияда «Ички ишлар органларида Президентнинг ПФ-5005-сон фармони ижроси юзасидан амалга оширилаётган янгиликлар», «Президентнинг ПФ-5005-сон фармонида ахборот хавфсизлиги масалалари», «Ички ишлар органларида фуқароларга кўрсатилаётган интерактив хизматлар», «Ягона интерактив давлат хизматлари порталига мурожаат қилиш тартиби» мавзуларида маърузалар тингланди. Маърузаларда келтирилган долзарб масалалар тадбир иштирокчилари ўртасида қизгин муҳокама қилинди. Сўзга чиқувчилар йиғилиш иштирокчиларини қизиқтирган барча саволларга атрофлича жавоб бердилар.

Конференцияда ички ишлар органлари фаолиятига давлат раҳбарияти томонидан қаратилаётган эътибор ва қўйилаётган вазифалар, уларнинг жойлардаги ижроси, ички ишлар тизимида ахборот хавфсизлиги масалалари ҳамда ички ишлар органлари томонидан фуқароларнинг мурожаатларига интерактив хизматлар кўрсатишнинг ҳолати юзасидан баҳс-мунозаралар бўлди, ўзаро фикр алмашилди.

ОСОБЕННОСТИ ОПЕРАТИВНО-РОЗЫСКНОЙ ХАРАКТЕРИСТИКИ ПРЕСТУПЛЕНИЙ, СВЯЗАННЫХ С НЕЗАКОННЫМ ОБОРОТОМ НАРКОТИЧЕСКИХ СРЕДСТВ

Аннотация. В статье рассматриваются особенности совершения преступлений, связанных с незаконным распространением наркотических средств, совершаемых в организованной форме. На основе изучения практики борьбы с данными преступлениями дается оперативно-розыскная характеристика указанных преступных формирований, знание которой необходимо сотрудникам уголовного розыска для их успешного выявления и изобличения.

Ключевые слова: незаконный оборот наркотических средств, оперативно-розыскная характеристика, оперативно-тактическая характеристика, организованные преступные формирования, устойчивость, конспирация.

Наркотик воситаларнинг ноқонуний муомалада бўлиши билан боғлиқ жиноятлар тезкор-қидирув тавсифининг хусусиятлари

Аннотация. Мақолада наркотик воситаларни қонунга ҳилоф тарзда тарқатиш билан боғлиқ жиноятларни уюшган ҳолда содир этишнинг хусусиятлари таҳлил қилинган. Ушбу жиноятларга қарши кураш амалиётини ўрганиш орқали мазкур жиноий уюшмаларнинг тезкор-қидирув тавсифи берилган. Тезкор-қидирув ходимларининг бу ҳақда билимга эга бўлиши бу турдаги жиноятларни муваффақиятли аниқлаш ва фош этиш учун муҳимдир.

Таянч тушунчалар: наркотик моддаларнинг қонунга ҳилоф тарзда муомалада бўлиши, тезкор-қидирув тавсиф, тезкор-тактик тавсиф, уюшган жиноий тузилмалар, барқарорлик, махфийлик.

Specific features of operational-search characteristics of crimes connected with drug trafficking

Annotation. The article distinguishes specific features of committing of crimes connected with drug trafficking committed in organized form. The author gives operational-search characteristics of such organized crime on the basis of investigation of practice connected with combating such types of crime and considers that it is necessary for operative workers to acquire deep knowledge about crimes connected with drug trafficking and their successful solution.

Key words: Illegal circulation of narcotics, operational-search characteristics, operational and tactical characteristics, the organized criminal formations, stability, conspiracy.

В теории оперативно-розыскной деятельности в последние годы среди ученых-специалистов происходят споры о сущности, значении и соотношении таких понятий, как «оперативно-розыскная» и «оперативно-тактическая»¹ характеристика преступлений. Необходимо отметить, что четкое определение понятийного аппарата в науке имеет принципиальное значение как для теории, так и для практической деятельности оперативных аппаратов органов внутренних дел.

В то же время изучение специальной литературы показывает различные подходы к данному вопросу среди ученых. Одни ученые, в том числе Ю.С. Пулатов, придерживаются мнения, что для определения характеристики преступлений в оперативно-розыском праве будет более правильным применение термина «оперативно-тактическая характеристика», другие ученые (к примеру, Гребельский Д.В.)² высказываются за термин «оперативно-розыскная характеристика».

Мы склоняемся ко второй точке зрения, так как следует отметить, что оперативно-розыскная характеристика преступлений в оперативно-розыскной деятельности необходима для правильной организации и тактики борьбы с преступностью, где оперативно-розыскной аспект четко выражен в необходимости использования информации (гласной и негласной) для наиболее эффективного осуществления оперативно-розыскных мер в целях повышения эффективности борьбы с преступлениями, особенно, с тяжкими замаскированными их проявлениями.

Исходя из вышеизложенного, рассмотрим оперативно-розыскную характеристику рассматриваемой преступной деятельности. Преступления, связанные с незаконным оборотом наркотических средств, особенно в сфере их распространения, в основной своей массе совершаются организованными формированиями (группами, сообществами). Данное обстоятельство связано со спецификой распространения наркотиков, когда одни лица их изготавливают, другие — приобретают их оптом, третьи — перевозят, далее осуществляются различные операции по их распространению среди потребителей. Для данного вида преступной деятельности характерным является высокая латентность. Данная особенность проявляется в том, что при совершении рассматриваемых преступлений отсутствует потерпевший, который может сообщить о фактах совершенного преступного деяния. В этом плане рассматриваемые преступления отличаются от других видов преступлений по линии уголовного розыска. К примеру, при совершении кражи, грабежа, разбоя и т.п., от потерпевших поступают заявления в органы внутренних дел, а о преступлениях, связанных с незаконным оборотом наркотических средств, никто в органы внутренних дел не сообщает, хотя практически потребители являются потерпевшими, так как наносится огромный вред их здоровью, однако они себя таковыми не считают. Учитывая, что рассматриваемая преступная деятельность

совершается тайно, замаскировано, соблюдается принцип конспирации, установить всю преступную «цепочку», задокументировать ее можно только негласными методами, с применением всех имеющихся сил и средств оперативно-розыскной деятельности.

Все лица, принимающие участие в незаконном обороте наркотиков, могут быть условно классифицированы на определенные группы. При этом одно и то же лицо в зависимости от характера совершаемых действий может быть отнесено к нескольким группам.

1. Организаторы преступных групп по незаконному обороту наркотических средств и психотропных веществ. Это, как правило, лица, пользующиеся авторитетом в криминальном мире, а также ранее судимые (прежде всего за преступления, связанные с незаконным оборотом наркотиков), хорошо ориентирующиеся в сфере оборота наркотиков. Как правило, организаторы непосредственного участия в операциях по скупке и продаже наркотиков не принимают. Они лишь финансируют эту деятельность, а также осуществляют ее прикрытие от конкурентов, получая за это вознаграждение в виде процента от прибыли (полностью деньгами либо частично — наркотиками).

2. Изготовители — лица, которые непосредственно перерабатывают наркотическое сырье или изготавливают готовые к потреблению наркотики, осуществляют их очистку от посторонних примесей (рафинирование) в целях повышения концентрации наркотика и усиления его эффекта.

3. Расхитители наркотикосодержащего сырья, наркотических средств. Как правило, это сами потребители, не имеющие материальных средств для их приобретения. Это прежде всего, ранее судимые за преступления, связанные с наркотиками, не работающие и не учащиеся наркоманы. Кроме того, хищения различными способами наркотиков могут совершаться не только для личного потребления, но и с целью их дальнейшей реализации и наживы.

4. Перевозчики – лица, осуществляющие незаконную транспортировку (перемещение) наркотических средств от мест их произрастания, изготовления или хранения к месту их дальнейшей переработки, сбыта и потребления. В качестве «перевозчиков» используются как потребители и мелкие сбытчики, так и лица, напрямую не связанные с незаконным оборотом наркотиков, в силу финансовых трудностей вынужденные заниматься перевозкой, а также лица, обладающие маршрутными возможностями (водители, работники железнодорожного, водного и воздушного транспорта и т.д.).

5. Сбытчики – лица, совершающие незаконное распространение наркотических средств. В этой группе можно выделить следующие категории участников:

«оптовые сбытчики» – лица, осуществляющие распространение наркотических средств крупными партиями (оптом) через перекупщиков и розничных сбытчиков;

«перекупщики» – лица, приобретающие наркотики у оптовиков и занимающиеся их расфасовкой и сбытом розничным торговцам. Сами могут являться наркоманями;

«розничные сбытчики» – лица, осуществляющие сбыт наркотиков потребителям непосредственно либо через посредников – «бегунков». Зачастую сами являются потребителями наркотических средств, нередко занимаются содержанием притонов для потребления наркотиков;

«посредники» («бегунки») – лица, являющиеся связующим звеном между розничными торговцами и потребителями. Как правило, сами являются наркозависимыми и предоставляют свои услуги посредников за «дозу» наркотика.

6. Притоносодержатели – лица, организующие либо содержащие притоны для потребления наркотических или психотропных веществ.

Под притоном понимается жилое (квартира, комната, дача, дом) или нежилое помещение (подвал, чердак, сарай, гараж, склад и т.п.), систематически предостав-

ляемое лицом для потребления наркотических средств или психотропных веществ.

Под организацией притона следует понимать действия, направленные на его создание, например, наем, приспособление помещения, его оборудование, а при наличии подобного помещения – привлечение лиц, желающих им воспользоваться для потребления наркотиков или психотропных веществ, сбор средств для этого, добывание наркотиков и т.п.

Содержание притона составляют действия, направленные на его материальное обеспечение, охрану, производство ремонта, организацию уборки помещения, обслуживание клиентуры и т.п. Содержатель притона может быть как владельцем помещения, так и распоряжаться им по иным основаниям.

7. Потребители – лица, приобретающие или хранящие наркотики с целью личного потребления. По степени подверженности к потреблению наркотиков их можно дифференцировать на подгруппы:

«относительного риска» – составляют лица, проявляющие нездоровый интерес к наркотическим средствам;

«повышенного риска» – составляют лица, приступившие к испытанию на себе действия наркотиков;

«злоупотребляющие» – составляют лица, допускающие систематическое употребление наркотиков, однако у них отсутствуют признаки наркомании как заболевания;

«больные наркоманией». К их числу относятся лица, у которых четко сформировалась болезненная и психическая зависимость к наркотическим средствам.

Участники незаконного оборота наркотических средств и психотропных веществ выявляются прежде всего среди:

– ранее судимых за преступления, связанные с наркотиками;

– ранее судимых за иные общеуголовные преступления;

– освобожденных от наказания либо подвергнутых наказанию в административном порядке за незаконное приобретение

либо хранение, либо потребление наркотических средств или психотропных веществ, непринятие мер по уничтожению дикорастущих растений, включенных в Перечень наркотических средств, психотропных веществ и их прекурсоров, подлежащих контролю в Республике Узбекистан, а также дикорастущей конопли;

– проходящих или прошедших принудительное лечение от наркомании в учреждениях исправительной системы, специальных наркологических отделениях системы здравоохранения, проходящих добровольное лечение в медицинских учреждениях;

– злоупотребляющих наркотиками (наркоманов);

– несовершеннолетних и молодежи из группы повышенного риска, неформальных объединений молодежи, ориентированных на потребление наркотиков или психотропных веществ;

– не занятых общественно полезной деятельностью, особенно людей молодого возраста;

– проституток, сутенеров, обслуживающего персонала увеселительных заведений (ночные клубы, кафе, рестораны);

– медицинских работников, в особенности младшего медперсонала лечебно-профилактических учреждений, работников аптек, служащих химфармпредприятий, имеющих постоянные контакты с лицами, допускающими немедицинское потребление наркотиков;

– выращивающих на садовых, приусадебных участках масличный мак, коноплю;

– занимающихся незаконным лечением либо самолечением с применением средств народной медицины, обладающих наркотическим действием.

Распространение наркотиков, особенно таких «тяжелых», как героин, осуществляется со стороны организованных преступных формирований (организованной группы или преступного сообщества). Данное обстоятельство является квалифицирующим

признаком и влечет за собой более суровое наказание. Так, в соответствии с ч.4 ст.29 УК Республики Узбекистан «Организованной группой признаётся предварительное объединение двух или более лиц в группу для совместной преступной деятельности». Таким образом, основным отличительным признаком данной формы соучастия является то, что группа объединена для занятия преступной деятельностью.

Преступная деятельность организованной группы (сообщества) имеет систематический характер, она существует за счет совершения преступлений, что свидетельствует о профессионализме как отдельного участника организованной группы, так и всей организации. Этим объясняется строгость закона в отношении организованной группы и ее членов, поскольку общественно опасные, противоправные деяния превращаются членами группы в преступную деятельность³.

Следующим присущим организованной группе специфическим признаком является её устойчивость. Под устойчивостью организованной группы понимается наличие постоянных связей между ее членами и специфических методов деятельности по подготовке или совершению одного или нескольких преступлений.

Об устойчивости группы могут свидетельствовать, в частности, предварительное планирование преступной деятельности, подготовка средств реализации преступного умысла, подбор и вербовка соучастников, распределение ролей между ними, обеспечение мер по сокрытию преступлений, подчинение групповой дисциплине и указаниям организатора преступной группы⁴.

Представляется, что устойчивости организованной группы способствует наличие организатора. Именно организатор создает группу, осуществляя подбор соучастников, распределяет роли между ними, устанавливает дисциплину и т.п.

Учитывая большую общественную опасность деятельности организатора и

активных участников распространения наркотических средств и психотропных веществ, в п.34 постановления Пленума Верховного суда Республики Узбекистан от 28 апреля 2017 г. «О судебной практике по уголовным делам, связанным с незаконным оборотом наркотических средств и психотропных веществ» разъясняется, что «строгой ответственности подлежат организаторы и активные участники, в том числе, продавцы, сбытчики наркотических средств или психотропных веществ, лица, обеспечившие ввоз в Республику Узбекистан или транзит таких средств или веществ через ее территорию, ранее судимые за аналогичные преступления, вовлекшие в эти преступления несовершеннолетних и т.д.»⁵.

На устойчивость организованной группы влияет также «круговая порука», конспирация, наличие специальных технических средств и т.д. «Круговая порука» может быть основана на таких обстоятельствах, как, например, совместное совершение участниками группы преступления ранее, включая осуждение за него по одному и тому же уголовному делу; отбывание участниками прежде наказания в одном и том же месте лишения свободы; взаимная осведомленность участников о компрометирующих друг друга материалах; использование для поддержания дисциплины в группе насилия, угроз, жестокости и т. п. Она может выступать в виде договоренности об отказе от показаний в случае разоблачения, умолчания о членах группы, их связях и действиях, о взаимной выручке и т. п.

Конспирация чаще всего выражается в использовании условных наименований и сигналов, уголовного жаргона, шифров, паролей и т. д. Общая касса — это находящиеся в распоряжении организованной группы денежные средства и иные ценности, добытые в результате преступной деятельности. Специальные технические средства — это различные подслушивающие и антиподслушивающие устройства, охран-

ная сигнализация, транспорт, которыми оснащена организованная группа.

Устойчивые преступные группы, как правило, организованы. Особенность организованной преступной группы в том, что каждый из участников выполняет ту роль, которую он может наиболее удачно осуществлять для достижения общей цели. Роль каждого определяется не стихийно, а либо заранее predetermined при подготовке к преступлению, либо сложилась практически в условиях совершения преступления на протяжении длительного времени.

Организованные преступные формирования значительно сложнее изболочить в совершении противоправных деяний, и они совершают преступления в течение длительного периода времени. Сравнительный анализ уголовных дел о преступлениях, совершенных организованными группами, показал, что такие группы значительно реже изболочаются на первоначальном этапе раскрытия противоправных деяний. Изболочаются они при совершении данной преступной деятельности в течение длительного времени.

Исследование показало, что в каждой организованной преступной группе (сообществе) складывается свой психологический микроклимат и межличностные отношения, но характер совершенных преступлений, тяжесть наступивших последствий, размер нанесенного ущерба оказывают определенное обратное воздействие, которое делает группу сплоченнее, а отношения между членами группы взаимозависимыми, настороженными, что в свою очередь ослабляет индивидуальные черты каждого и подчиняют их сложившейся преступной деятельности группы.

Вышеизложенное обуславливает необходимость обладания оперативными работниками знаниями в области психологии преступной группы, психологических особенностей формирования и развития организованной группы (сообщества) в целях ее своевременного выявления и изболочения.

¹ Мирзажанов К. Некоторые вопросы изучения организованной преступности и ее криминологическое назначение // Экстремизм, терроризм, гурухий ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш муаммолари. — Т., 1999. — С. 64–68.

² Гребельский Д.В. О соотношении криминалистических и оперативно-розыскных характеристик преступлений // Криминалистическая характеристика преступлений. — М., 1984. — С. 73.

³ Комментарий к Уголовному кодексу Республики Узбекистан. Общая часть / Рустамбаев М.Х.; Под общей ред. А.А. Палван-заде. — Т., 2004. — С. 269–270.

⁴ Транспорт воситаларини олиб қочиш ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида. Пленумнинг 1996 йил 20 декабрдаги 37-сонли қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларининг тўплами. 1991-1997: 1 жилд. — Т., 1997. — Б. 65.

⁵ Постановление Пленума Верховного суда Республики Узбекистан от 28 апреля 2017 г. «О судебной практике по уголовным делам, связанным с незаконным оборотом наркотических средств и психотропных веществ» // http://lex.uz/law_collection

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИДА КАДРЛАР БИЛАН ИШЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

2018 йил 28 февраль куни Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясида «Ички ишлар органларида кадрлар билан ишлашни такомиллаштириш истиқболлари» мазусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Давра суҳбатида Ўзбекистон Республикаси ИИВ Фахрийлар жамоат бирлашмасининг аъзолари, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Кадрлар бош бошқармаси ходимлари, ИИВ Академиясининг профессор-ўқитувчилари, Фахрийлар кенгаши раиси, Раҳбар кадрларни тайёрлаш факультети тингловчилари, кундузги таълим курсантлари, Ёнгин хавфсизлиги институти ҳамда ички ишлар органлари ходимларини бошланғич тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказлари ходимлари иштирок этди.

Тадбирда «Ички ишлар органлари тизимида кадрлар билан ишлашда маънавий-тарбиявий ишлар ҳамда «устоз-шогирд» анъаналарининг тутган ўрни ва аҳамияти», «Ички ишлар органларида шахсий таркибни тарбиялаш ва қўйилган вазифаларни ижро этишда уларни ўз ордидан эргаштириш борасида раҳбар кадрларнинг ролини ошириш», «Ички ишлар органлари тизимида ёш кадрларни хизматга ўргатиш ва маънавий-ахлоқий тарбиялашда фахрийларнинг тутган ўрни» ва «Ички ишлар органлари жамоасида соғлом маънавий-руҳий муҳитни қарор топтириш шартлари ва бу борада ходимларга қўйиладиган талаблар» мавзулари бўйича тажрибали раҳбарлар ва бой амалий салоҳият ҳамда тажрибага эга фахрийларнинг фикр-мулоҳазалари тингланди.

Юқорида баён этилган масалалар бўйича фахрийлар, профессор-ўқитувчилар таркиби ҳамда тингловчи ва курсантлар ўртасида амалий фикр алмашилди. Тадбирда кадрлар билан ишлаш муаммолари қизгин муҳокама қилиниб, бу соҳадаги фаолият самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ПАТРУЛЬ-ПОСТ ХИЗМАТИ САФ БЎЛИНМАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ ЖИХАТЛАРИ

Аннотация. Мақолада ички ишлар органларининг патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг вазифалари таҳлил қилинган ҳамда соҳани такомиллаштириш бўйича таклифлар берилган.

Таянч тушунчалар: ички ишлар органлари патруль-пост хизматининг саф бўлинмалари, саф бўлинмалари нарядлари.

Некоторые аспекты совершенствования деятельности строевых подразделений патрульно-постовой службы органов внутренних дел

Аннотация. В статье анализируются задачи деятельности строевых частей и подразделений патрульно-постовой службы органов внутренних дел, даются рекомендации по совершенствованию данной сферы.

Ключевые слова: строевые части и подразделения патрульно-постовой службы органов внутренних дел, нормативно-правовые акты.

Specific features of improvement of combatant subdivision activity of patrol-sentry service of the organs of internal affairs

Annotation. The article analyzes the tasks of the patrol and sentry service subdivisions of the organs of internal affairs and provides recommendations for the improvement of the sphere.

Key words: combatant subdivision activity of patrol-sentry service of the organs of internal affairs, normative-legal acts.

Ўтган давр мобайнида ички ишлар органлари тизимини такомиллаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Айниқса, ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ишлари салмоқли бўлди.

Амалга оширилган чора-тадбирлар ички ишлар органлари фаолиятининг самардорлигини ошириш, фуқароларнинг тинч ва осойишта ҳаёт кечиришини таъминлаш, юртимизда жиноятчиликнинг ўсишига йўл қўймаслик имконини берди¹.

Бугунги кунда кўча ва бошқа жамоат жойларида жамоат тартибини сақлашда муҳим ўрин тутадиган патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг фаолиятини давр талаби асосида ташкил этиш, унинг асосий вазифа ҳамда функцияларини аниқ белгилаш ва тақсимлаш, шунингдек, жамоат тартибини сақлаш субъектлари орасида унинг ўрни

ва ролини аниқлаш, соҳада амалга ошири- лаётган ислохотларнинг асосий йўналиш- ларидан бири ҳисобланади.

Патруль-пост хизмати саф бўлинмалари- нинг *вазифалари* деганда, уларнинг мақсадга йўналтирилган фаолиятини амалга ошириш- да бажарилиши лозим бўлган иш, топшириқ ва тадбирлар йиғиндиси тушунилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва юридик адабиётлар ҳамда патруль-пост хизмати саф бўлинмалари зиммасидаги асосий вазифалар кўламининг таҳлилидан келиб чиққан ҳолда, бизнингча, патруль-пост хизмати саф бўлин- малари *нарядларининг вазифаларини* шартли равишда кўйидаги тўққизта йўналишга ажрат- ган ҳолда ўрганиш мақсадга мувофиқдир:

1. *Жамоат тартибини сақлаш бўйича* — патруль-пост хизмати саф бўлинмалари нарядлари ўз патруллик йўналишлари ва постларида, маҳалларда, кўчаларда, майдон- ларда, истироҳат боғларида, транспорт

объектларида ва бошқа жамоат жойларида жамоат тартиби ҳамда хавфсизликни, фуқаролар томонидан белгиланган қоида ва қонунларга риоя қилиниши устидан назоратни таъминлаш, жамоат тартибининг бузилишини бартараф этиш бўйича ўз вақтида чора кўришади.

2. *Хуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича* — патруль-пост хизмати саф бўлинмалари нарядлари хизматни ўташда патруллик йўналишлари ва постларда хуқуқбузарликларнинг олдини олиш, хуқуқбузарлик содир этилишига имкон берадиган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш чораларини кўради.

3. *Хуқуқбузарликларни фош этиш бўйича* — патруль-пост хизмати саф бўлинмалари нарядлари хуқуқбузарлик содир этган шахсларни аниқлаши ва ушлаши, ички ишлар органларининг бошқа хизматлари ходимлари билан биргаликда хуқуқбузар ва бедарак йўқолган шахсларни қидиришда иштирок этади.

4. *Оммавий тадбирлар вақтида жамоат тартиби ва хавфсизликни таъминлаш бўйича* — патруль-пост хизмати саф бўлинмалари нарядлари тасдиқланган алоҳида режалар, куч ва воситалар тақсимоти асосида ўтказилиши кутилаётган оммавий тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш даврида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш бўйича хизматга жалб этилади.

5. *Вояга етмаганлар ўртасида хуқуқбузарликлар содир этилиши ва болалар қаровсизлигининг олдини олиш бўйича* — патруль-пост хизмати саф бўлинмалари нарядлари кўчаларда ва бошқа жамоат жойларида хуқуқбузарликларга йўл қўяётган ўсмирлар гуруҳларини, улар йиғиладиган жойларни аниқлаши ҳамда вояга етмаганларни жинойий фаолиятга, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, тиламчилик, фоҳишабозлик, қимор ўйинлари каби хатти-ҳаракатларга жалб қилаётган шахсларни аниқлаш, зарур ҳолларда эса ички ишлар органига олиб келиш каби вазифаларни бажаради.

6. *Юридик ва жисмоний шахсларнинг мулкни ҳимоя қилиш бўйича* — патруль-пост хизмати саф бўлинмалари нарядлари патруллик йўналишларида жойлашган фуқароларнинг яшаш уйлари, хонадонлари, саноат, савдо, идора, муассаса, корхона ва ташкилотлар биноларини кузатиб бориш ва ушбу жойларда шубҳали шахсларнинг юришига йўл қўймаслик, ўғирлик содир этилишининг олдини олиш чораларини кўради.

7. *Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича* — патруль-пост хизмати саф бўлинмалари нарядлари йўл ҳаракати қоидалари бузилишининг, маст ҳолда транспорт воситалари бошқарилишининг, юк ташиш қоидаларига риоя этилмаслигининг олдини олиш чораларини кўради.

8. *Транспортда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича* — темир йўл бекатлари ва аэропортларда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, темир йўлларда ҳаракат қоидаларини бузиш ҳолатларининг олдини олиш ҳамда қўриқлашга олинган маҳсулотларни темир йўл орқали манзилларига ишончли кузатиб бориш, кузатилаётган юкларнинг ўғирланиши ва талон-тарож қилинишига йўл қўймаслик, йўловчи поездларда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш каби чораларни кўради.

9. *Ўзбекистон Республикасида аккредитациядан ўтган хорижий давлатлар элчихоналари, элчи қароргоҳлари, халқаро ташкилотлар ваколатхоналари ва бошқа тенглаштирилган объектлар хавфсизлигини таъминлаш бўйича* — ушбу объектларни қўриқлаш, хавфсизлигини таъминлаш ва унинг атрофидаги ҳудудда жамоат тартибини сақлаш каби вазифаларни амалга оширадидлар.

Бошқарув субъекти бажарадиган кўплаб вазифалар орасида унинг сифат даражасини белгиловчилари мавжуд бўлганидек, патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг асосий вазифаларини аниқлаш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Норматив ҳуқуқий-ҳужжатларда патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг жавобгарлик ҳудудларида жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни кўришлари уларнинг асосий вазифалари сифатида кўрсатилган.

Юридик адабиётларда патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг *асосий вазифалари* кўчаларда, жамоат жойларида фуқаролар ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятларни очишда қатнашиш, хусусий мулкни ҳар хил тажовузлардан ҳимоя қилиш, диний экстремизм, терроризм ва кўпорувчиликка қарши курашиш ҳисобланиши келтирилган². Айни пайтда Ж.С.Мухторов патруль-пост хизматини асосий вазифаси маъмурий фаолият жараёнида ҳуқуқбузарликларни, шу жумладан *жиноятларнинг олдини олиш* бўйича чора-тадбирларни амалга оширувчи хизматлар қаторига қўшади³. Мазкур масалада Д.В.Кураков: «Маъмурий фаолиятни амалга оширишда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш патруль-пост хизмати бўлинмаларининг энг асосий ва ягона функциясидир»⁴, — деб таъкидлайди. Бироқ, фикримизча, патруль-пост хизмати саф бўлинмалари зиммасидаги асосий вазифалар хусусиятини таҳлил қилган ҳолда *жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш* патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг асосий вазифалари ҳисобланади. Постда ёки патруллик йўналишларида хизмат олиб бораётган патруль-пост хизмати нарядларининг асосий вазифаси *жамоат тартибини сақлашдир*. Аммо улар ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва гайриқонуний ҳаракатларга чек қўйиш, мулкни кўриқлаш ёки йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга ҳам масъул ҳисобланадилар.

Маълумки, ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг

асосий вазифа ва функциялари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланади. Шундай экан, ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмалари фаолиятини бевосита тартибга соладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қиладиган бўлсак, бу борада сўнгги йилларда салмоқли ишлар қилинди.

Жумладан, «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси (2016 йил 16 сентябрь) қонунининг қабул қилиниши бевосита ички ишлар органларининг бошқа соҳалари қатори патруль-пост хизмати саф бўлинмалари фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган қонуности ҳужжатларнинг қабул қилиниши учун замин яратди. Ўтган давр мобайнида соҳа фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш бўйича Президентнинг қатор фармон ва қарорлари, ҳукумат қарорлари ва Ички ишлар вазирлигининг буйруқлари қабул қилинди. Бунинг натижасида патруль-пост хизмати саф бўлинмалари фаолиятининг самарали ташкил этилишига эришилди. Бу эса, ўз навбатида, ўзининг ижобий самарасини бера бошлади. Жумладан, биргина 2017 йил давомида республика ҳудудида 33284 маротаба оммавий тадбир ўтказилиб, ушбу тадбирлар давомида жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлиги тўлиқ таъминланганлиги, шунингдек, республиканинг 8 минг 937 та маҳалласининг 1 минг 30 тасида ёки 14,4 фоизида биронта ҳам жиноят содир этилишига йўл қўйилмаганлиги ҳамда 2017 йил давомида патруль-пост нарядлари томонидан 19199 та жиноят фош этилганлигини кўриш мумкин⁵.

Бироқ, патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг фаолиятини оптималлаштириш ва ташкил этиш соҳасида эришилган ютуқлар билан бир қаторда, айрим камчиликлар ҳам йўқ эмас. Жумладан, патруль-пост хизмати саф бўлинмалари фаолиятини бевосита тартибга солувчи ИИВнинг 2003 йил 23 апрель кундаги буйруғи билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларининг патруль-пост хизмати тўғрисидаги низом»

сўнги йилларда тизимда амалга оширилган туб ислохотларни қамраб олмаган. Бу эса патруль-пост хизмати саф бўлинмалари ходимларига хизмат фаолиятини амалга оширишда ҳуқуқни қўллаш бўйича тушунмовчиликлар келтириб чиқариши мумкин. Ушбу ҳолат патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг амалдаги нормалар асосида тартибга солинаётган фаолияти етарли эмаслигини кўрсатади.

Соҳанинг ўта масъулиятли ва серқирра фаолиятини тартибга солиш, фаолиятга оид ноаниқлик ва зиддиятларни бартараф этиш, шунингдек, патруль-пост хизмати саф бўлинмалари фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонуни ва унинг асосида қабул қилинган қонуности ҳужжатлари доирасидаги асосий қоидаларни ягона тизимга солишни таъминлаш мақсадида «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларининг патруль-пост хизмати тўғрисидаги низом»нинг янги лойиҳасини ишлаб чиқиш ва тегишли тартибда қабул қилиш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, амалдаги низомда ўз аксини топмаган қуйидаги қоидалар янги низом лойиҳасини ишлаб чиқишда инobatга олиниши таклиф этилади:

биринчидан, маълумки, амалдаги низомда патруль-пост хизмати саф бўлинмалари нарядларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган, лекин патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ушбу низомда ўз аксини топмаган. Патруль-пост хизмати саф

бўлинмаларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тегишлилиги бўйича ишлаб чиқиш ва янги низом лойиҳасига киритиш;

иккинчидан, «жамоат тартиби», «жамоат хавфсизлиги», «патруль-пост хизмати», «патруль-пост наряди», «жамоат тартибини сақлаш», «жамоат жойлари» каби асосий тушунчаларига таърифлар бериш;

учинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев раислигида 2017 йил 9 февраль куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида ички ишлар бўлимлари фаолиятини рейтинг орқали баҳолаш тизимини жорий этиш бўйича тавсиялар беришди⁶.

Хизмат кўрсатиш ҳудудларида ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, шунингдек ходимларнинг ўзларига юклатилган вазифаларни бажаришларига ижобий баҳо бериш ва рағбатлантириш ҳамда уларнинг шахсий жавобгарлигини таъминлашга қаратилган патруль-пост хизмати саф бўлинмалари фаолиятининг натижаларини рейтинг баҳолаш тартибини ишлаб чиқиш.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш жоизки, патруль-пост хизмати фаолиятининг норматив-ҳуқуқий тартибга солинишини такомиллаштириш патруль-пост хизмати саф бўлинмалари жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигига қарши қаратилган гайри-ижтимоий хатти-ҳаракатларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар кўриш каби фаолиятларини самарали ташкил қилишга имкон беради.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони // Халқ сўзи. — 2017. — 11 апр.

² Ички ишлар органларининг маъмурий фаолияти: Дарслик / Исмаилов И., Зиёдуллаев М. З. ва бошқ.; масъул муҳаррир Ш. Т. Икрамов. — Т., 2014. — Б. 147.

³ *Мухторов Ж.С.* Ички ишлар идоралари профилактика хизматлари томонидан жиноятларнинг олдини олишни таъминлаш. Юрид. фан номз. дис. ... автореф. — Т., 2008. — Б. 25.

⁴ *Кураков Д.В.* Административный надзор в деятельности полиции. Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — М., 2012. — С.8.

⁵ Ўзбекистон Республикаси ИИВ Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бош бошқармасининг 2017 йил мобайнидаги хизмат фаолияти тўғрисида маълумотнома.

⁶ Инсон манфаатларини таъминлаш учун аввало унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, осуда ва фаровон ҳаёти ҳимоя қилинмоғи керак // Халқ сўзи. — 2017. — 10 февр.

Х.М. Муратов,
«Ўзбекэнерго» АЖ илмий-техника маркази МЧЖ директори, техника фанлари доктори, профессор;
О.Т. Ахмедов,
«Ўзбекэнерго» АЖ илмий-техника маркази МЧЖ докторанти, техника фанлари номзоди;
А.А. Аманов,
ИИВ Академияси илмий-тадқиқот ишларини мувофиқлаштириш бўлими катта илмий ходими

ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКА ОБЪЕКТЛАРИДА ТЕРРОРИЗМ БИЛАН БОҒЛИҚ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР СОДИР БЎЛИШИНING ОЛДИНИ ОЛИШДА ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ВА «ЎЗБЕКЭНЕРГО» АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИНИING ВАЗИФАЛАРИ

Аннотация. Мақолада электр энергетика объектларида содир этилиши мумкин бўлган терроризм билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олишда ички ишлар органларининг «Ўзбекэнерго» АЖ билан ҳамкорлиги масалалари кўриб чиқилган.

Таянч тушунчалар: терроризм, терроризм билан боғлиқ фавқулодда вазиятлар, табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятлар, электр энергетика объектлари, идоралараро ҳамкорлик.

Задачи органов внутренних дел в процессе взаимодействия с АО «Узбекэнерго» по предотвращению чрезвычайных ситуаций, связанных с терроризмом на объектах электроэнергетики

Аннотация. В статье рассматриваются вопросы взаимодействия органов внутренних дел и АО «Узбекэнерго» в предотвращении чрезвычайных ситуаций, связанных с терроризмом, которые могут возникнуть на электростанциях.

Ключевые слова: терроризм, чрезвычайные ситуации, связанные с терроризмом, чрезвычайные ситуации природного и техногенного характера, электроэнергетические объекты, взаимодействие между органами.

Tasks of the organs of internal affairs in cooperation with JSC (joint-stock company) “Uzbekenergo” for the prevention of emergencies connected with terrorism at electrical power engineering

Annotation. The article distinguishes issues of the organs of internal affairs in cooperation with JSC (joint-stock company) “Uzbekenergo” for the prevention of emergencies connected with terrorism at electrical power engineering.

Key words: terrorism, emergencies connected with terrorism, emergencies of natural and technogenic character, electrical power engineering objects, cooperation between bodies.

Тинчлик-осойишталик инсоният учун тенгсиз неъматдир. Осуда ҳаёт, фаровонлик ва умуман, барча эзгу ният ва мақсадларнинг рўёби, энг аввало, шу неъматга боғлиқ. Аммо азал-азалдан яхшилик билан ёмонлик, эзгулик билан ёвузлик каби нисбий кучлар бўлганидек, инсон ҳаётига раҳна солувчи офатлар ҳам мавжуд. Улардан бири халқаро терроризмдир. Инсоният ҳаёти учун энг катта офатлардан бири бўлган халқаро терроризм XX асрнинг охири – XXI аср бошига келиб ўзининг мудҳиш қиёфасини

янада кенг намоён эта бошлади. Диний экстремизм, ақидапарастлик ва терроризм дунё аҳлининг хавфсизлигига жиддий таҳдид солаётгани исбот талаб қилмас ҳақиқатдир.

Таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик, осойишталик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик юртимиз равнақи ва порлоқ келажаги йўлида амалга оширилаётган эзгу ишларнинг мустаҳкам асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Лекин гоёлар кураши авж олаётган XXI асрда дунёда

тинчлик ва барқарорликни таъминлаш йўлида ҳал этилиши зарур бўлган кўплаб муаммолар юзага келаяпти. Кишиларнинг осуда ҳаётини издан чиқаришга қаратилган янги шакллардаги таҳдидларнинг кун сайин кўпайиб бораётгани ва бунинг натижасида бузғунчи ғоялар мафкура майдонини қуршаб олаётгани барчамиздан огоҳлик ва ҳушёрликни талаб этмоқда.

Дарҳақиқат, жамиятда барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, ҳуқуқий демократик давлат қуриш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлардан кўзланган мақсадларга эришишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Айтиш мумкинки, бугунги кунда ер юзида табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятларнинг ортиб бориши кўпгина давлатларнинг аҳолиси ва ҳудудларига ҳамда иқтисодиётига катта зарар келтирмоқда. Хусусан, ўтган йилнинг ўзидаёқ дунёда содир бўлган табиий офатлардан кўрилган зарар 306 млрд доллардан ошиб кетган¹. Шунингдек, табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятлар билан бирга сўнгги вақтларда дунё миқёсида террорчилик ташкилотлари томонидан амалга оширилаётган кўпуровчилик ҳаракатлари оқибатида нафақат фуқаролар ҳаётига, балки ишлаб чиқаришнинг турли соҳалари орқали иқтисодиётга ҳам катта зарар келтираётганлигини кўриш мумкин.

Дарҳақиқат, терроризм ҳозирги замоннинг жиддий муаммосига айланиб бормоқда. Чунончи, бугунги глобаллашув ва ишлаб чиқаришда юқори технологияларнинг ривожланиши даврида террорчилик ташкилотларининг имкониятлари жуда кенгайиб бораётганлиги сабабли, улар содир этиши мумкин бўлган техноген тусдаги фавқулодда вазиятларнинг хавфи ҳам ортиб бормоқда.

Таъкидлаш лозимки, халқаро миқёсда терроризмга қарши кураш бўйича бир қанча

ижобий ишлар амалга оширилаётганига қарамай, дунёнинг айрим давлатларида террорчилик ташкилотлари ва экстремистик гуруҳларнинг фаолияти жадаллашиб бораётгани, улар томонидан ўз таъсир доираларига турли соҳа мутахассисларининг жалб қилинаётгани аини ҳақиқатдир.

Йил сайин дунёда террорчилик ташкилотлари ва экстремистик гуруҳлар ҳужум қилаётган объектлар сони ортиб бормоқда. Ҳозирги кунга келиб улар элчихоналар, аэропортлар, темир йўл станциялари, бекатлари, алоқа почталари, ибодатхоналар, меҳмонхоналар, мактаблар, кутубхоналар, жамоат транспорти воситаларидан ташқари, ишлаб чиқариш корхоналари, хусусан, электр энергетика объектлари, яъни электр ҳосил қилувчи корхоналар ва электр тармоғи объектларини ҳам ўзларига нишон қилиб олмоқдалар. Бинобарин, террорчи гуруҳлар энергетик станцияларга, алоқа, компьютер тизимлари ва бошқа объектларга ҳужум уюштиришда пухта тайёргарлик кўрадилар, содир этилган фавқулодда вазият эса жамиятнинг ижтимоий-руҳий ҳолатига таъсир кўрсатибгина қолмай, жуда катта иқтисодий зарар ҳам келтиради.

Шунингдек, электр энергетика объектларида юзага келиши мумкин бўлган табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятлар билан бир қаторда дунёдаги 500 дан ортиқ норасмий террорчилик ташкилотлари томонидан энергетик объектларда ҳам террорчилик-кўпуровчилик ҳаракатлари содир этилиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятлар хавфи кучайиб бормоқда².

Сўнгги вақтларда Ҳамдўстлик давлатлари, хусусан Россия давлатининг кўплаб энергетика объектларида террорчиларнинг кўпуровчилик ҳаракатлари кучайгани кузатилган. Жумладан, Шимолий Кавказдаги 50дан ортиқ энергетика объектларида террорчилик ҳаракатлари содир этилган. Масалан, Нальчик шаҳридаги газ тарқатиш станциясида, Ингушетия ва Доғистондаги юқори кучланишли электр тармоқларида террорчилик ҳаракатлари содир этилган.

Сибирнинг Приморье ва Якутия ўлкаларидаги электр энергетика объектларида эса террорчилик ҳаракатларига тайёргарлик кўрилгани тўғрисида маълумотлар келиб тушган³.

Айтиш мумкинки, энергетик хавфсизликни таъминлаш ғоятда муҳим масала бўлиб, буни яхши англаб етган террорчилик ташкилотлари ва экстремистик гуруҳлар ўзларининг ёвуз мақсадларига эришиш учун энергетика объектларига ҳужумлар уюштирмақдалар. Мазкур гуруҳларнинг мақсади электр энергетика объектларида кўпоровчилик ҳаракатларини амалга ошириш орқали иқтисодиётдаги электр энергияси истеъмолчилари бўлган барча соҳаларни издан чиқариш, шунингдек, минглаб одамларни электр энергиясиз, иссиқликсиз қолдириш орқали жамиятда норозилик келтириб чиқаришдир.

Ҳар қандай давлатда бўлгани каби электр энергетика соҳаси Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳам асосий тармоқларидан биридир. У мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантиришда улкан аҳамиятга эга. Бу эса ҳар қандай фавқулодда вазиятда электр энергетика объектларининг барқарор фаолиятини кафолатлашни тақозо этади. Шу боис бугун мамлакатимизнинг электр энергетика соҳасида ҳам катта ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, электр энергияси ҳосил қилиш ва унинг тежамкорлигини ошириш, истеъмолчиларга сифатли ва узлуксиз электр энергияси етказиб беришдир. Жумладан, электр энергетика соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари сифатида давлатнинг электр энергетика хавфсизлигини, ягона электр энергетикаси тизимининг ишончли ишлашини ҳамда истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини қаноатлантириш ва ҳудудий электр тармоқларидан тенг фойдаланишини таъминлаш, энергия ҳосил қилувчи қувватлар ва электр тармоқларини реконструкция қилиш, модернизациялаш, ривожлантириш жараёнларида инвестициялар жалб қилиш каби ҳуқуқий қоидаларни келтиришимиз мумкин⁴.

Шу ўринда қайд этиш лозимки, бугунги кунда ички ишлар органлари мамлакатимизда аҳолининг тинч ва фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаш, жиноят ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, жамоат тартибини сақлаш ва бошқа ҳаётий муҳим вазифаларни амалга оширишда алоҳида ўрин эгаллайди. Юз бериши мумкин бўлган табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятларда эса, ички ишлар органлари Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, давлат тизимидаги барча идоралар, уларнинг ҳудудий органлари билан ҳамкорликда қуйидагиларни амалга оширишлари кўзда тутилган:

– фавқулодда вазиятлар чоғида жамоат тартиби ва йўл ҳаракати хавфсизлигини, ёнғин хавфсизлигини, объектлар, ҳудудлар, моддий ва маданий бойликларни муҳофаза қилишни таъминлаш;

– ёнғинларни профилактика қилиш ва ўчиришга оид тадбирларни ташкил этиш ва амалга ошириш, улар билан боғлиқ қутқарув ишларини амалга ошириш;

– фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизими (ФВДТ) бошқарув органларини юзага келган ёнғин ҳолати, ёнғинларни бартараф этиш, зиён ва кўрилиши мумкин бўлган зарарлар тўғрисидаги дастлабки ахборот билан таъминлаш;

– даволаш муассасалари билан биргаликда фавқулодда вазиятларда нобуд бўлган аҳолини ҳисобга олиш;

– ФВДТ функционал қуйи тизимларини ташкил этишга ва унинг фаолиятига, жамоат тартибини муҳофаза қилиш хизматига, йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматига, ёнғин хавфсизлиги хизматига раҳбарлик қилиш⁵.

Электр энергетика объектларининг барқарор фаолиятини таъминлаш борасида электр станциялари, электр ва иссиқлик тармоқлари асбоб-ускуналаридан ишончли ва хавфсиз фойдаланишга оид тадбирлар мажмуини, шунингдек иқтисодиёт объектлари ва республика аҳолисини электр ва иссиқлик энергияси билан узлуксиз таъминлаш тадбирларини ташкил этиш ва амалга

ошириш, электр энергияси ишлаб чиқариш, узатиш, истеъмол қилишда ва табиий ёқилгилардан фойдаланишда хавфсизликни таъминлаш, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш чора-тадбирлари амалга оширилиши устидан назорат қилиш ва зарур ахборотни тақдим этиш эса «Ўзбекэнерго» АЖнинг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг ФВДТга кирувчи вазирлик, идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш бўйича тадбирларининг самарадорлигини янада ошириш мақсадида табиий, техноген ва экологик хусусиятга эга фавқулодда вазиятлар мониторинги, ахборот алмашинуви ва прогнозлаш бўйича ягона тизимни ташкил этиш мақсадида 2017 йил 28 декабрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1027-сон қарори қабул қилинган ва бу соҳадаги ишлар тизимли равишда олиб борилмоқда⁶.

Ягона тизимнинг жорий этилиши мамлакатимиздаги барча хавф омилларини, таҳдид манбаларини тўлиқ ва тизимли кўриб чиқишни, ҳудудларни хавф даражалари бўйича ажратиб чиқишни, фавқулодда вазиятлар юзага келиш хавфи ва унинг оқибатлари тўғрисида автоматлаштирилган ҳолда доимий равишда ахборот алмашинувини, аниқланган хавфни объектив баҳолаш ва бошқаришни, шунингдек фавқулодда вазиятларда бошқарув механизмнинг тизимли йўлга қўйилишини таъминлайди.

Ягона тизим доирасида вазирлик ва идораларда ихтисослаштирилган геоахборот тизимининг яратилиши ва улардан фойдаланилиши фавқулодда вазият манбалари маълумотлар базаси ва потенциал хавфли объектлар реестрини шакллантириш ва ривожлантиришни, фавқулодда вазиятга олиб келадиган хавфли табиий-техноген жараён ва ҳодисалар юзага келиши хавф даражасининг кўрсаткичи бўйича ҳудудларни батафсил районлаштиришни, юзага келган хавфни моделлаштиришни, ривожини прогнозлаштиришни, шунингдек, ахборот

алмашинувининг ягона шаклда амалга оширилишини таъминлайди. Бу эса, ўз навбатида, республикамиз аҳолисини ва ҳудудларини юзага келиши мумкин бўлган табиий, техноген ва экологик хусусиятга эга фавқулодда вазиятлар хавфидан ўз вақтида огоҳлантириш, ҳудудларни самарали муҳофаза қилиш имкониятини яратади⁷.

Ўтган давр мобайнида ички ишлар органлари томонидан олиб борилган тизимли чора-тадбирлар натижасида республикада жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг профилактикаси, жамоат тартибини сақлаш ва аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида муайян натижаларга эришилди. Лекин, шу билан бирга, энергетик хавфсизликни таъминлаш борасида дунё ҳамжамияти тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, яъни электр энергетика объектларида терроризм билан боғлиқ фавқулодда вазиятлар содир бўлишининг олдини олишда ички ишлар органлари «Ўзбекэнерго» АЖ билан ҳамкорликда амалга ошириши зарур бўлган чора-тадбирларни белгилаб олиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикасининг «Электр энергетикаси тўғрисида»ги қонунига биноан, электр энергиясини ҳосил қилувчи корхоналарни муҳофаза қилиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади. Электр тармоғи хўжалиги объектларининг сақланишини таъминлаш, улардан фойдаланиш учун зарур шароитлар яратиш, шунингдек, мазкур объектлар шикастланишининг ва аҳоли ўртасида бахтсиз ҳодисалар юз беришининг олдини олиш мақсадида электр тармоғи хўжалиги объектларига туташ ерларда муҳофаза зоналари ажратилади. Электр тармоғи хўжалиги объектларини муҳофаза қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади (31-м.).

Электр энергетика объектларида террорчилик ташкилотлари ва экстремистик гуруҳлар томонидан содир этилиши мумкин бўлган кўпуровчилик ҳаракатлари сабабли юзага

келадиган фавқулодда вазиятлар махсус таснифли хусусиятларга эгаллигини эътиборга олган ҳолда, авваламбор, уларнинг олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш муҳим ҳисобланади. Давлат тизимидаги барча идоралар каби ички ишлар органлари ва «Ўзбекэнерго» АЖнинг олдида турган вазифа электр энергетика объектларида содир бўлиши мумкин бўлган хавф-хатарларни тезкор қидирув усуллари билан аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш чора-тадбирлари, режалари асосида ишларни ташкил этиш, мазкур идоралар фаолиятининг янада самарали бўлишини таъминлайдиган замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, ички ишлар органлари соҳавий хизматлари ва «Ўзбекэнерго» АЖнинг таркибий тузилмалари фаолиятининг моддий-техник таъминотини янада яхшилаш, тизимга билимли, ўз ишига садоқат ва масъулият билан ёндаша-

диган, ҳуқуқ-тартибот ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишни ўзининг муқаддас бурчи ва асосий мажбурияти деб биладиган ватанпарвар ёшларни жалб этиш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги талаблардан келиб чиқиб, ҳудудий электр энергетика объектларида фаолият олиб борадиган масъул ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини ҳамкорликда ташкил этиш, ўқув дастурларига табиий-техноген ҳамда террорчилик хавфи билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, уларни бартараф этишда идоралараро, жумладан, ички ишлар органлари соҳавий хизматлари ва «Ўзбекэнерго» АЖ таркибий тузилмаларининг ҳамкорлик масалаларини ўқув жараёнига ва амалиётга жорий этиш муҳим ҳисобланади.

¹ <http://www.uza.uz> сайти

² *Гушер А.И.* Проблема терроризма на рубеже третьего тысячелетия новой эры человечества // Знание-сила. – 2002. – № 12. – С. 36.

³ *Горевой Р.* Северокавказские сепаратисты готовят крупные теракты на энергетических объектах // <https://versia.ru/severokavkazskie-separatisty-gotovyat-krupnye-terakty-na-yenergeticheskix-obektax>. (28.02.2018)

⁴ «Электр энергетикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 2009 йил 30 сентябрь, ЎРҚ-225-сон // www.Lex.uz.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 24 августдаги «Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 242-сонли Қарори // www.Lex.uz.

⁶ Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 28 декабря 2017 года, № 1027 «О создании Единой системы мониторинга, обмена информацией и прогнозирования чрезвычайных ситуаций природного, техногенного и экологического характера». – Ташкент, 2017. – С. 65.

⁷ *Курбанов Б.* Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фавқулодда вазиятлар мониторинги, ахборот алмашинуви ва прогнозлаш бўйича Ягона тизимни ташкил этиш, истиқболда кутилаётган натижалар // Ўзбекистон Республикаси ФВВ илмий-амалий семинар материаллари. – Т., 2018. – Б. 3–24.

А. А. Аташайхов,

*ИИВ Академияси Қасбий тайёргарлик факультети хизмат-жанговар
ва жисмоний тайёргарлик цикли катта ўқитувчиси*

ЖАНГОВАР-ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИК МАШҒУЛОТЛАРИДА ПЕДАГОГИК ТАҲЛИЛНИ АМАЛГА ОШИРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ (ИИВ АКАДЕМИЯСИ МИСОЛИДА)

Аннотация. Мақолада Академия тингловчи-курсантлари билан ўтказиладиган жанговар-жисмоний тайёргарлик машғулотларида педагогик таҳлилни ташкил қилиш, ўтказиш усуллари, унинг мақсади, хусусиятлари баён этилган. Машғулотнинг умумий ва мотор зичлигини аниқлаш формулалари ҳамда жанговар ва жисмоний тайёргарлик машғулотларида жисмоний юкклани назорат қилиш диаграммаси кўрсатилган.

Таянч тушунчалар: спорт, педагогик таҳлил, жисмоний юкклама, юрак қисқариши частотаси, машғулотнинг умумий зичлиги, мотор зичлиги, пульсометрия.

Особенности проведения педагогического анализа на занятиях по боевой и физической подготовке

Аннотация. В статье рассматриваются методы проведения и организации педагогического анализа на занятиях по боевой и физической подготовке со слушателями и курсантами Академии, изложены цель и особенности его проведения. Представлены формулы для определения общей и моторной плотности, показана диаграмма контроля физической нагрузки на занятиях по боевой и физической подготовке.

Ключевые слова: спорт, педагогический анализ, физическая нагрузка, частота сердечных сокращений, общая и моторная плотность занятий, пульсометрия.

Peculiarities of conduction of educational analysis at combat and physical training lessons

Annotation. The article deals with the methods of conduction and organization of educational analysis at combat and physical training lessons with the listeners and cadets of the Academy, aims and peculiarities of its conduction is stated. Formula for determination of general and motor solidity is presented and diagram of physical load control at combat and physical training lessons is shown.

Key words: sport, educational analysis, physical load, heart rhythm, general and motor solidity of lessons, pulse measurement.

Юртимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати томонидан спортни янада ривожлантириш, айниқса ёшлар орасида оммалаштиришга катта эътибор берилмоқда.

Таълим муассасаларида жисмонан бақувват, маънан соғлом, комил инсон ва етук мутахассислар етиштиришда барча профессор-ўқитувчилар ва мураббийлар тинмай изланишда.

Жанговар-жисмоний тайёргарлик машғулотини олиб борувчи ҳар бир ўқитувчи ўз касбдошининг машғулотини таҳлил қила

олиш малакаси ва кўникмасига эга бўлиши зарур. Тўғри ташкил қилинган педагогик назорат ва дарснинг таҳлили жанговар-жисмоний ва хизматга оид жисмоний тайёргарлик машғулотларини ўтказувчи ўқитувчининг фикрлаш фаолияти ва ўқитувчилик маҳоратининг шаклланиши ва юксалишига замин яратиши амалда исботлаган.

Педагогик назорат — ўқув жараёни сифатини оширишнинг муҳим воситаси ҳисобланиб, машғулотларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш устидан назорат

амалга оширилади. Педагогик назорат таълим муассасаси раҳбарияти томонидан тасдиқланган ўқув бўлими, факультет, кафедра ва циклларда ишлаб чиқилган семестр ёки бир ойга мўлжалланган жадвал асосида амалга оширилади¹.

Таҳлил иккига: *умумий ва махсус* шаклларга бўлинади. Машгулотнинг умумий таҳлили деганда машгулотнинг зичлиги, машгулотда жисмоний юкламанинг бажарилиши ва ўқув саволларини курсант-тингловчилар томонидан ўзлаштириш даражаларини умумлаштириш орқали яқуний баҳоланиши тушунилади.

Одатда кафедра ёки цикл бошлиғи, ўқитувчилари, ўқув жараёнини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш бошлиғи ёки катта ўқитувчи-методист машгулотнинг алоҳида қисмини: ўқитувчини, унинг фаолиятини, курсант-тингловчилар томонидан дарсни ўзлаштириш даражасини ва шунга ўхшаш жиҳатларни ажратиб олиб, қисман таҳлил қилиши мумкин.

Таҳлилнинг бу шакли машгулотни тўлиқ баҳолаш имконини бермайди.

Машгулотни педагогик таҳлил қилишдан мақсад:

– ўқитувчининг педагогик фаолияти билан танишиш ва уни ўрганиш;

– гуруҳда жанговар-жисмоний тайёргарлик фани (курсини)ни ўқитишнинг ҳолатини, курсант-тингловчиларнинг назарий билимлар, усуллар техникасини, ҳаракатлар, бошқа малака ва кўникмаларни ўзлаштириш даражасини ўрганиш;

– илғор иш тажрибасини ўрганиш, умумлаштириш ва кафедра (цикл) ўқитувчиларига тарқатишдир.

Таҳлил учун машгулотни назорат қилиш ва таҳлил натижаларини қайд қилиш осон жараён эмас. Амалда машгулот таҳлили учун олдиндан саволлар ёзилган анкета, чизма, график ва карточкалардан фойдаланилади. Бу чора таҳлил юзаки бўлишига йўл қўймайди, машгулотнинг туб мазмунини, қўйилган мақсадларни тўғри баҳолашга шароит яратади.

Жанговар-жисмоний тайёргарлик машгулотини ҳар томонлама тўлиқ таҳлил қилиш учун, агар кафедра (цикл) миқёсида бўлса, кафедра (цикл) ходимлари орасидан махсус гуруҳ тузилади ва кафедра (цикл) бошлиғи томонидан тасдиқланади (Олий ўқув юрти, факультет миқёсида бўлса, ўқув жараёнини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш бошлиғи томонидан тасдиқланади).

Педагогик назоратни олиб борувчилар қуйидаги ишларни бажарадилар:

– машгулотни хронометраж усули билан текшириш, машгулотнинг умумий (фойдали) зичлиги, ўқитувчининг айби билан бекор кетган вақт ва машгулотнинг мотор зичлигини аниқлаш;

– машгулот вақтида жисмоний юкламани назорат қилиш (камида икки нафар ўқитувчи шуғулланади).

Педагогик назоратни амалга оширувчи шахс кафедра (цикл) бошлиғи, унинг ўринбосари ёки тажрибали ва маҳоратли катта ўқитувчилардан тайинланади.

У қуйидаги масалаларни қайд этиб бориши лозим:

1) Машгулотнинг таъминланиши ва ташкил этилишини назорат қилиш.

Педагогик назоратни амалга оширувчи шахснинг машгулот бошлангунча бажарадиган ишлари қуйидагилардан иборат:

– гуруҳ курсант-тингловчиларининг жисмоний ривожланганлиги, жисмоний тайёргарлиги кўрсаткичлари, ўзлаштириш даражаси, йўналиши (мутахассислиги), қизларнинг бор-йўқлиги, сони, машгулот ўтказиш жойи ўрганилади;

– ўқитувчининг диплом бўйича маълумоти, касби бўйича иш стажы қанчалиги аниқланади;

– ўқитувчининг машгулот ўтказиш учун барча ўқув-методик материаллари (ўқув фани дастури, ишчи фан дастури, методик комплекс, иш режалари), асосий ва қўшимча адабиётларнинг мавжудлигини, дарс жадвалида кўрсатилган мавзу рақамининг ўтказилдиган мавзу рақамига мос келиши;

– машғулотга спорт зали, жиҳозлари (қурол макетлари) ва керакли буюмларнинг тайёрлиги;

– ўқитувчи ва курсант-тингловчиларнинг машғулотга тайёргарлиги текширилади.

2) Машғулотнинг мақсади ва моҳияти тўғри етказилишини назорат қилиш.

Педагогик назоратни амалга оширувчи шахс машғулот давомида қуйидагиларни кузатади:

– машғулотга ўқув ва тарбиявий мақсадларнинг аниқ қўйилиши;

– машғулотнинг маърифий ва назарий даражаси;

– мавзу мазмунининг тарбиявий аҳамияти;

– материалнинг амалий йўналганлиги, амалиётга боғланганлиги;

– мазмуннинг дастур мавзуига мос келиши;

– мавзу мазмунида ички ва фанлараро алоқанинг акс эттирилиши;

– материалнинг мазмунида мантиқий кетма-кетлик ва тизимлилик мавжудлиги.

3) Ўқитувчининг машғулот ўтказиш методикасини назорат қилиш.

Машғулот ўтказувчи ўқитувчининг фаолиятига баҳо беришда қуйидагиларга эътибор қаратилади:

– *унинг раҳбарлик роли*, яъни ўқитувчининг ўзига ишончи, қатъияти, тиришқоқлиги, талабчанлиги, курсант-тингловчилар орасидаги обрўйи, улар билан мулоқоти ва уларга муносабати, гуруҳни бошқариши;

– *ўзини тутиши*, яъни фаоллиги, курсант-тингловчиларга нисбатан зийраклиги, сезгирлиги, ишчанлик фазилати;

– *нутқи*, яъни овози, буйруқ ва кўрсатмаларининг тўғрилиги, муомала ва нутқ маданияти;

– *ташқи кўриниши*, яъни спорт кийими (формаси), хушбичимлиги, эпчиллиги, қомати;

– *курсант-тингловчилар билан яккама-якка мулоқоти*, яъни фаоллиги, ўзига нисбатан ишончи, дадиллиги, қатъияти, белгиланган вақт тақсмотига амал қилиши;

– курсант-тингловчиларда машғулот мавзуига қизиқиш уйғотиши ва уларнинг ўзлаштириш ҳаракатларини самарали бошқариши;

– ўқув машғулоти жараёнида ўқитувчининг курсант-тингловчилар билан мулоқоти таъминланиши;

– машғулотларда жисмоний тарбияни ўргатишнинг самарали методлари, рационал воситалари тўғри танланиши;

– машғулотнинг умумий ва махсус тайёрлов қисмини ўтказишда организмнинг анатомик ва физиологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, машқлар кетма-кетлиги асосий қисмда ўрганиладиган усуллар мураккаблик даражасига қараб тўғри танланиши;

– мавзудаги усуллар техникасини аниқ ва тўғри кўрсата билиши;

– машғулотнинг мазмунига, ташкил қилиниши, тайёрлов, асосий ва якуний қисмлари бўйича баҳо бериши;

– ўқитувчи ҳамда курсант-тингловчиларнинг фаолиятини баҳолаши;

– машғулотнинг ташкилий вақтига, унда қўлланиладиган иборалар, атамалар, нутқ, муомала маданиятига баҳо бериши;

– машғулотларда қўл жанги тактик ҳаракатларининг рационал ва эмоционал усуллари моҳирона уйғунлаштирилиши;

– ўқитувчининг илмий, касбий ва методик тайёргарлиги, педагогик маҳорати.

Курсант-тингловчиларнинг машғулот давомидаги интизоми, хулқи, ўзларини тутиши ва фаолиятига баҳо беришда қуйидагилар инобатга олинади:

– жисмоний машқлар ва усулларни бажаришга курсант-тингловчиларнинг муносабати, материалга қизиқишлари;

– дарсда интизом бузилишининг сабаблари;

– дарсда интизом бузилишига ўқитувчининг муносабати;

– ўқитувчи кўрсатма ва буйруқларининг курсант-тингловчилар томонидан бажарилиши;

– курсант-тингловчиларнинг онглилик ва фаоллик даражаси;

– курсант-тингловчиларнинг усул ва ҳаракатлари (маром, суръат, жадаллик, меъёр)ни баҳолаш;

– машғулотда навбатчи, спорт етакчиси мажбуриятларини бажаришга муносабатлари.

Жанговар-жисмоний тайёргарлик машғулотларида тарбиявий ишларнинг амалга оширилишини баҳолашда қуйидагилар эътиборга олинади:

– диққатнинг жамланиши, усул ва ҳаракатларни бажаришга қизиқиш уйғотиши, интизом, қаттиққўллик, коллективизм ва бошқа хислатлар. Ахлоқий тарбиянинг хилма-хил усулларида фойдалана олиш (тушунтира олиш, ишонтира олиш, маълум ахлоқ нормаларига риоя қилишга ўргата олиш, рағбатлантириш), уларнинг мақсадга мувофиқлиги, унумлилиги;

– ўқув фани бўйича дунёқарашини шакллантириш, усулларни бажариш малакаси ва кўникмасини шакллантиришга боғлиқ бўлган билимлар билан таъминланиши, касаллиги туфайли машғулотлардан озод қилинган курсант-тингловчилар билан ишлаши.

Педагогик таҳлил тўлиқ бўлиши учун – «Хронометраж» усули, назорат ва жисмоний юкламани аниқлаш учун эса «Пульсометрия» назорати² қўлланилади. Қуйида ушбу назорат турларини кўриб чиқамиз.

Машғулотни хронометраж усули билан назорат қилиш. Машғулот самарадорлигининг кўрсаткичларидан бири унинг зичлигидир. Машғулот зичлигини бир бутун ҳолда ёки унинг қисмларини таҳлил қилиб, алоҳида аниқлаш мумкин. Бу машғулотнинг тайёрлов, асосий, якуний қисмларида ишни ташкил қилишнинг шароити бир хил эмаслиги билан боғлиқ. Машғулот ёки унинг қисмлари учун сарфланган вақт 100% деб қабул қилинади.

Машғулот зичлиги умумий (педагогик) ва мотор (ҳаракатлар, машқ бажариш) турларига ажратилади.

Машғулотнинг умумий зичлиги деганда машғулотнинг умумий давомийлиги билан педагогика нуқтаи назаридан рационал

сарфланган вақт нисбати, бошқача айтганда, машғулотда фойдали иш учун сарфланган вақт тушунилади. Педагогика нуқтаи назаридан мақсадга мувофиқ деб ҳисобланган тадбирлар машғулотнинг умумий зичлиги компонентлари ҳисобланади.

Машғулотнинг умумий зичлиги (УЗ) ёки унинг қисмлари зичлигини аниқлаш учун тингловчи-курсантларнинг фаол ҳаракатлар (ФХ)га сарфлаган вақти умумлаштирилади. Бунга тфх, яъни жисмоний машқларни бажариш учун сарфланган вақт (эшитиш, кузатиш ва машғулотни ташкил қилиш, беҳуда кутишлар ва курсант-тингловчиларнинг бекор қолиш вақтидан бошқа ҳаммаси) киради. Бу вақт 100%га кўпайтирилиб, машғулотнинг «умумий вақти» ту га бўлинади.

$$УЗ = \frac{тфх \times 100\%}{ту} =$$

Тўлақонли жисмоний тайёргарлик машғулотининг умумий зичлиги 100%га яқин бўлиши лозим. Хронометраж олиб борувчи ўқитувчи умумий зичликнинг камайишига сабаб бўлувчи қуйидаги ҳолатларни секундомер орқали белгилаб, қайд қилиб бориши лозим:

– машғулотдаги ўзини оқламайдиган бесамар вақт – дарснинг кеч бошланиши, машғулот жойи, жиҳозларнинг тайёр эмаслиги боис курсант-тингловчиларнинг навбат кутиши ва бошқа ҳолатлардаги бекор туриб қолишлар;

– ўқитувчининг дарсга тайёр эмаслиги, дарсни ташкил қилишни ва мазмунини чуқур билмаслик орқасидан содир бўладиган тўхташ (пауза)лар;

– машғулотда курсант-тингловчиларга ортиқча ва самараси оз бўлган сўзлар орқали бериладиган ахборот;

– шуғулланувчилар интизомининг қониқарсизлиги, буйруқ ва кўрсатмаларни кўп мароталаб такрорлашлар, курсант-тингловчиларга бериладиган огоҳлантиришлар, такрорий тушунтиришлар.

Булар вақтдан норационал фойдаланилиши сабаб бўлади.

Масалан, агар ўқитувчининг айби билан дарсда бўш қолиш 1 дақиқани ташкил этса, унда дарснинг умумий зичлиги қуйидагича ҳисобланади:

$$УЗ = \frac{79 \times 100\%}{80 \text{ дақ.}} = 98,75\%$$

Машғулотнинг мотор зичлиги (МЗ) – дарснинг умумий давомийлигига нисбатан курсант-тингловчиларнинг машғулотда айнан ҳаракат фаолиятининг активлиги учун сарфланган соф вақтидир.

Мотор зичликни аниқлашда машқларни бажариш учун сарфланган соф вақт (тсв) ҳисобланади; тсв 100%га кўпайтирилиб, дарснинг умумий вақти (тум.) га бўлинади:

$$МЗ = \frac{тсв \times 100\%}{тум.} =$$

Масалан, аниқланишича, курсант-тингловчиларнинг жисмоний машқларни бажариш учун сарфлаган вақти 55 дақиқага тенг (қолган 25 дақиқаси ўқитувчининг дарс материални тушунтириши, машғулот жойини тайёрлаши, топшириқлар учун жой алмаштириши, тик туриб дам олиш ва бошқаларга сарфланади). Бу ҳолда машғулотнинг мотор зичлиги қуйидагича тенг бўлади:

$$МЗ = \frac{55св \times 100\%}{79ум \text{ дақ.}} = 69,62\%$$

Мотор зичлик машғулот жараёнида доимо ўзгариб туради. Бундай ўзгаришларнинг шартлигини машғулотда қўлланилаётган жисмоний машқлар мазмунининг турлитуманлиги, улардан фойдаланиш жойи ва қўлланилаётган усуллар билан изоҳлаш мумкин. Машғулот мотор зичлиги кўрсаткичларининг ўзгариши дарсга қўйилган вазифаларга ҳам боғлиқ. Усулларни такомиллаштириш ва жисмоний қобиляатларни ривож-

лантириш вазифалари қўйилган машғулотларда МЗ 70-80% гача кўтарилиши, ақлий фаолият кўпроқ аралашган ҳаракат фаолиятини ўзлаштириш вазифаси қўйилган дарсларда эса 50% гача пасайиб кетиши мумкин.

МЗнинг муҳимлигини эътироф этишимизга қарамай, у ҳеч қачон 100% бўлиши мумкин эмас, акс ҳолда дарс материални тушунтириш, содир бўладиган хатолар, улар устида фикр юритишга вақт қолмаган бўлар эди. Бу, ўз навбатида, ўқув жараёнининг сифати, самарадорлигига салбий таъсир кўрсатган бўларди³.

Жисмоний машқларни бажаришдаги ўзаро муносабат тескари пропорционалликка эга: юкломанинг ҳажми қанча катта бўлса, унинг жадаллиги шунчалик паст бўлади ва аксинча.

Жисмоний юкломанинг таъсири организмнинг бажарилган ишга реакцияси ҳисобланади. Унинг кўрсаткичлари юрак қисқаришининг частотаси ва тингловчи-курсантлар толиқишининг ташқи аломатларидир.

Назоратчи машғулот вақтида қуйидаги ишларни бажаради:

– жисмоний юклама берилганда курсант-тингловчилар толиқишининг ташқи аломатлари (юз терисининг ранги, ҳаддан ташқари терлаш, нафас тезлиги, ҳаракатининг ноаниқлиги, диққатининг тарқоқлиги, ўзини ҳис қилиши)ни кузатади ва қайд қилиб боради;

– машғулотлар жараёнида ташқи аломатлар орқали юклама меъёрини аниқлайди;

– юкломанинг курсант-тингловчиларнинг функционал имкониятларига мувофиқ ёки мувофиқ эмаслигини аниқлайди;

– машғулотда жисмоний юкломанинг мақбуллигини текширади.

Юкломани текширишнинг нисбатан аниқ объектив нормасини билиш учун амалиётда кенг қўлланиладиган организмнинг жисмоний юкка реакциясининг амалий кўрсаткичи юрак қисқаришининг частотаси (ЮҚЧ) билан ҳисобланади.

Юрак-томир тизимининг функционал имкониятларини ошириш мақсадида юкломанинг меъёрини оширишда ЮҚЧнинг

миқдори бир дақиқада 130 мартадан паст бўлмаслиги талаби қўйилган. Бу рақам юрак уришининг максимал даражаси сифатида қабул қилинган.

Ўртача интенсивликдаги юкламанинг диапазони ЮҚЧ дақиқасига 130-160 ва катта интенсивликда эса дақиқасига 160-171 гача деб ҳисобланади.

Юкламанинг организмга таъсирини ЮҚЧнинг физиологик қия чизиғи орқали кўриш мумкин.


Машғулот вақтида «пульсометрия» назоратини амалга ошириш. Жанговар-жисмоний тайёргарлик машғулотларида курсант-тингловчиларга жисмоний юкламанинг таъсирини аниқлаш учун, ташқи аломатларни кузатиш орқали назорат қилиш билан бир қаторда, курсант-тингловчиларнинг ЮҚЧси ҳам текшириб борилади.

Бунинг учун машғулот бошланишидан 5-7 дақиқа олдин аввалдан танлаб олинган курсант ёки тингловчининг (икки нафардан кам бўлмаслиги лозим) ЮҚЧси аниқлаб олинади (танлаб олинган курсант (тингловчи)лар дарсда фаол қатнашувчилардан бўлиши керак). Курсант (тингловчи)нинг бош бармоқ асоси тагидаги биллак-кафт бўғини қисмига икки (кўрсаткич ва ўрта) бармоқ аста босилиб, пальпация орқали пульс топилади ва 10 сония вақтда томир уруши саналади. Бу сон 6 га кўпайтирилади. Шунда курсант (тингловчи)нинг юраги 1 дақиқада неча марта уриши аниқланади. 1 дақиқа мобайнида ҳам ўлчаш мумкин, лекин тезкорлик нуқтаи назаридан шу йўл билан аниқлаш қабул қилинган, нега деганда 1 дақиқа мобайнида организмнинг функционал ҳолатида нисбий тикланиш ҳолати юзага келиши мумкин. Шу йўсинда машғулотнинг тайёрлов қисмида юриш, югуриш ва ҳаракатдаги машқлардан сўнг, умум ривожлантирувчи машқлар орасида ва охирида, махсус

тайёрлов машқлари ўртасида ва сўнгида курсант (тингловчи)нинг ЮҚЧси аниқланади. Машғулотнинг асосий қисмида усуллар бажариш оралиқларида бир неча бор текшириб борилади. Машғулотнинг якуний қисмида ҳам организмни қайта тиклаш машқлари давомида шу ҳолат такрорланиб боради ва охириги текширув машғулотдан 5-6 дақиқадан сўнг амалга оширилади.

Машғулот жараёнида курсант (тингловчи)нинг организмга жисмоний юкламанинг таъсир этишини ЮҚЧнинг физиологик қия чизигини чизиш орқали кўриш мумкин, масалан:

- биринчи курсант (тингловчи)нинг юраги:
- машғулотдан 5-7 дақиқа олдин – 72 марта;
 - машғулотнинг тайёрлов қисмида – 84, 108, 120, 126 марта;
 - машғулотнинг асосий қисмида – 102, 108, 114, 132 марта;
 - машғулотнинг якуний қисмида – 120, 108, 96, 84 марта;
 - машғулотдан 5-6 дақиқа ўтгач – 78 марта;
- иккинчи курсант (тингловчи)нинг юраги:
- машғулотдан 5-7 дақиқа олдин – 60 марта;
 - машғулотнинг тайёрлов қисмида – 78, 84, 126, 132 марта;
 - машғулотнинг асосий қисмида – 106, 110, 126, 132 марта;
 - машғулотнинг якуний қисмида – 126, 108, 84, 78 марта;



– машғулотдан 5-6 дақиқа ўтгач – 72 марта урган.

Чизмада машғулот вақтида юрак қисқариш частотаси (пульс) икки курсант мисолида кўрсатилган⁴.

Бу усулда курсант (тингловчи)ни дарс жараёнида қисқа вақтга бўлса-да тўхтатишга тўғри келади, бу, ўз навбатида, ЮҚЧни ўлчашда аниқлик камайишига таъсир этиши мумкин. Ҳозирда инновацион технологияларнинг ривожланиши натижасида шуғулланувчининг ЮҚЧсини, шу орқали унга берилган жисмоний юкламани жуда аниқ билиб олиш имконияти ошди. Шундай аниқликни – Polar M430 пульсометр модели кўрсатиб бера олади⁵.

Polar M430 пульсометридан қўл жанги машғулотларида фойдаланиш ноқулайликларга олиб келиши мумкин, чунки бундай машғулотларда курсант-тингловчилар қўл зарбалари, зарбаларга қарши билан билан тўсиб қолиш машқларини, курашнинг йиқитиш, ташлаш усуллари бажарадилар. Бу ҳолатда шуғулланувчи жароҳатланиши ёки мосламага зарар этиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, пульсометриянинг қайси усулидан фойдаланиш дарс мавзуини эътиборга олиб ҳал қилинади.

Қайси усул қўлланишидан қатъи назар, натижалар таҳлили амалга оширилади.

Педагогик таҳлил учун махсус тайинланган ўқитувчилар бригадасидаги ўқитувчилар ўтказилган машғулот бўйича амалга оширган (педагогик назорат, хронометрик назорат, жисмоний юклама) ишлари юзасидан кафедра (цикл) йиғилишидаги муҳокамада таклиф ва тавсиялар берган ҳолда ўз фикр-мулоҳазаларини батафсил баён қиладилар.

Ўз якуний хулосаларини дарсга қўйилган мақсаддан келиб чиқиб ҳамда материалларни ўрганиш, такрорлаш ёки такомиллаштириш вазифасини инобатга олган ҳолда чиқарадилар, чунки қўйилган вазифага қараб машғулотнинг умумий ва мотор зичлиги, бериладиган юклама турлича бўлиши юқорида айтиб ўтилди.

Педагогик таҳлил раиси (кафедра (цикл) ёки ўқув жараёнини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи) машғулот (очиқ, кўргазмали, синов дарс) жараёнида қатнашганлар томонидан баён этилган таклиф ва тавсиялар, фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда якуний хулоса чиқаради ва машғулот ўтказган ўқитувчининг ютуқ ва камчиликларини, ижобий ва салбий ҳолатларини айтиб, ўз маслаҳатларини берган ҳолда баҳолайди.

¹ Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2014 йил 6 августдаги 109-сонли «Ўзбекистон Республикаси ИИВ ОТМларида ўқув жараёнини ташкил этиш тартиби тўғрисида»ги буйруғи.

² *Холодов Ж.К., Кузнецов В.С.* Теория и методика физического воспитания и спорта: Учебное пособие для студентов ВУЗов. – М., 2000. – С. 154.

³ *Баршай В.М., Курьсь В.Н., Павлов И.Б.* Гимнастика: Учебник. – Ростов-на-Дону, 2009. – С. 104.

⁴ *Гужаловский А.А.* Основы теории и методики физической культуры: Учебник для институтов физической культуры. – М., 1986. – 260 с.

⁵ www.Polar.com

Ў. Х. Мухамедов,

*ИИБ Академияси бошлигининг биринчи ўринбосари,
юримдик фанлар доктори, профессор*

ИЛҒОР ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАНИ ЎРГАНИШ АСОСИДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги «Ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3216-сон қарориди белгиланган кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини модернизация қилишнинг устувор йўналишларидан бири — таълим ва илмий тадқиқот соҳасидаги хизматларни интеграциялаш ҳамда дунё ахборот-таълим маконида Академиянинг нуфузини ошириш мақсадида халқаро ҳамкорликни янада кенгайтириш ва ҳар томонлама ривожлантиришдир.

Бугун Академиянинг халқаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш борасида турли мамлакатлар полиция таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштирувчи халқаро тузилмалар билан ҳамкорлик ўрнатиш борасида муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Яқинда Европа томонининг таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академиясининг делегацияси ана шундай нуфузли халқаро ташкилотлардан бири — Будапешт шаҳрида жойлашган Европа Иттифоқининг Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларини тайёрлаш бўйича агентлиги (СЕРОЛ) билан ҳамкорлик ўрнатиш мақсадида ушбу ташкилот қароргоҳига ташриф буюрди.

Делегация ташриф дастурига мувофиқ Академия масъул ходимлари билан СЕРОЛ

ижрочи директори Детлеф Шрёдер ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Ижрочи директор Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасида ўтказилаётган ислохотларни юксак баҳолаб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасида, жумладан кадрлар тайёрлаш масалаларида амалга оширилаётган ҳамкорликнинг аҳамиятини алоҳида қайд этди. Учрашув давомида Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси билан СЕРОЛ ўртасида ўзаро ҳамкорлик ўрнатиш истиқболлари хусусида фикр алмашилди.

Мулоқот чоғида ИИБ Академиясининг тузилиши, таълим, илмий-тадқиқот фаолияти, ўқув-методик, моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятига бағишланган тақдимот ўтказилди. Сўнгра СЕРОЛ фаолиятининг полиция ходимларини тайёрлаш, халқаро ҳамкорлик, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ўртасида тажриба алмашишга қўмаклашиш бўйича асосий йўналишлари, ушбу ташкилотга аъзо бўлиш тартиби, ҳамкорлик шакллари тўғрисида маълумот берилди.

СЕРОЛ Европа Иттифоқининг кадрлар тайёрлаш, илғор тажриба алмашиш жараёнида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг халқаро ҳамкорлигига қўмаклашувчи агентлиги ҳисобланади. Ташкилот ЕИГА аъзо давлатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ходимлари учун таълим муассасалари тармоғини бирлаштиради ҳамда жамоат

хавфсизлигини таъминлашнинг устувор соҳалари бўйича полиция ходимларини тайёрлашда ёрдам беради.

Агентлик ўз фаолиятини ҳар йили ишлаб чиқилиб, Европа комиссия билан маслаҳатлашилгандан кейин Европа Иттифоқи Кенгаши томонидан тасдиқланадиган дастурлар асосида амалга оширади. У жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка, хусусан кибержиноятчилик, терроризмнинг турли кўринишларига қарши кураш соҳаларидаги устувор вазифалардан келиб чиққан масалалар бўйича Европа, шунингдек бошқа давлатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ходимлари ўртасида ҳамкорлик ва тажриба алмашишга кўмаклашади.

СЕРОЛ агентлиги ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар асосида Европа Иттифоқига аъзо ва Ассоциацияҳақидаги келишувни имзолаган мамлакатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари миллий таълим муассасаларини бирлаштиради. Бунда Агентлик ўз фаолиятини ҳамкорлар учун грант маблағлари ажратиш орқали амалга оширади. СЕРОЛнинг ҳамкорларига Европа Иттифоқига кирувчи мамлакатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг 60 та таълим муассасаси киради.

Ташкилот фаолиятининг иккинчи йўналишини Албания, Босния ва Герцеговина, Грузия, Исландия, Молдова, Норвегия, Черногория, Туркия, Швейцария ва бошқа мамлакатлар, шунингдек Евроюст, Европол, Интерпол каби ташкилотлар билан ташқи ҳамкорликни амалга ошириш ташкил этади. Бундай ҳамкорлик ўзаро меморандум ва битимларга мувофиқ, шунингдек норасмий ҳамкорлик шаклида амалга оширилади.

Агентлик ҳар йили терроризмга, уюшган жиноятчиликка қарши кураш, ҳуқуқни қўллаш фаолиятида инсон ҳуқуқларини таъминлаш, одам савдосининг олдини олиш, наркотикларнинг ноқонуний муомалада бўлишига қарши кураш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда бошқарув фаолияти каби устувор йўналишларда

семинар ва конференциялар, кундузги ва масофадан туриб ўқитиш шакларида 100 га яқин курслар ташкил этади.

СЕРОЛ аъзо мамлакатлар миллий таълим тизими ўқув дастурларини бир хиллаштиришда кўмаклашувчи, уларни мувофиқлаштирувчи орган сифатида полиция таълими соҳасида ҳамкорликда дастурлар шакллантиради. Бунда Европа Иттифоқининг Европа комиссияси, Кенгаши, Европол ва бошқа органларининг тегишли тавсиялари инобатга олинади, уларнинг қарорларига мувофиқ устувор йўналишлар белгиланади.

Таъкидлаш жоизки, СЕРОЛ таълим шаклининг ўзига хослиги шундаки, унда қуйидагиларни қамраб олган кўп поғонали ёндашув қўлланади:

- СЕРОЛга аъзо мамлакатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари жойлашган ҳудудлардаги курс ва семинарлар;
- онлайн-семинарлар (вебинарлар);
- электрон таълим модуллари;
- Европа дастурлари доирасида икки ва кўп томонлама ахборот алмашуви;
- илмий конференциялар ўтказиш.

СЕРОЛ таълим тизимида икки йилга мўлжалланган магистратура ҳам назарда тутилган.

Бугунги кунда СЕРОЛда аъзо давлатларнинг миллий талаб ва эҳтиёжларига асосланган қуйидаги компетентлик профиллари ишлаб чиқилган:

- жиноятчиликка қарши кураш билан шуғулланувчи полиция ходимлари;
- СЕРОЛ тренерлари (инструкторлари);
- СЕРОЛ курслари ташкилотчилари.

СЕРОЛнинг e-Net платформаси рўйхатдан ўтган фойдаланувчиларга жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашнинг долзарб муаммоларини ёритувчи халқаро илмий нашрлар («Жиноятлар тўғрисидаги фан»; «Жиноятчилик, жиноят ҳуқуқи ва жиноятларга оид судлов бўйича Европа журнали»; «Криминология бўйича Европа журнали»; «Полиция тадқиқотлари бўйича Европа журнали»; «Жиноят-

чиликка қарши кураш сиёсати ва тадқиқотлар бўйича Европа журнали»; «Электрон хавфсизлик ва рақамли криминалистика бўйича халқаро журнал»; «Полиция фани ва бошқаруви бўйича халқаро журнал»; «Полиция ва юридик психология журнаלי»; «Полиция журнаלי: назария, амалиёт ва принциплар»; «Уюшган жиноятчиликдаги тамойиллар»; «Одам савдосига қарши кураш»; «Разведка ва терроризмга қарши кураш, полиция фаолияти бўйича журнал»; «Полиция амалиёти ва тадқиқотлари»; «Полиция ва жамоатчилик»; «Тўқнашувлар ва терроризм соҳасидаги тадқиқотлар» ва бошқалар)дан фойдаланиш имконини беради.

Электрон кутубхона CEPOL e-Net платформасининг таркибий қисми ҳисобланиб, полиция фаолиятига оид илмий маълумотларга эга. Фойдаланувчилар гуруҳига полиция ходимлари, тренерлар, миллий полиция таълим муассасалари (ЕИГА аъзо давлатлардаги коллежлар, академиялар)нинг ўқитувчилари, шунингдек университет, илмий-тадқиқот институтларининг полиция фаолияти соҳасида изланишлар олиб бораётган етакчи олимлари киради.

Аъзо мамлакатлар ва уларнинг полиция таълим муассасалари кенг доирада фаолият кўрсатишини инобатга олиб, электрон кутубхонада *Ҳамжамият* ва *Коллекция* номли асосий элементлардан фойдаланиш ташкил этилган. CEPOLда иштирок этувчи ҳар бир давлат полиция кучлари ёки полиция коллежи (академияси)дан иборат бир қатор тармоқларга эга *Ҳамжамият* ҳисобланади. *Коллекция* элементи маълумотлар базаси бўлиб, фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларини қондириш учун қуйидаги бўлимлардан ташкил топган:

— тажриба ва илғор амалиётга тааллуқли умумий материаллар, ҳисоботлар, расмий муурожаатлар;

— илмий тадқиқотлар натижалари ва лойиҳалари тўғрисидаги маълумотлар;

— алоҳида гуруҳлар, яъни CEPOL курслари ёки семинарлари иштирокчилари

фойдаланиши мумкин бўлган маълумотлар.

CEPOL электрон кутубхонага ўз материалларини тақдим этган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг малакали экспертларини, полиция фаолияти соҳасида илмий тадқиқот олиб бораётган олимларни рағбатлантириб боришни йўлга қўйган. Бунда қиёсий тадқиқотлар ва Европага оид материалларга устунлик берилади.

Мулоқотлар доирасида Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси ва CEPOL ўртасида кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, шунингдек илмий тадқиқот соҳасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги Меморандумни имзолаш истиқболларига алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистон томони ушбу Меморандумни имзолаш келгусида таълим муассасаси халқаро ҳамкорлигини ривожлантириш ва мустаҳкамлашда алоҳида аҳамият касб этишини, ўқув дастурлари, касбий таълим стандартлари, инновацион таълим технологияларини ўзаро алмашиш муҳим ҳуқуқий асос бўлишини таъкидлади.

Европа томони Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси вакилларининг ушбу илк ташрифи ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш ва полиция учун кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштиришда мустаҳкам пойдевор бўлишини қайд этди.

Ташриф давомида қуйидагиларга эришилди:

кундузги таълим ва масофадан туриб ўқитиш учун ўқув дастурларини тақдим этиш орқали кадрлар тайёрлаш, таълим технологиялари соҳасида ўзаро тажриба алмашиш;

CEPOL e-Net платформасида жойлаштирилган халқаро илмий нашрлардан фойдаланиш учун рўйхатдан ўтказиш;

профессор-ўқитувчиларнинг илмий мақолаларини CEPOL Ахборотномасида эълон қилиш;

терроризмнинг турли кўринишлари, наркотикларнинг ноқонуний айланиши, одам савдосига қарши кураш бўйича CEPOL томонидан ташкил этиладиган конферен-

ция, семинар-тренинг ва вебинарларда Ўзбекистон Республикаси ИИВ тизимидаги олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, илмий ходимлари иштирок этиши учун шароит яратиш;

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ва CEPOL даврий нашрларида чоп этиш ҳамда расмий сайтларида, электрон кутубхона фондларида жойлаштириш учун педагогик, ўқув-методик фаолиятга доир материалларни ўзаро алмашиш.

Делегация аъзолари CEPOL биносида жойлашган кундузги таълим ва масофадан туриб ўқитиш имкониятлари ҳамда бошқа ўқув объектлари билан танишдилар.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ва CEPOL ўртасида эришилган келишувлар ушбу нуфузли халқаро ташкилот фаолиятига оид долзарб мавзуларни, e-Net платформасидаги илмий-амалий ахборот материалларини ўқув жараёни, олий ўқув юртидан кейинги таълим илмий тадқиқот ишлари, малака ошириш факультетининг ўқув-услубий комплексларига кенг жорий этиш, ички ишлар органлари учун кадрлар тайёрлаш, уларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимида масофадан туриб ўқитиш бўйича CEPOL тажрибасини ўрганишда амалий ифодасини топишига ишончимиз комил.

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК:

ИИВ АКАДЕМИЯСИНИ ПРОФЕССИОНАЛ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МАСКАНИГА АЙЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

2018 йил 5-9 март кунлари Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг бошлиғи генерал-лейтенант Б.А.Матлюбов раҳбарлигида Академиянинг тўрт нафар ходими Туркия Республикасида бўлиб, ушбу мамлакатнинг полиция ўқув масканларида кадрлар тайёрлаш тажрибаси ўрганилди.

Ташриф давомида Туркия Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги бош бошқармасининг ўндан ортиқ бошқармалари, улар қошида ташкил этилган полиция ходимларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш ўқув марказларининг фаолияти билан танишилди.

Туркия ИИВ Жамоат хавфсизлиги бош бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси ИИВ таркибидаги бошқармалардан фарқли равишда, миллий ва халқаро даражадаги ўқув

курсларини ташкил қилиб келади. Миллий ўқув курслари бепул бўлиб, Туркия полиция ходимларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш учун хизмат кўрсатади. Халқаро даражадаги ўқув курслари ва семинар-тренинглар эса пулли бўлиб, ҳамкор давлатлар истагига кўра, бир қатор долзарб мавзулардаги курсларда ўқиш таклиф этилади.

Шунингдек, бошқармалар мазкур ўқув марказлари фаолиятини самарали ташкил этишда Туркия ҳамкорлик ўрнатган халқаро ташкилотлар: Жаҳон Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти, Қора денгиз Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси, Наркотикларни назорат қилиш халқаро

қўмитаси, Наркотиклар ва наркомания бўйича Европа мониторинг маркази, Марказий Осиё Минтақавий ахборот мувофиқлаштирувчи маркази имкониятларидан кенг фойдаланиб келишмоқда.

Туркия Полиция академиясига амалга оширилган ташриф давомида Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг бошлиғи генерал-лейтенант Б.Матлюбов ва Туркия Полиция академиясининг президенти Й.Чолак томонидан таълим ва фан соҳасида ўзаро ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Учрашув давомида томонлар меморандум доирасида кадрлар тайёрлаш, уларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, жиноятларнинг барвақт олдини олиш ва уларга қарши курашишда илғор иш усуллари бўйича тажриба алмашиш, илмий тадқиқот ишларини амалга оширишда ҳамкорликни йўлга қўйиш каби долзарб масалаларда келишиб олишди.

Ташриф давомида Туркия Республикаси Бош вазири аппарати қошидаги Ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги (ТІКА) президенти Сердар Чам билан учрашув

бўлиб ўтди. У Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан мамлакатдаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизими фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган ислохотларга юқори баҳо бериб, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ўртасидаги, шу жумладан, кадрлар тайёрлаш масаласидаги ҳамкорликни ривожлантиришнинг аҳамиятига алоҳида эътибор қаратди. Ўзбекистонда кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш соҳасидаги тегишли лойиҳаларни жорий этишда ТІКА билан ҳамкорлик катта натижалар беришига ишонч билдирди.

Юқорида қайд этилган ҳамкорлик йўналишлари ва тажрибалар асосида ўқув жараёнининг тузилишини қайта кўриб чиқиш, яъни давр нафасига мос келувчи, мутлақо янги мазмундаги ўқув фанлари, ўқув дастурлари яратиш, илмий, ўқув, ўқув-методик адабиётларнинг янги авлодини тайёрлаш ва чоп этиш, таълим жараёнида назария ва амалиёт уйғунлигига эътибор қаратиб, ўқув жараёнига таниқли олимлар ҳамда катта тажрибага эга амалиёт ходимларини жалб этиш кўзда тутилмоқда.

У. А. Қодиров,

*ИИБ Академияси илмий-тадқиқот ишларини мувофиқлаштириш
бўлими бошлиғи, юридик фанлар номзоди, доцент*

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШДА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

Аннотация. Мақолада коррупцияга қарши курашиш, мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, ривожланган давлатларнинг илғор тажрибалари, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш масалалари кўриб чиқилган.

Таянч тушунчалар: коррупция, жиноят, ислохот, мансабдор шахс, фуқаро, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият.

Зарубежный опыт в борьбе с коррупцией

Аннотация. В статье рассмотрены вопросы, связанные с борьбой с коррупцией, социальными реформами, проводимыми в нашей стране в годы независимости, передовой опыт развитых стран и развитие правового сознания и культуры граждан.

Ключевые слова: коррупция, преступление, реформа, должностное лицо, гражданин, правовое сознание, правовая культура.

Foreign experience in combating corruption

Annotation. The article deals with the issues connected with combating corruption, social reforms carried out in the years of independence in our country, progressive experiences of developed countries, development of legal consciousness and culture of citizens.

Key words: corruption, crime, reform, official, citizen, legal consciousness, legal culture.

Ҳозирги кунда коррупциянинг халқаро миқёсга чиққани бутун дунёда эътироф этилган. Бу унинг халқаро сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалар самарадорлигини кескин пасайтирувчи трансмиллий турлари пайдо бўлганида ўз ифодасини топмоқда. Коррупция ҳодисасини ҳар қандай давлатда кўриш мумкин. Шу боис мазкур ижтимоий иллатга қарши курашиш масаласи борган сари катта аҳамият касб этиб бормоқда. Зеро, коррупция давлат институтлари ва ижтимоий ҳаёт барқарорлигига таҳдид солувчи хавfli жиноятдир.

Коррупция – катта ё кичиклиги, бой ёки камбағаллигидан қатъи назар – барча мамлакатларда учрайди. Лекин у ривожланаётган давлатларга ҳалокатли таъсир кўрсатади. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, коррупцияга қарши курашда кескин ва самарали чоралар кўрилмаслиги унинг жиноий, иқтисодий ва ижтимоий муаммодан сиёсий муаммога айланишига, мамлакат

конституциявий тузумининг асосларига путур етказувчи миллий офат даражасига кўтарилишига олиб келади.

Коррупция – ҳар қандай давлатнинг сиёсий тузуми, иқтисодий-ижтимоий ривожланиш даражасидан қатъи назар – бутун дунёда глобал муаммо ҳисобланади. Жумладан, яқин ўтмишда Осиё қитъасида жойлашган Жанубий Корея, Туркия ва Покистон давлатларининг собиқ раҳбарлари ва юқори мартабали мансабдор шахслари ўз мансаб ваколатларини суиистеъмол қилганликлари учун уларга нисбатан парламент томонидан текширувлар ўтказилган.

Россия, Франция, Германия, Буюк Британия, Италия, Япония ва АҚШ каби ривожланган мамлакатларда ҳам давлат хизматидаги мансабдор шахсларнинг коррупциялашуви тез-тез учраб туради. Мисол учун, 90-йилларнинг иккинчи ярмида Германияда 2 мингга яқин мансабдор шахсга нисбатан порахўрлик ҳолатлари

бўйича расман жиноят ишлари кўзгатилиб, тергов қилинган. Буюк Британия парламенти-га ўтказилган сайловда депутатликка номзод М. Фарвар ўз рақибига у сайловолди кампания-си вақтида қаттиқ курашмаслиги учун 5 минг фунт стерлинг миқдорида пора берган¹. Россия Федерациясининг Ички ишлар вазири ва Федерал хавфсизлик хизмати-нинг маълумотларига кўра, Россияда давлат ҳокимияти органларидаги мансабдор шахслар уюшган гуруҳларнинг камида ўндан бир қисмига жиноят содир этишда кўмаклашган².

Ҳар бир мамлакат, халқ «жиноят», «коррупция» каби тушунчаларни ўз дунё-қараши, тафаккури ва менталитети даражаси-дан келиб чиққан ҳолда турлича тасаввур қилади. Айрим мамлакатларда «коррупция» «порахўрлик»нинг синоними ҳисобланса, бошқа мамлакатларда кенгроқ маънода, яъни давлат ҳокимияти, ҳатто жамиятнинг маънавий инқирози сифатида талқин этилади.

Бугунги кунда коррупция муаммосига жаҳон мамлакатларининг деярли ҳар бирида дуч келиш мумкин. Аммо бу коррупция ҳамма ёқда бир хил дегани эмас. Унинг вужудга келиш сабаблари турли давлатларда турлича бўлиб, уларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражаси билан боғлиқ. Шу боис коррупциянинг олдини олиш ва унга барҳам беришнинг универсал маъмурий-ҳуқуқий воситаларини ишлаб чиқишнинг деярли иложи йўқ.

Айрим тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, коррупция даражаси энг паст бўлган давлатлардан бири **Финляндия** ҳисобланади. Ҳозирги кунда ушбу давлатда йилига 3-4 та порахўрлик билан боғлиқ жиноят ишлари кўрилади. 1980 йилдан 1989 йилгача ўтган ўн йил мобайнида атиги 81 нафар шахс пора олганлик учун, 49 нафар шахс эса пора берганлик учун жазоланган.

Шуниси эътиборга лойиқки, Финляндия Жиноят кодексига «коррупция» деган тушунчанинг ўзи йўқ. Унда мансабдор шахсларнинг порахўрлиги учун жиноий жавобгарлик белгиланган бўлиб, бундай жиноятни содир этган мансабдор шахсларга

қилмишининг ижтимоий хавфлилигига қараб, жарима ёки 4 йилгача муддатга озод-ликдан маҳрум этиш жазоси қўлланилади. Ажабланарлиси, Финляндияда коррупцияга қарши кураш ҳақида махсус қонун йўқ, бу билан шуғулланувчи махсус орган ҳам тузилмаган. Коррупцияга қарши умумий жиноятчиликнинг бир қисми сифатида кураш олиб борилади. Финляндиянинг Конституцияси, Жиноят кодекси, Фуқаро-лик хизмати тўғрисидаги қонуни, маъмурий бошқарувга оид йўриқномалари ва бошқа қонуности ҳужжатлари коррупциянинг олдини олишга қаратилган. Улар орасида энг муҳими Ахлоқ қоидаларидир. Финляндияда коррупциянинг олдини олишга қаратилган ҳужжатлар ижроси устидан назорат мамлакат президенти томонидан тайинланадиган, бироқ бутунлай мустақил фаолият юритадиган Адлия канцлери ва парламент вакили (Омбудсман) томонидан олиб борилади. Улар ҳокимиятнинг барча тармоқлари фаолиятини назорат қилиш ваколатига эга.

Юқори мартабали мансабдор шахсларни айблашга доир жиноят ишлари махсус ташкил этилган Давлат суди томонидан кўриб чиқилади. Бу суд ҳаттоки давлат раҳбарига оид ишларни ҳам кўриб чиқиш ваколатига эга. Унга Адлия канцлери, парламент вакили (Омбудсман), ҳукумат вакиллари, Олий суд ва маъмурий суд судьялари аъзо бўлиши мумкин. Шунини алоҳида қайд этиш лозимки, Финляндияда оммавий ахборот воситалари ижтимоий назоратнинг муҳим воситаси бўлиб хизмат қилади. Ҳукумат эса уларга нафақат эркинлик яратиб берган, балки ҳар бир эълон қилин-ган коррупция ҳолати бўйича аниқ чоралар кўриб боради. Финляндия коррупцияга қарши бир қанча халқаро ҳужжатларга кўшил-ган бўлиб, халқаро ташкилотлар ва бошқа давлатлар билан фаол ҳамкорлик қилади.

Америка Қўшма Штатларида давлат ҳокимияти органларини коррупциянинг зарарли таъсиридан сақлаш зарурати XIX асрдаяқ давлат сиёсатининг устувор йўналиш-ларидан бири сифатида белгиланган³. Лекин бу йўналишдаги ишлар фақат XX аср

ўрталарига келиб жадал тус олди. Шуниси диққатга сазоворки, АҚШ қонунларида манфаатлар тўқнашуви нафақат давлат хизматчиси ўз вазифасини бажариши чоғида юзага келиши, балки давлат ҳокимияти органларида ўз хизматини тўхтатган шахс билан ҳам шундай ҳолат рўй бериши мумкинлиги назарда тутилган.

Францияда эса давлат хизмати тизимида коррупциянинг олдини олиш ва унга барҳам бериш мақсадида ХХ асрнинг 90-йилларида сайланган барча давлат хизматчиларига ҳамда коррупция таъсирига берилиши мумкин бўлган жамоат хизмати кадрларига ўз мол-мулки ва даромади ҳақида мустақил идораларга маълумот бериш мажбуриятини юклаган тўғрисида қарор қабул қилинган⁴. Бундан ташқари, давлат аппарати юқори мартабали ходимларининг даромадлари ва мол-мулки ҳақидаги декларациялари кенг миқёсда ошкор этилишини таъминлайдиган ҳуқуқий ва ташкилий асослар яратилди. Шу билан бирга, маъмурий муассасада имзоланган муносабатлар ёки улар томонидан берилган рухсатлар ҳақида кенг жамоатчиликка ахборот бериш шакллари ишлаб чиқилган. Йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун шу жойнинг ўзида жарима тўлаш тақиқланган.

Шунингдек, Франция ҳукумати Ҳисоб палатасининг ваколатларини кенгайтириш, корхоналарнинг ўз ходимларини коррупция хавфидан сақлаш учун ички аудит ва назорат тадбирлари ўтказиш борасидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Бундан ташқари, Франция ҳукумати Адлия вазирлиги қошида Коррупцияга қарши кураш марказий хизматини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Россия Федерацияси бугун коррупцияга қарши самарали кураш олиб бораётган давлатлардан биридир. Мутахассислар томонидан Россияда коррупциянинг мутгасил кучайиб, ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларига кириб бораётгани тўғрисида кўп бонг урилган. Буни бир неча бор ўтказилган ижтимоий сўровлар ҳам тасдиқлайди⁵. Мазкур иллатнинг олдини олиш ва унга қарши кескин курашиш мақсадида 1992 йилда «Давлат хизмати тизимида коррупцияга қарши кураш тўғрисида»ги Фармон эълон қилинди. 1997 йил ноябрь ойида Россия Федерацияси Думасида «Коррупцияга қарши кураш тўғрисида»ги қонун учинчи ўқишда қабул қилинди. Шу билан бирга, Коррупцияга қарши курашни кучайтириш бўйича федерал давлат дастури ишлаб чиқилди. Мазкур қонун коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни фош қилиш ва тўхтатиш, оқибатларини бартараф қилиш ҳамда айбдор шахсларни жазолаш учун шароит яратиш йўли билан инсон ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият манфаатларини, давлат хавфсизлигини ҳимоя қилишга қаратилди.

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш керакки, ҳеч бир мамлакат — у хоҳ бой бўлсин, хоҳ камбағал — ушбу салбий ҳодисадан бутунлай сақлана олмайди. Коррупция давлат секторида ҳам, хусусий секторда ҳам ўзини кўрсатиши мумкин. Аммо ундан фақат бир тараф, яъни жамият зарар кўради. Коррупциянинг ривожланаётган мамлакатларда қуйи табақага етказадиган зарари айниқса катта. У кундалик ҳаётга ҳар хил кўринишларда салбий таъсир этиб, одамларнинг янада қашшоқланишига олиб келади.

¹ Скосырев М. «Медовый месяц» со скандалом // Известия. — 1997. — 21 июня.

² Куликов А., Иванов Е. Коррупция как угроза национальной безопасности России // Обозреватель. — 2009. — № 4.

³ Коррупцияга қарши илғор амалиётлар: Ўқув қўлланма. — Т., 2003. — Б. 47.

⁴ Ўша асар.

⁵ Бегматов С.А. Коррупция — ижтимоий хавфсизликка таҳдид. — Т., 2016. — Б. 6.

И. А. Хамедов

профессор Университета мировой экономики и дипломатии, руководитель
Исследовательского центра международного и сравнительного публичного
права при УМЭД, доктор юридических наук, профессор

НАУЧНОЕ НАСЛЕДИЕ, ЖИЗНЕННЫЙ ПУТЬ АКАДЕМИКА А.АГЗАМХОДЖАЕВА – ДОСТОЯНИЕ НОВЕЙШЕЙ ИСТОРИИ УЗБЕКИСТАНА

Аннотация. В статье говорится о жизни и деятельности выдающегося государственного и общественного деятеля, крупного ученого – академика А.Агзамходжаева, обосновывается актуальность применения его научного наследия в период осуществления демократических преобразований.

Ключевые слова: государственный и общественный деятель, история конституционного строительства, теория государственного суверенитета, местные органы государственного управления.

Академик А.Аъзамходжаевнинг илмий мероси, ҳаёт йўли – Ўзбекистон энг янги тарихининг ютуғи

Аннотация. Мақолада машҳур давлат ва жамоат арбоби, таниқли академик олим А.Аъзамходжаевнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида сўз юритилади, демократик ислоҳотлар даврида унинг илмий меъросидан фойдаланишнинг долзарблиги асослаб берилган.

Таянч тушунчалар: давлат ва жамоат арбоби, конституциявий қурилиш тарихи, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари.

Scientific heritage, course of life of the academician A.Agzamhodjaev – heritage of new history of Uzbekistan

Annotation. The article deals with the life and activity of prominent statesman and public figure, outstanding scientist, academician A.Agzamhodjaev. Topicality of implementation of his scientific heritage in the period of realization of democratic transformations is scientifically grounded.

Keywords: statesman and public figure, history of constitutional building, theory of state sovereignty, local bodies of government.

Выступая на торжественном собрании, посвященном 25-й годовщине принятия Основного закона страны, Президент Республики Узбекистан Ш.Мирзиёев сказал: «Отмечая сегодня 25-летие нашей Конституции, мы с глубоким уважением вспоминаем заслуги тех, кто внес неоценимый вклад в её разработку и принятие». Безусловно, в числе первых, чьё имя всегда будут помнить в нашей стране – имя Анвара Агзамовича Агзамходжаева, учёного, который непосредственно участвовал в разработке Основного закона, являясь заместителем руководителя рабочей группы по подготовке проекта Конституции, а также

многое сделал для формирования правовых основ независимого Узбекистана.

В исторической памяти нашего народа академик А.Агзамходжаев запечатлен как крупный учёный, блестящий педагог, внесший огромный вклад в развитие юридической науки и образования. Он автор более ста научных трудов по наиболее актуальным направлениям современного государствоведения, основатель известной далеко за пределами страны школы административного права. Его труды можно встретить в университетах ближнего и дальнего зарубежья, в том числе американских, английских, немецких, французских.

Он был первым ректором созданного в 1991 г. Ташкентского юридического института. Сотни его учеников, в том числе и мы, получили из его рук путевку в большую науку, путевку в жизнь. И сейчас, когда в нашей стране ведется очень большая работа по коренному улучшению, совершенствованию системы юридического образования, подготовки юридических кадров, все мы — юристы нашего поколения, не можем не вспомнить, что именно под его руководством была создана замечательная школа подготовки юридических кадров, превосходный научный потенциал, востребованный и используемый до сих пор.

А.Агзамходжаев был видным государственным и общественным деятелем, в разные годы работал первым заместителем министра высшего и среднего образования, юстиции, академиком — секретарем отделения Академии наук. Он представлял отечественную юридическую науку во многих международных научных форумах, официальных межгосударственных симпозиумах (во Франции, в Финляндии, Бельгии, Венгрии, Алжире, Албании, Монголии, во всех республиках Советского Союза), избирался вице-президентом Ассоциации политических наук и членом международной Ассоциации юристов-демократов, членом редколлегии общесоюзного журнала «Правоведение». Он внес большой вклад в разработку конституций Венгрии, Монголии, Йемена, будучи действительным членом и консультантом рабочей комиссии по выработке проектов конституций этих стран, что является реальным вкладом в развитие государственно-правовых систем этих стран и проявлением международного масштаба личности академика А.А.Агзамходжаева.

Являясь членом Конституционного надзора СССР (1989-1991 гг.), председателем Национального комитета по правам человека (1993-1994 гг.) в те непростые годы обретения независимости, когда ломались, решительно демонтировались сами основы государственного устройства, он многое сделал для

формирования, становления национальной государственности Узбекистана, основанной на новых для нас принципах демократического правового государства.

Поскольку имя учёного живет прежде всего в его учениках и его научных трудах, на особо хотелось бы отметить огромное значение его научного наследия. Безусловно, научные труды А.Агзамходжаева, посвященные наиболее актуальным проблемам государствоведения, составляют значительный исторический пласт нашей юридической науки и практики. Кроме того, по ряду причин его научные труды, гражданская позиция и принципы, которыми ученый руководствовался всю жизнь, имеют чрезвычайно важное значение и в наши дни — в период осуществления глубоких демократических преобразований во всех сферах жизни общества и государства.

Во-первых, важнейшим условием формирования эффективной правовой политики любого общества является историзм, и благодаря научным трудам А.Агзамходжаева, в которых дается системное, детальное изложение истории конституционного строительства в Узбекистане, мы имеем четкое представление о предпосылках нашей современной государственности.

При этом, что особенно важно, труды учёного содержат теоретико-методологические модели совершенствования системы государственного управления в условиях проведения общественно-политических реформ.

Во-вторых, насыщенная яркими историческими событиями жизнь А.Агзамходжаева — пример, особенно для молодежи, беззаветного служения учёного своей Родине, своему народу. В ту советскую пору, когда патриотизм, отстаивание интересов своей республики могли вызвать обвинения в национализме, Анвар Агзамович издает ряд глубоких по содержанию работ, посвященных фундаментальным и прикладным проблемам в области теории государственного суверенитета, которые и сегодня звучат особенно актуально.

В-третьих, исключительно актуальны и сегодня, в процессе формирования и реализации активной внешней политики Узбекистана, взгляды А.Агзамходжаева, его трактовка принципа неделимости суверенитета. Суверенитет неделим и речь может идти, как об этом писал А.Агзамходжаев, о передаче или точнее — наделении полномочиями каких-либо межгосударственных организаций.

В условиях стремительной глобализации, которую переживает современный мир, последовательная реализация этих идей в Основном законе, законодательстве, правоприменительной практике является важной гарантией независимого развития нашей страны.

В-четвертых, большой научный и практический интерес имеют результаты, как их называл сам Анвар Агзамович, историко-теоретических исследований проблем национально-государственного размежевания. Национально-государственное размежевание, считал он, должно не разъединять народы нашего региона, а наоборот — стать важнейшей основой их дальнейшей консолидации, тесного сплочения¹. Как видно, эти идеи глубоко созвучны с той огромной по масштабам работы, осуществляемой сегодня Главой нашего государства по углублению сотрудничества Узбекистана с соседними государствами Центральной Азии. В своем Послании Парламенту в декабре 2017 г. Президент Ш.Мирзиёев сказал: «В соответствии с принятой в нашей стране Стратегией действий мы последовательно продолжим политику всестороннего развития дружеских взаимовыгодных связей со всеми странами дальнего и ближнего зарубежья, прежде всего с соседними государствами...».

В-пятых, исключительно актуальными являются исследования А.Агзамходжаева, посвященные проблемам развития института представительных органов власти — Советов народных депутатов. В своих работах он вскрывает системные недостатки в работе органов представительной власти того

периода, причины и факторы их возникновения и предлагает пути повышения роли избранных народом депутатов в решении важнейших проблем социального и экономического развития. Он пишет, что сложившаяся практика, когда нарушаются сроки созыва сессий местных советов, ограничивает возможности депутатов влиять на работу в сфере хозяйственного строительства.

Проведя глубокий анализ положения дел на местах, он отмечает, что члены постоянных комиссий многих Советов еще недостаточно привлекаются к разработке планов развития городов и районов, подготовке вопросов для рассмотрения на сессиях Советов, к проверке исполнения принятых решений. В этом он видит одну из причин серьезных недостатков в работе исполкомов: частая смена работников исполкомов, нарушения законности, принятие ими неправомερных решений и т.д.

Ссылаясь на принятые в тот период государственные решения, А.Агзамходжаев отмечает важность соблюдения демократических принципов, определяющих необходимость систематического информирования населения о работе Советов и принятых ими решениях, осуществления наказов избирателей². Он обосновывает необходимость совершенствования организационно-правовых механизмов, призванных обеспечить «...регулярную отчетность исполкома перед советами и депутатов перед избирателями». Важнейшей задачей он считает «укрепление связи с массами», обеспечение внимательного подхода «к нуждам и запросам трудящихся»³. В работе, изданной почти 40 лет назад, Анвар Агзамович обосновывает необходимость «шире проводить принцип гласности в работе местных Советов». Для улучшения работы представительных органов на местах он считает необходимым четко разграничить круг вопросов, входящих в компетенцию местного совета, особенно при его взаимодействии с вышестоящими Советами. Он, в частности, предлагает принять специальный нормативно-правовой акт, определяющий

четкий порядок внесения и рассмотрения запроса депутатов местных Советов. В своих работах Анвар Агзамович пишет о необходимости оптимального сочетания «планового начала с максимальным развитием инициативы и самостоятельности местных органов государственного управления». Вчитываясь в работы ученого, еще и еще раз убеждаешься в исторической обоснованности, правильности сегодняшнего стратегического курса Главы нашего государства на повышение роли и места Парламента, кенгашей народных депутатов в системе органов государственной власти и управления.

Эти и целый ряд других прогрессивных для того времени идей Анвара Агзамовича могли бы быть использованы в рамках масштабных демократических реформ, осуществляемых сегодня под руководством Президента Республики Узбекистан Ш.Мирзиёева.

В-шестых, основатель известной за пределами республики школы государственного, административного права А.Агзамходжаев создал ряд научных трудов по административному праву, государственному (конституционному) праву, содержащих прогнозы, выводы и рекомендации в области государственного строительства и управления, по вопросам централизации системы, компетенции государственных органов и административно-территориального управления, развития образования и науки, которые не потеряли своей актуальности и в наши дни.

Эти и целый ряд других идей академика Агзамходжаева, выработанные им предложения по оптимизации системы управления представляют большой интерес и в контексте реализуемой в стране Концепции административной реформы. Так, в соответствии с Указом Президента Республики

Узбекистан от 22 января 2018 г. «О Государственной программе по реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах в «Год поддержки активного предпринимательства, инновационных идей и технологий» предстоит огромная работа по дальнейшей модернизации системы государственного и общественного строительства.

В частности, предстоит реализовать меры по пересмотру задач и структур органов исполнительной власти, повышению самостоятельности руководителей министерств, ведомств и органов государственной власти на местах, передаче отдельных полномочий центральных органов местным органам власти.

Раскрыть всю суть и все содержание научного наследия нашего УСТОЗА А.Агзамходжаева в небольшой статье — задача невыполнимая: оно многогранно и высоко значимо. Важен сам вывод, который заключается в том, что нам — сегодняшнему поколению юристов, в условиях, когда юридическая наука переживает непростые времена, открывает новую для себя страницу государственного строительства, крайне необходимо глубоко изучать научные труды наших учителей. И, безусловно, особую ценность для нас представляет научное наследие академика А.Агзамходжаева, уроки его жизни. Казалось бы, он жил и плодотворно трудился в другую эпоху и сейчас другое время, изменилось общество, страна, люди. Однако в том, что составляет содержание новейшей истории Узбекистана, основу нашей сегодняшней жизни, её светлых перспектив, мы не можем не увидеть ростки, заложенные и оставленные нам — своим преемникам — дорогим нашим учителем Агзамходжаевым Анваром Агзамовичом.

¹ Агзамходжаев А. Образование и развитие Узбекской ССР. — Т., 1971. — С. 91, 92.

² История Советского государства и права Узбекистана Т. III (1937-1958). — Т., 1968. — С. 517.

³ Там же.

Т. С. Абдуқодиров,

ИИВ Академияси дастлабки тергов ва криминалистика кафедраси ўқув-методик кабинети бошлиғи

ТЕРГОВГА ҚАДАР ТЕКШИРУВ ИНСТИТУТИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Аннотация. Мақолада терговга қадар текширув жараёнида амалга ошириладиган процессуал ҳаракатлар доираси, терговга қадар текширув муддати, субъектлари ва уларнинг вазифалари билан боғлиқ хусусиятлари ёритилган, терговга қадар текширув институтини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таянч тушунчалар: суд-ҳуқуқ ислоҳотлари, жиноят процесси, ишни судга қадар юритиш, терговга қадар текширув, процессуал ҳаракат, процессуал муддат.

Особенности института доследственной проверки и перспективы его дальнейшего совершенствования

Аннотация. В статье раскрываются особенности института доследственной проверки, круг процессуальных действий, осуществляемых в ходе доследственной проверки, ее сроки, субъекты и задачи; разработаны предложения и рекомендации по совершенствованию института доследственной проверки.

Ключевые слова: судебно-правовые реформы, уголовный процесс, досудебное производство, доследственная проверка, процессуальные действия, процессуальный срок.

Peculiarities of pre-investigation inspection institute and prospects of its further improvement

Annotation. The article reveals the features of pre-investigation inspection institute, conditioned by the range of procedural actions carried out during the pre-investigation inspection, its terms, subjects and tasks. The author develops proposals and recommendations on improvement of pre-investigation inspection institution.

Key words: judicial-legal reforms, criminal procedure, pre-trial proceedings, pre-investigation inspection, procedural actions, procedural term.

Ўзбекистон Республикаси ташкил топганидан кейин ўтган қисқа фурсат ичида жамиятда қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган кенг қамровли суд-ҳуқуқ ислоҳотлари амалга оширилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси қабул қилиниши қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш, одил судловни амалга ошириш самарадорлиги ва сифатини ошириш, жиноят иши юритувининг процессуал асосларини ҳамда жиноят ишларини кўриб чиқиш тартибини такомиллаштириш учун муҳим пойдевор бўлди.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури доирасида 2017 йил 6 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Суриштирув институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуни мамлакатимизда терговга қадар текширувнинг мустақил процессуал институт сифатидаги мақомини мустақкамлади. Қонуннинг қабул қилиниши терговга қадар текширувнинг тезкорлик билан ўтказилишини таъминлашга, терговчилар иш сифатини оширишга, шунингдек

жиноят ишларини текширишда бир-бирини такрорлашнинг олдини олиш ва сансалорликни баргараф этишга кўмаклашди.

Шу ўринда «терговга қадар текширув» тушунчаси ва моҳиятига тўхталиб ўтиш жоиз. Д.М.Миразов таъкидлаганидек, «терговга қадар текширув жиноят процессининг бирламчи босқичи бўлиб, унда жиноятлар тўғрисидаги ариза, хабар ва бошқа маълумотлар текширилиши ва жиноят ишини кўзгатиш ёки кўзгатмаслик масаласи ҳал этилади. Ушбу босқичда жинойий қилмиш натижасида жабрланган фуқароларнинг қонуний манфаатларини муҳофаза қилишни амалга ошириш жараёни бошланади»¹.

А.С.Лизуновнинг фикрича, терговга қадар текширув жиноят-процессуал ваколатли давлат органлари мансабдор шахсларининг қонун билан тартибга солинган фаолияти бўлиб, бунда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга келиб тушган содир этилган ёки тайёргарлик кўрилатган жиноят тўғрисидаги хабар текширилади, содир этилган қилмишнинг оғирлик даражаси аниқланади, шунингдек жиноят содир этган шахс ёки шахсларни аниқлаш чоралари кўрилади².

И.Л.Петрухин эса: «Терговга қадар текширув жиноят ишини кўзгатиш процессуал босқичининг ядроси бўлиб, жиноят процессининг бошқа босқичларидан нопроцессуал усулларда ўтказилиши билан фарқланади»³, деб ҳисоблайди.

Жиноят-процессуал кодексда (320¹-модда) терговга қадар текширув ишни судга қадар юритиш шакллари билан бири бўлиб, жиноятга оид ариза, хабар ва бошқа маълумотларни текшириш, кўриб чиқиш натижаси юзасидан қарор қабул қилишга доир тадбирларни, шунингдек иш учун аҳамиятли бўлиши мумкин бўлган жиноят излари, нарсалар ва ҳужжатларни мустақамлаш ва сақлашга доир чораларни ўз ичига олиши белгиланган.

Умумий маънода, терговга қадар текширув қуйидаги босқичларни қамраб олади: 1) жиноят иши юритувини бошлаш учун сабабни қабул қилиш; 2) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга келиб тушган жиноят тўғрисидаги хабарни текширишга

қаратилган тергов ва бошқа процессуал ҳаракатларни амалга ошириш; 3) терговга қадар текширув ўтказиш натижалари бўйича яқуний қарор қабул қилиш.

Терговга қадар текширув институтининг аҳамияти унинг жиноят ишини судга қадар юритиш босқичида бирламчи вазифаларни бажариши билан ҳам боғлиқ. Айни вақтда, **терговга қадар текширув институтининг ўзига хос жиҳатлари** ҳам мавжуд.

Биринчидан, терговга қадар текширувнинг ҳуқуқий табиатидан келиб чиқиб, терговга қадар текширув давомида амалга оширилиши мумкин бўлган процессуал ҳаракатларнинг аниқ доираси белгилаб қўйилган (ЖПК 329-м.). Хусусан, терговга қадар текширув давомида қўшимча ҳужжатлар, тушунтиришлар талаб қилиб олиш, шахсни ушлаб туриш, шахсий тинтув ва олиб қўйиш, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, экспертиза ўтказиш, тафтиш тайинлаш, тезкор-қидирув тадбирлари ўтказиш ҳақида топшириқлар бериш мумкин. Терговга қадар текширув вақтида бошқа тергов ҳаракатларини ўтказиш ман қилинади.

Иккинчидан, терговга қадар текширув муддати ҳам ўзига хос. Чунончи, жиноятга оид ариза, хабар ва бошқа маълумотлар рўйхатга олинган дарҳол, жиноят иши кўзгатиш учун сабаб қонунийлигини ва асослар етарли эканлигини текшириш зарурати бўлган тақдирда эса ўн суткадан кечиктирмасдан ҳал қилиниши лозим. Ушбу муддат жиноятга оид ариза, хабар ва бошқа маълумотлар олинган пайтдан бошлаб ҳамда то ишни кўзгатиш ёки кўзгатишни рад қилиш тўғрисида қарор чиқарилгунигача ёхуд терговга қадар текширув материаллари прокурорга юборилгунигача қадар бўлган вақтни ўз ичига олади.

Айрим ҳолларда, терговга қадар текширув муддати суриштирувчи, терговчи ёки терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахсининг асослангандирилган қарорига кўра прокурор томонидан бир ойгача узайтирилиши мумкин. Ушбу асослар сифатида ЖПК 329-моддасида тўртта ҳолат санаб ўтилган: ўтказиш учун кўп вақт талаб қиладиган экспертиза, хизмат текшируви,

тафтиш ёки бошқа текширув тайинланганлиги; олис жойларда бўлган ёки чақирувга биноан ҳозир бўлишдан бўйин товлаётган шахслардан тушунтиришлар талаб қилиб олиш зарур бўлса; янги ҳолатлар аниқланиб, уларни қўшимча тарзда текширмасдан туриб қарор қабул қилишнинг имкони йўқлиги; етказилган моддий зарарнинг ўрнини ихтиёрий равишда қоплаш ва (ёки) жиноят оқибатларини бартараф этиш учун ЖК Махсус қисмининг тегишли моддасида белгиланган муддат ўтмаганлиги.

Учинчидан, терговга қадар текширувни амалга оширувчи субъектлар доираси ўзига хосдир. Хусусан, 2017 йил 6 сентябрдаги «Суриштирув институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун билан терговга қадар текширувни амалга оширувчи 11 та субъект белгилаб берилди: ички ишлар органлари, ҳарбий қисмлар, қўшилмаларнинг командирлари, ҳарбий муассасалар ва ҳарбий таълим муассасаларининг бошлиқлари, давлат хавфсизлик хизмати органлари, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги жазони ижро этиш тизимини бошқариш органларининг бошлиқлари, жазони ижро этиш колониялари, тарбия колониялари, тергов ҳибсхоналари ҳамда турмаларнинг бошлиқлари, давлат ёнғинни назорат қилиш органлари, чегарани кўриқлаш органлари, олис сафарда бўлган денгиз кемаларининг капитанлари, давлат божхона хизмати органлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмалари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси ва унинг жойлардаги бўлинмалари, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш бош бошқармаси ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари. Шу билан бирга, терговга қадар тек-

ширув суриштирувчи, терговчи ёки прокурор томонидан ҳам олиб борилиши мумкин.

Тўртинчидан, терговга қадар текширувни амалга оширувчи субъектлар зиммасига юклатилган вазифалар ҳам ўзига хосдир. Терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар зиммасига зарур чоралар кўриш вазифаси, шу жумладан жиноят аломатларини ва жиноят содир этган шахсларни топиш, ЖПКнинг 391-моддаси қоидаларига мувофиқ текшириб чиқилганидан сўнг жиноят иши юзасидан далил тариқасида фойдаланиш мумкин бўлган маълумотларни аниқлаш мақсадида илмий-техника воситаларидан фойдаланган ҳолда, зарур чоралар кўриш вазифаси юклатилади. Ички ишлар, давлат хавфсизлик хизмати, давлат божхона хизмати органлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси ҳамда Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти ва уларнинг жойлардаги бўлинмаларига, шу мақсадда, тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш ваколати берилган.

2017 йил 6 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг «Суриштирув институти такомиллаштирилиши натижасида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуни қабул қилиниши билан терговга қадар текширув институти жиноят-процессуал қонунчиликда ўзининг маълум ҳуқуқий ифодасини ҳамда айрим процессуал муаммолар ўз ечимини топган бўлса-да, ушбу институтни янада такомиллаштириш, унинг жиноят процесси бошқа босқичлари билан узвийлигини таъминлаш ҳамда жиноят процессининг яхлит тизимидаги ўрнини мустаҳкамлаш борасида бир қатор муҳим чоратадбирларни амалга ошириш талаб этилади.

Хусусан, терговга қадар текширув институтининг ҳуқуқий мақомини янада мустаҳкамлаш мақсадида баъзи чора-тадбирларни амалга ошириш таклиф этилади.

1. Хорижий давлатлар тажрибасидан, шу жумладан, Россия Федерацияси ЖПК 144-моддасидан фойдаланган ҳолда, ЖПКни 329¹-модда

билан тўлдириб, унда терговга қадар текширув субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, терговга қадар текширув ўтказиш жараёнида амалга оширилиши мумкин бўлган процессуал ҳаракатлар, ушбу процессуал ҳаракатлар натижасида тўпланган ҳужжатлардан далил сифатида фойдаланиш каби масалаларни тартибга солиш мақсадга мувофиқ.

2. Жиноят ишини қўзғатиш босқичида шахс ҳуқуқ ва манфаатлари чекланишига йўл қўймаслик учун терговга қадар текширув институтининг ҳуқуқий мақомини тартибга солишга қаратилган алоҳида боб киритиш таклиф этилади.

3. Жиноятга оид ариза, хабар ва бошқа маълумотларни кўриб чиқиш институтини алоҳида боб доирасида терговга қадар текширув доирасида ўтказиладиган ҳаракат турларини ўтказиш асосларини, бу борада дастлабки тергов органлари фаолиятининг процессуал тартибини ва бошқа муҳим масалаларни батафсил тартибга солиш мақсадга мувофиқ.

4. Терговга қадар текширув иштирокчиларининг, малакали юридик ёрдам олиш, суд ҳимоясида бўлиш ҳамда давлат ҳокимияти органлари ва мансабдор шахсларнинг ҳаракат ва қарорлари устидан шикоят қилиш каби ҳуқуқларини мустаҳкамлаш таклиф этилади.

Бу борада юридик адабиётларда ҳам жиноят ишини қўзғатиш босқичи иштирокчиларининг ҳуқуқларини муносиб таъминлаш учун, биринчидан, ушбу босқичда ўтказилиши мумкин бўлган тергов ҳаракатлари доирасини кенгайтириш; иккинчидан, ҳали тергов ҳаракати мақомига эга бўлмаган процессуал текширув ҳаракатларини ўтказиш тартиби ва турларини аниқ мустаҳкамлаш; учинчидан, ушбу босқичда қатнашадиган иштирокчилар рўйхатини белгилаш уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари мажмуини мустаҳкамлаш лозимлиги тўғрисида ўринли фикрлар билдирилмоқда.

5. Жиноят ишини қўзғатиш босқичида амалга оширилиши мумкин бўлган процессуал ҳаракатлар доирасини янада кенгайтириш мақсадга мувофиқ бўлади. Хусусан, жиноят иши қўзғатиш босқичида жиноят тўғрисидаги хабарни зудлик билан рўйхатдан ўтказиш; арз қилган шахсни жиноят ишини қўзғатишни рад қилишга асос бўлган дастлабки терговга қадар текширув материаллари билан таништириш; арз қилган шахсни дастлабки терговга қадар текширувни амалга ошириш тартиби ва муддатлари, шунингдек унинг натижалари бўйича қабул қилинган қарор устидан шикоят қилиш ҳуқуқи ҳақида хабардор қилиш; вояга етмаган шахс унга нисбатан жиноят содир этилганлиги тўғрисидаги ариза билан мурожаат этганда унинг қонуний вакилларини ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни бу ҳақда хабардор этиш; манфаатдор шахслар томонидан ўзини ўзи рад этиш имконияти; судга қадар иш юритиш босқичида манфаатдор шахслар томонидан жиноят тўғрисидаги хабарни кўриб чиқиш учун аҳамиятга эга бўлиши мумкин бўлган ҳолатларни аниқлаш учун процессуал қарорлар қабул қилиш ёки процессуал ҳаракатларни амалга ошириш тўғрисида илтимоснома билан мурожаат этиш имконияти; арз қилувчи, гувоҳ, жабрланувчининг шахсий хавфсизлигини таъминлаш учун чоралар кўриш каби процессуал ҳаракатларни ўтказишни қўзда тутиш мақсадга мувофиқ.

6. Жиноят-процессуал ва бошқа соҳа қонун ҳужжатларини атрофлича хатловдан ўтказиш асосида терговга қадар текширув институти, шу жумладан, ушбу ҳаракатни амалга оширувчи терговга қадар текширув органи мансабдор шахсининг ваколатларига оид тегишли нормаларни мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ.

¹ *Миразов Д.М.* Терговга қадар текширув ўтказиш асослари, тартиби ва хусусиятлари. — Т., 2016. — Б.4.

² *Лизунов А.С.* Доследственная проверка как часть досудебного производства: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — Нижний Новгород, 2017. — С. 6.

³ *Петрухин И. Л.* Возбуждение уголовного дела по действующему УПК РФ // Государство и право. — 2005. — № 1. — С. 67.